

**А. ИБРАГИМОВ  
М. ЭШБОЕВ**



**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ  
ФЛОРАСИНИНГ ЭНДЕМ  
ВА КАМЁБ ТУРЛАРИ**



**А.Ж. ИБРАГИМОВ**

**М.Б.ЭШБОЕВ**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ  
ФЛОРАСИНИНГ ЭНДЕМ ВА КАМЁБ  
ТУРЛАРИ**

**Қарши**

**«Насаф»-2019**

УЎК 631

КБК 41.2

И-14

Ибранимов Акрам, Эшбоев Музаффар

А.Ибранимов, Эшбоев/ Сурхондарё вилояти флорасининг эндем ва камёб – Қарши: « Насаф » нашриёти, 2019. – 112 бет.

## **КБК 41.2**

Монографияда мамлакатимизнинг жанубий ҳудудида жойлашган Сурхондарё вилояти (Бойсун, Кўҳитанг флораси таркибидаги эндем ва камёб бўлган 41 оила, 78 туркумга мансуб 150 турдаги ўсимлик рўйхати ҳамда уларнинг биологик тавсифи, тарқалиш ареали ва экологияси ҳамда камайиб кетиш сабаблари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Монографиядан флористлар, систематиклар, ботаниклар, экологлар, кўриқхона илмий ходимлари, олий ўқув юртларининг биология, география, экология таълим йўналиши талабалари, академик лицей ўқувчилари ҳамда шу соҳа билан қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

**Тақризчилар:** Наманган давлат университети Ботаника кафедраси мудири, биология фанлар доктори **А.Р.Батошов**

ТерДУ Ботаника кафедраси мудири, биология фанлари номзоди, доцент **А.М.Бегматов**

*Ушбу монография Термиз давлат университети Кенгаши йи-илишининг 2019 йил 16 ноябрдаги №4/5.1-сонли ыарори билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.*

© А.Ибрагимов, М.Эшбоев, 2019 йил

© « Насаф » нашриёти, 2019.

ISBN 978-9943-18-257-8

## КИРИШ

Ўзбекистон ҳудуди ўзининг ранг-баранг ландшафтлари, флора ҳамда фауналари билан ажралиб туради ва Ер сайёрасидаги тирик табиатнинг ранг-баранглигини асраб қолишда алоҳида аҳамиятга молик деб топишган дунёнинг 200 та экоҳудудидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон ҳудудида кўплаб жайдари ҳамда йўқолиб кетиш хавфи остида турган глобал аҳамиятга молик ўсимлик турлари ўсади. Бу ерда антиқа ва ранг-баранг ўсимлик турларининг табиий кўпайиш марказлари, жумладан, кўплаб жуда камёб маданий ўсимликлар авлоди аниқланган.

Ўзбекистон Ўрта Осиёда аҳоли энг зич жойлашган мамлакатдир. Қадим даврлардан бошлаб, айниқса, XX асрнинг иккинчи ярмидан сўнг инсоннинг мамлакатнинг экотизимига таъсири омили кўчайиб борган. Ўзбекистоннинг Фарғона, Зарафшон водийси, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм ва Тошкент воҳаларининг ўзлаштирилиши оқибатида табиий экотизим ўрнини бутунлай антропоген ландшафтлар эгаллади. Маълум бир ноёб турлар йўқолиб кетди, баъзилари эса йўқолиш арафасида.

Улар орасида жиддий муҳофазага муҳтож кўпгина камёб, эндем ва реликт турлар ҳам бор. Бундай турларнинг сони 400 атрофида бўлиб, улар Ўзбекистон флорасининг 10-12 фоизини ташкил этади.

Сурхон воҳаси флораси таркибида ҳам бугунги кунда камёб ва реликт ҳисобланган, шунингдек эндем турлар сони 41 оила, 78 туркумга мансуб 150 турни ташкил этади. Бу турлар бугунги кунда Сурхон давлат қўриқхонаси, Бойсун ва Ҳисор ўрмон хўжалиқларида муҳофаза остига олинган. Лекин муҳофаза этилмайдиган ҳудудларда ҳам Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ва эндем ўсимлик турлари учрайди. Уларни бугунги кундаги популяциясининг аҳолини, камайиб кетиш сабабларини ўрганиш долзарб муаммолардан бири саналади. Бунинг учун табиат қўйнига дам олишга чиқадиган сайёҳларга, туристларга ва маҳаллий аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш зарур.

## **СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ЎРНИ**

Сурхондарё вилояти ғарбда Кўҳитанг тизмаси, шимолдан Бойсун, шимоли-шарқдан Ҳисор тизмасининг жанубий ёнбағри, шарқида эса Боботоғнинг ғарбий ёнбағирларининг қуйи қисми билан ўралган. Унинг жанубий чегараси эса Амударё орқали ўтади. Вилоят худуди Бойсун, Кўҳитанг ва Боботоғ ботаник географик районига ажратилади.

### **Бойсун ботаник географик райони**

Бойсун Ботаник Географик Райони Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Денов ва Олтинсой туманлари худудида жойлашган. Мазкур минтақанинг асосини Бойсун ва Чўлбаир тоғлари ташкил этади. Бойсун тоғи эллипсимон шаклда бўлиб, 150 км масофада чўзилган. Бу худуд географик жиҳатдан Помир-Олойнинг Жануби-Ғарбий Ҳисор тизмасини йирик тармоқларидан бири ҳисобланади. Тоғ сувайриғич қисмдан 2 йирик ёнбағирликка ажралади. Баланд қояли тоғлар маълум бир чегараларда қуйидаги номлар билан аталади: Кетмон-Чопти, Хўжа Қўчқор-ота, Хўжа-Гургур-ота, Бель-Аути бу тоғлар ўзаро биргаликда Бойсун тоғ тизмасини ташкил қилади. Чўлбаир тоғи эса Бойсун тоғига нисбатан параллел равишда қад ростлаган. Кетмон-Чопти тоғи: Мачай-дарёси ҳавзаси ҳамда Бойсун шаҳри оралиғида жойлашган бўлиб, Бойсун тоғ тизмасининг бошланиш қисмидир.

Тоғнинг энг баланд нуқтаси денгиз сатҳидан 3160 метрни ташкил қилади. Бу тоғнинг сувайриғич қимидан ҳар икки томонга Мачай-дарёси ҳавзаси ва Тўда қишлоғи орқали Бойсун сойга қуйилади. Кетмон-Чопти тоғи Санжар чўққиси орқали Хўжа-Қўчқор-ота тоғига билан боғланади. Хўжа-Гургур-ота тоғи: Хўжа-Бузбарак, Хўжа-Чал номлари деярли бир жойга нисбатан ишлатилади, яъни Хўжа-Гургур-ота тоғига. Тоғнинг энг баланд нуқтаси денгиз сатҳидан 3223 метр. Тоғнинг шимол томонида параллел равишда Чўлбаир тоғи жойлашган. Хўжа-Гургур-ота тоғидан оқиб чиқадиган Деймалик, Айлангар, Шатут, Парахнаур каби сойлари, Чўлбаир тоғидан Чиндон, Аксу, Қизил-сув сингари сойлар қўшилиб, Ҳалқажар дарёсини ҳосил

килади. Тоғнинг жануб томонидан қор ва булоқ сувларидан тўйинган йирик сойларидан бири Чақмоқ ва Жухин сингари сойлари Мачай-дарёсига қуйилади. Тоғ ўз навбатида Бель-Аути тоғига қўшилади.

Бель-Аути тоғи: Хўжа Гургур-ота тоғининг давоми бўлиб, Сариосиё ва Бойсун туманларини бир биридан, ундан ташқари Ҳисор-Дарвоз округини Жануби-Ғарбий Ҳисор округидан ажратиб туради. Сув айриғич қисмидан жануб ва шимол томонларига бир нечта сойлар ҳосил бўлади. Жануб томондан Ирғайли, Кўккамар ва Қизилсой каби йирик сойлар ўзаро қўшилиб, Мачай-дарёсини ҳосил қилади. Шимол томонидан эса Микян, Пилгар, Қаратош каби сойлар бўлиб, улар ўз сувларини Сангардак дарёсига қуйилади. Бель-Аути тик қояли тоғ бўлиб, энг баланд нуқтаси денгиз сатҳидан 3239 метр. Бу тоғ Ялангтўш довоми орқали Чўлбаир тоғига боғланиб туради.

Чўлбаир тоғи: Жануби-Ғарбий Ҳисор тоғ тизмасининг жануби-ғарбий тармоқларидан бири ҳисобланади. Жанубий-ғарбдан шимолий-шарққа 60 км дан зиёд масофага чўзилган. Энг баланд жойи д.с. 3812 метр бўлиб, Хўжа-Борку деб номланади. Ён бағирлари асимметрик тузилишга эга. Жануби-шарқий ён бағирлари анча тик қояли 1500 метргача. Тоғнинг шимол томонидан Кичикдарё ва Нураган сойлари оқиб чиқади ва ўз сувларини Сангардак дарёсига қуйишади. Жануб томонидан Чиндон, Аксу, Қизилсув сойлари оқиб чиқади ва сувларини Ҳалқажар дарёсига қўшилади. Тоғдан Сангардак дарё ҳавзасига нисбатан параллел равишда Вахшивор дарё ҳавзаси бошланади. Мазкур тоғларнинг барчасида бир қисми тик қояли иккинчи томони эса қия текис сойларга ажралган.

### **Кўхитанг табиий географик райони**

Кўхитанг тизмаси Помир-Олой тоғ тизимининг Жануби-Ғарбий Ҳисор тизмасининг давоми ҳисобланади. Кўхитанг тизмаси шимолдан Сувсизтоғ билан чегараланади. Шарқий чегараси Келиф-Шеробод пасттекисликлари билан, жанубий ҳудуди Амударё билан тугайди. Кўхитанг тизмасининг ғарбий ёнбағри Туркменистон Республикасининг ҳудуди ҳисобланади.

Кўхитанг тизмаси жануби-ғарбга 50 км га чўзилган ва баландлиги 3137 м га етади., бу ерда карст жараёни риволанган. Кўхитанг тизмаси бутун бир қатламлар кўринишида намоён бўлади. Қаттиқ тоғ жинслари, қумтошли-гилли қатламлар бирлашиб 700 метргача қалинликда бўлса, устки қисми 500 метргача зич оҳактошли қатламлар билан қопланган.

Кўхитанг тизмасининг жанубий қисмида комплекс метаморфик жинслар кенг тарқалган бўлиб, тўртламчи даврдан ҳозирги давргача тоғ емирилишлари натижасида қатламлар йўқ бўлиб кетган.

Кўхитанг тоғ тизмасининг ғарбий ёнбағри бирмунча нишаброқ бўлиб, шарқий ёнбағри ҳаддан ташқари тик қоялиги ва энсизлиги билан изоҳланади. Баландлиги 500-600 метр келадиган тик қоялар тоғ юзасидан ажралиб туради.

Тизма рельефи мураккаб бўлиб, чуқур даралар ҳосил қилиб оқадиган сойлар таъсирида парчаланиб кетган. Бу ерда ҳам неоген, палеоген, бўр, триас, тошкўмир, девон, силур, тўртламчи давр ётқизиқларини учратиш мумкин. Бу ётқизиқларнинг ғоят катта қисми аллювиал, пролювиал ва қумтошли қатламлар билан қопланган. Қўриқхона замини гранитли, оҳактошли, сланецли ва бошқа жинслардан иборат бўлиб, айрим жойларида кўмирли қатламлар ҳамда магматик жинслар ҳам учраб туради.

### **Боботоғ табиий географик райони**

Боботоғни ғарбдан Сурхондарё, шимолдан Ҳисор, шарқдан Кофирнихон, жанубдан эса Амударё водийлари ўраб туради. Биз округнинг шарқий чегарасини шартли равишда Ўзбекистоннинг Тожикистон билан бўлган давлат чегараси орқали ўтказамиз. Боботоғ округида бўр ва палеоген, неоген давр ётқизиқлари ривожланган бўлиб, улар алп тектоникаси таъсирида кўтарилиб қолган.

Боботоғ республикамизнинг тоғли округлари ичида ўзининг геологик тузилиши ва ривожланиш тарихи жиҳатидан энг ёш ўлка ҳисобланади. Бу ердаги кекса тоғ жинслари бўр даврига хос бўлиб, тоғнинг энг баланд қисмлари ва замини қизил гил, қизил қумтош, қизил мергел, конгломерат



хамда оҳақтошлардан иборатдир. Тоғларнинг қуйи қисмларида эса палеоген ва неоген давр оҳақтошлари, мергеллари, қизил қумлари, ва конгломератлари учрайди. Оқруғнинг тоғ этакларида, дарё водийларида ва ботикларда антропоген даврнинг аллювиал-пролювиал ётқизиқлари, лёссли қумлоқ, шағал ва бошқа ётқизиқлари кўп учрайди.

Боботоғ Ҳисор тоғидан Ҳисор водийси орқали ажралган бўлиб, жанубда то  $37^{\circ} 30'$  шимолий кенгликкача тахминан 100 км чўзилган. Тоғнинг жанубий қисми Турсунтоғ, Туртоғ сўнгра Қакитоғ деб аталиб то Амударё водийсигача чўзилиб тушади. Лекин округ худудига Боботоғнинг фақат ўзи киради, унинг жанубий қисми Тожикистонга қарайди.

Округ худудига Боботоғнинг ўртача баландлиги 1200-1500 м. Энг қисми эса  $38^{\circ}$  шимолий кенликдаги заркоса чўққисидир (2290 м). Боботоғ бу чўққидан шимолга ва жанубга пасая бориб, 1900-1800 м га тушиб қолади. Тоғ ассиметрик тузилган, шарқий ёнбағри тик бўлиб, Кофирнихон водийсига бирданига пасайиб тушади. Аксинча ғарбий ёнбағри кенг ва узун бўлиб, Сурхондарё округига томон аста-секин пасайиб боради.

Округ кучли денудация жараёнига дучор бўлган, уни дарёлар, сойлар жуда ўйиб юборган. Бунинг устига карст жараёни тоғ рельефини анча мураккаблаштирган.

Боботоғнинг гипсли жинслар тарқалган ва оҳақ ётқизиқларидан ташкил топган шарқий ёнбағрида карст жараёни ғарбий ёнбағрига нисбатан кенг тарқалган. Аксинча лёсс ва лёссимон жинслардан иборат бўлган ғарбий ёнбағрида эса суффозион рельеф шакллари мавжуд.

Боботоғ ўзининг геоморфологик тузилиши жиҳатидан анча парчаланган постовли худуд ҳисоблансада, лекин унинг ўқ қисми вақтли сувлар иши натижасида вужудга келган чуқур канонсимон водийлар орқали бир неча қисмларга бўлиб юборилган. Буни устига Боботоғнинг шимолий қисмини баланд жойларига ёғиннинг нисбатан кўпроқ тушиши туфайли вужудга келган сувлар ҳар хил ётқизиқлар ва тупроқларни ювиб она жинсларни очилиб қолишига сабабчи бўлган.

**Вилоятнинг иқлими.** Сурхондарё вилояти ғарбдан, шимолдан ва шарқдан ўраб турган тоғлар ёзда ҳам, қишда ҳам ҳаво массаларининг округга ўтишига анча тўсқинлик қилади. Шунинг учун ҳам вилоят бутун республикамиздаги энг иссиқ ўлкадир ( йиллик ўртача ҳарорати  $+17^{\circ}\text{C}$  ). Ёз қуруқ ва жазирама иссиқ, қиш юмшоқ ва илиқ келади, шунинг учун ҳам субтропик ўсимликлар ўса олади. Январнинг ўртача ҳарорати  $+1^{\circ}$  ,  $+4^{\circ}\text{C}$  бўлади. Лекин баъзан қиш ойлари анча совиб кетиб, энг паст ҳарорат  $-20^{\circ}$  ,  $-27^{\circ}\text{C}$  га тушади. Июлнинг ўртача ҳарорати  $+28^{\circ}$  ,  $+32^{\circ}\text{C}$  , энг юқори ҳарорат эса  $+42$   $+48^{\circ}\text{C}$  даража бўлади. Термиз шаҳрида ёз кунларида ҳарорат ҳатто  $+50^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилади.

Ҳарорат  $+5^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлган кунларнинг сони бир йилда 290 – 320 га етади. Вегетация даврида ҳароратлар йиғиндиси  $5500^{\circ}$  –  $5960^{\circ}$  бўлади.

Сурхондарё округида баҳорда охириги совуқ тушишнинг ўртача муддати 2-15 мартларга, кузги биринчи совуқ тушишнинг ўртача муддати эса 20 – 25 октябрларга тўғри келиб, совуқ бўлмайдиган кунлар миқдори 227 - 266 га тенг.

Вилоят тоғлар орасидаги берк ботикда жойлашганлигидан ёғин кам ( $133$  –  $360$  мм). Ёғин миқдори ҳудуд рельефининг тузилишига боғлиқ бўлиб, жануби-ғарбдан шимоли-шарққа томон кўпайиб боради. Вилоятнинг жануби-ғарбий текислик қисмида (Термизда ) бир йилда  $133$  мм ёғин тушса, шимоли-шарқий қисмида (Денов туманида )  $360$  мм га етади. Ёғиннинг асосий қисми баҳор ва қишда ( $88\%$  и ) ёғади , ёзда эса ёғин жуда кам ( $2\%$  ) тушади. Ёғиннинг бир қисми қор ҳолида ҳам тушади, лекин у узоқ сақланмайди. Қор вилоятда баъзи йиллари умуман ёғмайди, баъзи йиллари эса 15 кундан 23 кунгача қор ёғиб, қалинлиги 1-2 см га етиб, 5-7 кун эримай туриши мумкин. Бундай қишлар камдан кам бўлиши мумкин. Ҳудудда ғарбий, жануби-ғарбий ва шимоли-шарқий шамоллар энг кўп эсади. Шамолларнинг тезлиги бир хил эмас, ўртача тезлиги секундига 2,6 м. Аммо баъзан тезлиги секундига 15 м дан ошадиган кучли шамоллар ҳам бўлиб туради. Вилоят жануби-шарқий қисмининг иқлимига жануби-ғарбдан эсувчи қуруқ, чанг-

тўзонли “афғон” шамоли салбий таъсир кўрсатади. Баъзан бу шамол соатлаб, хатто суткалаб эсиб, воҳа худудидаги ўсимликларга салбий таъсир кўрсатади.

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФЛОРАСИНИ

### ЎРГАНИШ ТАРИХИ

Жануби-Ғарбий Ҳисор, шу жумладан, Бойсун тоғи ва унинг атрофидаги ҳудудларда олиб борилган илмий изланишлар бир асрдан ортиқ тарихга эга. Ҳудуд ўсимликлари тўғрисидаги дастлабки маълумотлар Н.А. Маевга тегишли. У 1875 йили генерал губернатор К.П. Кауфман бошчилигида “Бухоро жанубидаги текисликлар” деб номланган экспедицияда ботаник сифатида иштирок этган. Тадқиқот ишлари 1875 йилнинг апрель ойида Самарқанд вилояти атрофларидан бошланади. Тахта-Қарача довони орқали, Китоб, Ғузор, Яккабоғ, Қарши, Танги-Харам, Дарбанд, Сайроб, Шеробод, Эски-Ғузор йўналишларида давом этади. Сўнгра ортга Лойдаган, Битау, Ғузор, Оқробот, Дарбанд, Бойсун, Денау, Шўрчи орқали Регар томон йўл олишади ва Вахш, Кулоб, Қўрғонтепа орқали яна Бойсунга келишган. Июнь ойининг охирида Ғузор орқали Катта ва Кичик-Ўрадарёга боришади [Тургенов, 2016].

М. Капю 1881 йилдан бошлаб Бонвало билан биргаликда Марказий Осиё бўйлаб тадқиқотлар олиб борган ва изланишлари давомида кўпгина гербарий намуналари йиғишган. 1881 йилнинг 7-15 апрель кунларида Шеробод ва Ғузорда, 8-9 майда Сайроб, 10 майда Шўроб атрофларида тадқиқотлар олиб боришган. Сўнгра Ғузор томонга қараб тадқиқотларини давом эттиришган. Келтирилган маълумотларга кўра ҳозирги кунда ҳам Бонвало ва Капю томонидан Марказий Осиё минтақасининг турли ҳудудларидан йиғилган гербарий намуналари Парижда (Р) сақланмоқда [Липский, 1905 (382-384-б.), Курдюшев, 1941 (6-б.)]. Улар томонидан ББҒР ҳудуди атрофларидан терилган гербарий намуналари фойдаланган ҳолда В.И. Липский 1910 йилда *Astragalus kelifi* Lipsky турини фанга киритади [Липский, АНР 1907, №26. 158-б.]. Ушбу тур илк бор Капю томонидан Жануби-Ғарбий Ҳисор ҳудудидан терилган (Келиф, 16 (28) III 1881, n<sup>0</sup>342, *Carus* (Р.). (Васильченко ва Васильева, 1985 (83-б.)).

1928-1930 йиллар оралиғида А.И. Введенский ва В.П. Бочанцев Денов

ва Бойсун туманлари атрофларида тадқиқотлар олиб боришган. Изланишлар асосан Чўлбаир тоғи ва унинг атрофлари (Сина, Вахшивор), Оби-дара дарё хавзасида, Бойсун-Денов шаҳарлари атрофларида олиб боришган. Олимлар 3 йил давомида катта миқдорда гербарий намуналарини тўплашган [Бутков, 1938 (6- б.)]. Кейинчалик йиғилган материаллардан фойдаланилган ҳолда мазкур минтақадан фан учун бир нечта янги турларни киритганлар: *Tulipa carinata* Vved. [Опр.ср. азии. 2том. 1971, (318-б.)], *Tulipa orythioides* Vved. (1935), *Iris nicolai* (Vved.) Vved. (1935), *Iris parvula* (Vved.) T. Hall et Seisums (1935), *Allium tyttanthum* Vved. (1934), *A. dolichomischum* Vved. (1935), *A. crystallinum* Vved. (1935), *Ungernia victoris* Vved. et Artjush. (1935), *Eremurus iae* Vved. (1941), *Gagea delicatula* Vved. (1941), *G. gymnopoda* Vved. (1941), *Pedicularis inconspicua* Vved. (1955) ва б. Ундан ташқари А.И. Введенский ва В.П. Бочанцев томонидан терилган гербарий намуналарини ўрганган ҳолда В.П. Дробов *Poa vvedenskyi* Drobow (1941 (538-б.)), О.В. Чернева *Cousinia hoplophylla* Tscherneva (1959), П.Н. Овчинников *Ranunculus vvedenskyi* Ovcz. (1941), Н.Ф. Гончаров *Astragalus subverticillatus* Gontsch. (1946), Е.И. Коровин *Ferula tuberifera* Korovin (1947) сингари турларни фанга киритганлар. ТАСН фондида сақланаётган ва ББГР ҳудудидан терилган намуналарнинг асосий қисми А.И. Введенский ва В.П. Бочанцевлар томонидан терилган.

Кейинги иш А.Я.Бутковга тегишли. У 1934 йилда Бойсун тоғидаги арчазорлар ва улардаги ўсимликлар қопламини ҳамда ҳайвонот оламини ўрганиш мақсадида тадқиқот ишларини олиб борган. Изланишлар натижасида 1938 йилда “Растительность гор Ходжа Гургур-ата“ номли асарини монография кўринишида чоп этган. Бунда Хўжа Гургур-ота тоғи учун 238 тур борлигини қайд этган.

Е.М. Демурина 1934 йилда Марказий Осиёдаги айрим ҳудудларнинг ўсимликлар қопламини ўрганиш мақсадида Чўлбаир, Хўжа Гургур-ота, Бель-Аути тоғларида ҳам тадқиқотлар олиб борган. 1939 йилда ушбу минтақалардаги ўсимликлар қоплами тўғрисидаги маълумотлар келтирган.

1940-1941 йиллар давомида Л.И. Попова Бойсун тоғи ва Сурхон-Шеробод паст текисликларида ўсимликлар қопламини ўрганиш мақсадида тадқиқотлар олиб борган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида 1951 йилга келиб “Особенности в поясом распределение растительности Юго-западных отрогов Гиссарского хребта (в пределах Байсунского района Сурхандарьинского области)” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. У томонидан мазкур ҳудуд учун фақатгина 626 тур борлигини қайд этади. Олима 2 йил мобайнида 2000 дан ортиқ гербарий намуналарини йиғишга эришган.

Мазкур минтақанинг эндемизмига бағишланган илк тадқиқот ишлари Л.И. Васильева ва И.Т. Васильченколарга (1985) тегишлидир. Жануби-Ғарбий Ҳисор округи флорасида 29 оила, 100 туркумга мансуб, 203 тур эндем ва 60 турдаги субэндем турлар ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Эндем ва субэндем турларни районлар бўйича, баландлик минтақалари ва ўсимликлар қоплами бўйича таҳлил қилинган. Бу борадаги тадқиқотларни Ф.О. Хасанов (1991) давом эттириб, Жануби-Ғарбий Ҳисор тоғ тизмаси эндем турларининг таркиби борасида батафсил маълумотларини келтиради. Бунга кўра минтақа флорасида 22 оила, 55 туркумга мансуб 124 та эндем борлигини қайд этган.

А.М. Холмуратов 2007 йилда “Бойсун-Чўлбаир тоғларининг ўсимликлар қоплами” мавзусида номзадлик диссертациясини ҳимоя қилади. Тадқиқотчи 2004- 2007 йиллар оралиғида олиб борган изланишлари давомида мазкур минтақа ўсимликлар қопламида 11 тип, 16 та формация ва 28 ассоциациялар таркибида 714 тур борлиги ҳақида маълумотлар келтирган.

Бойсун Ботаник Географик райони флораси тўғрисидаги батафсил маълумотлар илк бор О.Тургунов (2016) томонидан келтирилган бўлиб, 89 оила, 523 туркумга мансуб 1555 турни ташкил этади. Изланишлар давомида ботаника фани учун 3 та янги турлар: *Jurinea tschernevae* Tojibaev & Turginov, *Iris khassanovii* Tojibaev & Turginov, *Allium decoratum* Turginov & Tojibaev, Ўзбекистон флораси учун 16 та қўшимча янги турлар: *Astragalus*

*varzobicus* Gontsch., *Chesneya crassipes* Boriss., *Ch. hissarica* Boriss., *Chondrilla gibbistrostris* Popov, *Cousinia pannosa* C.Winkl., *Consolida stocksiana* (Boiss.) Nevski, *Eremurus hissaricus* Vved., *Ferula tadshikorum* Pimenov, *Hedysarum cephalotes* Franch., *H. denticulatum* Regel et Schmalh., *Nepeta pamirensis* Franch., *Pedicularis sarawschanica* Regel, *Scrophularia pamiro-alaiica* Gorschk., *Silene bucharica* Popov, *Taraxacum tadzhikorum* Ovcz. et Schischk., *Ventenata macra* (Steven) Balansa et Boiss. (= ***Gaudinopsis macra*** (Stev.) Eig) аниқланди.

Ҳисор тизмаси учун 15 тур: *Melissitus pamiricus* (Boriss.) Golosk., *Echinophora sibthorpiana* Guss., *Jurinea kokanica* Пјин, *Cousinia gontscharovii* Juz., *C. triceps* Kult., *C. podophylla* Tscherneva, *C. butkovii* Tscherneva, *Astargalus fedtschenkoana* Lipsky, *A. angrenii* Lipsky, *Allium kaufmanii* Regel, *Scutellaria immaculata* Nevski ex Juzz., *Asperula trichodes* J.Gay & DC., *Draba huetii* Boiss., *Elaeosticta paniculata* (Korovin) Kljuykov et Pimenenov, *Onosma gmelinii* L'db. илк бор аниқланилди.

Кўҳитанг тизмасининг ўсимликлар қоплами ва флористик таркиби ҳам бир қанча ботаниклар томонидан ўрганилган.

Тизманинг ўсимликлар таркиби тўғрисидаги дастлабки маълумотлар М.Г. Поповга тегишли. У 1915 йилда ушбу ҳудуднинг ўсимликларини ўрганиш мақсадида илмий сафар ташкил этади ва қимматли гербарий материалларини тўплайди. 1923 йилда Кўҳитанг тизмасининг шарқий ёнбағирликларида М.Г. Попов, Б.А. Федченко бошчилигидаги бир гуруҳ ботаниклар ҳамда 1928 йилда Е.Г. Бобров томонидан илмий изланишлар олиб борилган. 1931 йилда А.В. Ярмоленко ҳам бу ҳудудда кенг изланишлар олиб борган ҳамда шу билан бирга гербарий материаллари тўплаган.

1936 йилда Н.А. Меркулович томонидан Бойсун ва Шеробод ҳудудларида кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилган. Изланишлар натижаси бўлган илмий асарларида ўрганилган ҳудудларнинг табиий-географик хусусиятлари, ўсимликлар қоплами ва уларнинг тарқалиши ҳамда хўжаликдаги аҳамияти ҳақидаги қимматли маълумотлар бериб ўтилган.

Кўхитанг тизмасининг ғарбий ёнбағрида (Туркменистон худудида) биринчилар қаторидаги энг йирик ботаник изланишларни С.А. Невский олиб борган. Унинг кўп йиллик тадқиқотларининг натижаси 1937 йилда “Материалы к флоре Кугитанга и его предгорий” номли йирик илмий мақолада акс эттирилади. Унда муаллиф биринчи бўлиб Кўхитанг тизмаси флорасининг рўйхатини келтиради. Унинг маълумотларига кўра, Кўхитанг флорасининг таркиби тахминан 800 турдан иборат бўлиб, шундан 588 турдаги ўсимликлар тадқиқотчи томонидан терилган ва аниқланган гербарий маълумотлари асосида келтирилган. Шунингдек, илмий манбада турларнинг тарқалиши, ҳаётий шакллари, экологияси ҳамда биринчи бўлиб, тизма ўсимликларнинг тик баландлик минтақалари бўйича тарқалишининг схемаси ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

С.А. Невский тадқиқотларидан кейин бу ҳудуд кўплаб Ўрта Осиёнинг йирик ботаник олимлари жумладан, П.Н. Овчинников, В.И. Запрягаева, В.П. Бочанцев, Р.В. Камелин, И.В. Белолипов, А.Я. Бутков, Г.М. Проскуряковаларнинг диққатини ўзига тортди. Улар келтирган маълумотлар Кўхитанг тизмаси ва унинг атрофидаги тизмаларда турли мақсадларга қаратилган ботаник изланишларнинг ривожланишига асос бўлди.

1947 йилда Е.П. Коровин Кўхитанг тизмасининг Ходжа-фил-ота бўлимидан *Apiaceae* оиласига мансуб янги турни (*Libanotis nevskii* Korovin) топади. Кўхитанг тизмасидан топилган бу турни кейинчалик М.Г. Пименов, Л.И. Сдобниналар (1973, 1975) ўз ишларида *Seseli nevskii* (Korovin) Pimenov et Sdobnina comb. nov. номи билан келтиришган.

1954 йилда Л.Б. Блиновский томонидан нашр этилган мақолада Кўхитанг тизмасидаги ёввойи чилонжийда ўсимлигининг (*Ziziphus jujuba* Mill.) тарқалиши ва биоэкологияси ҳақида батафсил маълумотлар келтирган.

Кўхитанг тизмасининг флорасидаги бошоқли ўсимликларнинг тур таркибига Н. Чопанов катта ойдинлик киритди. У 1959 йилда “Конспект злаков флоры Туркмении” номли асарини чоп этди. Н. Чопановнинг маълумотлари С.А. Невский келтирган маълумотларни анча бойитди.



Хусусан, дастлабки манбада Кўҳитанг тизмасида бошоқдошларнинг 86 тури келтирилган бўлса, Н. Чопанов уларнинг таркиби 110 турдаги ўсимликлардан иборат эканлигини қайд қилиб ўтган.

Е.П. Коровиннинг 1961-1962 йилларда нашрдан чиққан машхур “Растительность Средней Азии и Южного Казахстана” номли монографиясида Кўҳитанг тизмасининг табиий-географик ўрнига алоҳида тўхталиб ўтади. Ўсимликлар қопламининг хусусиятлари ва улар намоён этадиган табиий қонуниятлар асосида тизмани Жанубий Туркистон тоғ провинциясининг Кўхистон округи таркибига киритади ҳамда унинг ўсимликлар қоплами ҳақида маълумотлар бериб ўтади.

Тадқиқ этилган ҳудуд Россия Ботаниклар уюшмасининг президенти, Ўрта Осиё флорасининг йирик билимдони Р.В. Камелиннинг диққат марказида бўлиб келган. У 1973 йилдаги нашрида Тоғли Ўрта Осиёда Кўҳитанг тизмасининг тутган ўрнига баҳо беради ва уни Тоғли Ўрта Осиё провинциясининг Ғарбий Ҳисор округи таркибига киритади. Айнан, у Кўҳитанг тизмасининг флористик хилма-хиллиги масаласига ойдинлик киритади ва С.А. Невскийнинг дастлабки маълумотларини бойитади.

Р.В. Камелин (1973) фикрига кўра, Кўҳитангда турлар таркибининг умумий сони 1000 турдан кам эмас ва тизманинг ғарбий қисмидаги флористик хилма-хилликни 860 турдаги ўсимликлар ташкил этади. Келтирилган маълумотлар алоҳида таксономик бирликлар мисолида ҳам ўз ифодасини топади. Масалан, *Brassicaceae* ва *Caryophyllaceae* оилалари турларининг сони С.А. Невский келтирган маълумотлардан анча кўплиги кўрсатилган. Бироқ, шундай бўлсада Р.В. Камелин келтирган маълумотлар тизма флорасининг баҳоланиши тарзида келтирилган бўлиб, флоранинг конспекти кўринишида чоп этилмаган ва Ўрта Осиё тоғли флорасининг флорагенезини очиб беришда намунавий асос сифатида қўлланилган.

Ўрта Осиё тоғли флорасининг ҳудудий баҳолаш ишларини Р.В. Камелин кейинчалик ҳам давом эттирган. 1990 йилда чоп этилган “Флора Сырдарьинского Каратау” номли китобида Кўҳитанг тизмаси учун

(Шеробод–Келиф паст текислигидан Сувсиз тоғининг пастки ва ўрта қисми Туркменистон ҳудудидаги Окбош, Иллак, Илликбош ҳамда Тарқапчиғай ва Гаурдак туманларини ўз ичига олади. Умумий майдони 6700 км<sup>2</sup>.) 92 оилага мансуб 545 туркум ва 1435 тур ўсимликларни келтирган. Шундан 119 тур ўсимликларни Кўҳитанг тизмасининг турли хил мақомдаги эндемлари сифатида қайд қилиб ўтган.

Г.М. Проскурякова ва Н. Б. Беянина (1973, 1975) Кўҳитанг тизмасининг флораси таркибига қўшимча сифатида яна 32 тур ўсимликларни келтирган.

1982 йилда И.Г. Левичев Кўҳитанг тизмасининг шарқий ёнбағрида жойлашган Қизилолма сойининг юқори қисми, денгиз сатҳидан 2900 м баландликдан, қорга яқин бўлган жойдан *Gagea* туркумига мансуб янги *Gagea nabievii* Levichev турини топади ва фанга киритади.

Тадқиқ этилган ҳудудда олиб борилган геоботаник тадқиқотлардан энг салмоқлиларидан бири сифатида Ф.О. Хасановнинг изланишларини келтириш мумкин. Тадқиқотчи томонидан 1982-1987 йиллар давомида тизманинг дарахт ва бутазорлари ўрганилган. Бу ишларида Кўҳитанг тизмасининг флораси бўйича қисқача очерк, шибляк типининг асосий формациялари ва уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти борасидаги қимматли маълумотлар келтирилган. Хусусан, Кўҳитанг тизмаси доирасида шибляк типининг флористик бойлиги 55 оила, 269 туркумга мансуб 578 тур ўсимликлар билан баҳоланишини келтирган. Ушбу тадқиқот натижалари ҳозиргача олиб борилган флористик ва геоботаник изланишлар орасида салоҳиятли ўрин эгаллаб келмоқда.

1985-1986 йилларда Ф.О. Хасанов томонидан *Acer pubescens* Franch. ҳамда *Sageretia laetevirens* (Kom.) Gontsch. турларининг Кўҳитанг тизмаси ўсимликлар қопламида тутган ўрни, тарқалиш майдони, экологияси, формация ва ассоциацияси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Кўҳитанг тизмаси ўсимликлар қопламанинг тик минтақалар бўйлаб тақсимланишига бағишланган йирик илмий мақола 1987 йилда Р.В. Камелин

ва Ф.О. Хасановлар томонидан чоп этилган. Шунингдек, Ф.О. Хасанов бу ҳудуддан топилган флористик янгиликлар муаллифи сифатида ҳам фанга ўз хиссасини қўшган. 1988 йилда И.И. Мальцев билан ҳаммуаллифликда Кўхитанг тизмасининг шимоли-шарқий қисми, яъни Боғлидара бўлиmidан *Allium* туркумига оид (*Allium ecornutum* F.O. Khass. et I.I. Malzev) ва 1991 йилда Кампиртепа бўлими Мачайли сойидан *Silene* туркумига мансуб (*Silene nataliae* F.O. Khass. et I.I. Malzev) янги турларни топишган ҳамда бу турлар бўйича маълумотлар бериб ўтишган.

Ф.О. Хасановнинг биз тадқиқ этган ҳудуд учун тегишли бўлган илмий асарлари қаторига 1991 йилда чоп этилган ва Жануби-Ғарбий Ҳисор тоғ тизмаси эндем ўсимликларининг тур таркиби борасида келтирган батафсил маълумотларини (22 оила, 55 туркумга мансуб 124 та эндем турлар) ҳам киритиш зарур. Ундаги кўрсаткичлар Кўхитанг тизмасида тарқалган эндемларни ўрганишда аҳамиятли бўлиб келмоқда.

1988 йилда В.В. Никитин ва А.М. Гельдиханов томонидан чоп этилган “Определитель растений Туркменистана” номли монографиясида ҳам Кўхитанг тизмасида тарқалган ўсимлик турлари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

ЎзФА академиги К.Ш.Тожибаев раҳбарлигида турли йилларда олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ҳам таҳсинга лойиқдир. 2010 йилдан то бугунги кунгача Ўрта Осиё ва Ўзбекистон флорасининг таксономик таркиби, географик тарқалиши, популяцияси, камайиб кетиш сабаблари, муҳофаза чоралари шунингдек, фан учун янги турларнинг топилиши, камёб ва реликт турларнинг тарқалиш харита-схемаси, FLORUZ.UZ номли ягона маълумотлар базасининг шакллантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

2010 йилда Ибрагимов томонидан Кўхитанг тизмасининг шарқий ёнбағрида жойлашган Сурхон қўриқхонаси флорасининг таркиби ўрганилган бўлиб, 77 оила, 372 туркумга мансуб 743 турлардан ташкил топиши аниқланди. Қўриқхона флораси таксономияси, ареалогияси,

биоморфологияси, экологияси бўйича таҳлил қилинди ва тик минтақалар бўйлаб тақсимланиши ўрганилди. Маъмурий мақоми бир хил бўлган Нурота ва Чотқол кўриқхоналарининг флоралари билан қиёсий таҳлил этилди. Флора таркибида Кўхитанг тизмасининг 22 турдаги эндемлари ўсиши аниқланди. Улардан 5 таси кўриқхонанинг эндемлари ҳисобланади.

Бундан ташқари вилоят флораси ҳақида қўшимча маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби, “Флора Ўзбекистана” [99], “Определитель растений Средней Азии” [59], “Флора Туркмении” [98], “Флора Таджикской ССР” [97] ва “Флора СССР” [96] монографияларида ҳам келтирилган.

# СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ КАМЁБ ВА ЭНДЕМ ТУРЛАРИ


## 1.Оила. *Synotriaceae*- Қумсўтадошлар

### 1. Туркум. *Synotrium* L.- Қумсўта

#### 1. Тур. *Synotrium songaricum* Rupr.-Жунгор қумсўтаси, циноморийси.- Циноморий джунгарский

Жанубий Помиролой учун камёб тур бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг қизил китобига киритилган.

**Ботаник тавсифи:** Қизил-бинафша рангли текинхўр ўсимлик. Бўйи 7-20 см, йўғонлиги 1,5-3 см, учбурчак тангачалар билан қопланган, узунлиги 3-5 мм. Тўпгули жуда тиғиз, тўнғоғичсимон, цилиндрсимон. Гуллари зич жойлашган. Гулкўрғон бўлаклари 2-4 мм узунликда. Чангчиси чангдони билан 2,5 мм узунликда. Уруғчиси 2-3 мм узунликда. Меваси шарсимон, эни 1,25-1,5 мм. Май-июнда гуллаб, мева хосил қилади.



**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тоғининг Бойқўниш, Катта шамолли, Гулгун, Кампиртепа Шўроб худудларидаги тоғолди текисликларида тарқоқ ва сийрак ҳолда қумли тупроқларда ва олажанларда тарқалган. Ўзбекистондан ташқари Туркменистон, Тожикистон, Эрон, Афғонистон, Мўғилистонда ҳам ўсади.

## 2.Оила: *Ranunculaceae* - Айиктовондошлар

### 2. Туркум: *Anemone* L.- Пўфанақ

#### 2. Тур: *Anemone baissunensis* Juz. et M.M.Sharipova - Бойсун пўфанаги- Ветреница байсунская

Маълум кичик майдонларда ўзига хос шароитларда сақланиб қолган, тез йўқолиб кетиши мумкин бўлган ва жиддий назоратни талаб этувчи кўп йиллик ўт бўлиб, Кўхитанг ва Ҳисор тизмаларидаги ареали ажралган камёб, эндем ўсимлик ҳисобланади.

**Ботаник тавсифи.** Чўзиқ туганакли кўп йиллик ўт. Ёпирма барглари бандли, уч карра бўлинган, бўлаклари юмалоқ ёки ўткир тишли. Ён бўлаклари бандсиз ёки қисқа бандли, ўрта қисмидагиси 1,5 см узунликдаги бандга эга. Ўрама барглари 2-3 та, юқори қисми учкарра бўлинган. Гулбанди 1-4 та, туклар билан қопланган. Гуллари 1-2 та, диаметри 3-4 см, сарик рангли. Чангдони ва чангчи иплари сарик, уруғчиси эса қора рангли. Уруғи 0,3-0,5 см узунликда. Тумшукчасининг узунлиги 0,2 см, сертук. Март-апрель ойларида гуллаб, май ойида меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тизмасининг Шалқон қишлоғи атрофида, Бойсун тизмасида Чўлбаир тоғи, Мачай-дарё ҳавзасида, Омонхона, Гуматак қишлоқлари атрофида ҳамда Шўрчи, Денов туманларининг тоғ ва тоғ олди худудларидаги соз ва майда жинс тупроқларда, тоғ этакларидаги ола жинсларда ўсади. Ўзбекистондан ташқарида Тожикистонда ҳам учрайди.

### **3. Тур: *Anemone bucharica* (Regel) Finet et Gagner. - Бухоро пуфанаги-Ветреница бухарская**

Ўзбекистонда кам учрайдиган, жанубий Помир-Олойда ўсадиган эндем ўсимлик бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобида камёблик даражаси 3 гуруҳига яъни маълум вақт ичида сони ва тарқалган майдонлари табиий сабабларга кўра ёки инсонлар таъсири остида қисқариб кетаётган тур эканлиги билан ажралиб туради.

**Ботаник тавсифи.** Туганаги юмалоқ ёки узунчоқ кўринишдаги кўп йиллик ўт. Ёпирма барглари бандли, оч яшил рангли, юмалоқ-юраксимон, уч карра бўлинган, сийрак тукли. Япроғининг ён бўлаклари бандсиз, ўрта қисмдагилари эса қисқа бандли. Ўрама барглари 3 та, уч карра бўлинган. Гулпоялар 1-3 та. Гуллари йирик, диаметри 3-4 см, тик турувчи, очик, ликопчасимон. Гулқўрғони қизил, ички томони ялтироқ, ташқи томони ётиқ тукли. Уруғи қалин тукли. Апрель-июн ойларида гуллаб, мева беради.



**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тизмасида, Шолқон қишлоғи атрофида, Бойсун тизмасида Халқажар дарё хавзасида, Омонхона, Қиякамар қишлоғи атрофларида ҳамда Боботоғ тизмаларидаги очилиб қолган ола жинсларда ҳамда тоғ ёнбағирларидаги созтупроқли ва майда заррали тупроқларда ўсади.


### 3. Оила: *Raeoniaceae* - Саллагулдошлар

#### 3. Туркум: *Raeonia* L.- Саллагул

#### 4. Тур: *Raeona hybrida* Pall. - Ёввойи саллагул - Пион степной

Камёблик даражаси 3. Ўзбекистондаги сони қисқариб бараётган камёб, манзарали тур бўлиб Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган.

**Ботаник тавсифи.** Бўйи 25-75см оралиғидаги кўп йиллик ўт. Илдизи урчуқсимон йўғонлашган. Барглари бандли, икки карра уч бўлакли, бўлаклари қалами - наштарсимон. Гуллари йирик, диаметри 6-10 см. Меваси тарвақайлаган, қалин тукли. Уруғи



ялтироқ, қора рангли. Июнь-июль ойларида гуллаб, июль-августда меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Вилоятнинг Ҳисор тоғ тизмасининг чиқиш қийин бўлган ҳудудларида денгиз сатҳидан 1500-2000 м баландликда чириндили майда жинсли тупроқларда ва дарахтларнинг тагида ўсишга мослашган. Сурхондарёдан ташқарида Тошкент вилоятининг Чотқол, Қурама, Самарқанд вилоятининг Зарафшон, Қашқадарё вилоятининг Ҳисор тизмаларида бундан ташқарида Қирғизистон, Қозоғистон, ғарбий Сибир шунингдек Жунғорияда ҳам учрайди.

#### 4. Оила: *Caryophyllaceae*- Чиннигулдошлар

#### 4. Туркум: *Allochrusa* Regel.- Аллохруза

#### 5. Тур: *Allochrusa gypsophiloides* (Regel.) Schischk.- Качимсимон

#### етмак - Аллохруза качимовидная

**Ботаник тавсифи.** Бўйи 30-60 смга етадиган Ўрта Осиё тоғларидаги ареали кескин қисқариб бораётган эндем ўсимлик. Ҳаётий шакли кўп йиллик ўт бўлиб, пояси ингичка, кўп. Барглари 10-25 мм узунликда, ясси, қалами, тикансиз. Гуллари пушти ранг, поянинг тепасида ёйиқ рўваксимон тўпгул ҳосил қилади. Меваси - кўсаксимон. Май август ойларида гуллаб, август сентябрда меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Вилоятнинг Ҳисор ва Кўхитанг тоғ тизмаларида тарқалган. Кўхитанг табиий ҳудудида яъни, Сурхон кўриқхонасининг Шержон ва Кампиртепа ҳудудларида денгиз сатҳидан

900-1500 м баландлигида тарқалган. 100 м<sup>2</sup> майдонда 50-60 тупи учраши қайд этилган. Бойсун тоғ тизмасининг Мачай-дарё хавзасида, Оқ қишлоқ, Келин мурда, Шуммирон ҳудудларида учрайди. Вилоятдан ташқарида Тошкент, Наманган, Қашқадарё ҳудудларида шунингдек, Тожикистон,





Киргизистон ва Туркменистонда ҳам учрайди. Маҳаллий аҳоли томонидан саноат хом ашёси ва доривор ўсимлик сифатида кўплаб йиғиб олинади. Етмакдан тўқимачилик, мўйначилик, қандолатчилик (нишолда тайёрлашда) саноатларида, табобатчиликда ва кундалик ҳаётда кенг фойдаланилади. Шунинг учун туп сони камайиб бормоқда.

## **6. Тур: *Allochrusa tadshkistanca* Schischk. -Тожикистон етмаги -**

### **Аллохруза таджикистанская**

**Ботаник тавсифи.** Жанубий Помир-Олойдаги қисқариб бораётган камёб, эндем ўсимлик бўлиб, бўйи 60 смга етадиган кўп йиллик ўт. Поялари шохланган, тўқ-қўнгир рангли, қисқа дағал тукли. Барглари қалами, ясси, узунлиги 15 мм, эни 2 мм, тикансиз. Гуллари шохларнинг учидаги тукли гулбандларда ўрнашган. Тўпгули сийрак, икки, уч карра шохланган рўвакдан иборат. Косачаси ингичка қўнғироқсимон, қисқа тукли, тожбарглари наштарсимон, тўмтоқ, оч яшил, учи оқ. Июнь-июль ойларида гуллаб, август-сентябрда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Фақат Ҳисор тоғ тизмасидага Тошли ёнбағирлар ва қизил кум-тошларда якка-якка ҳолда, баъзан кичик тўплар ҳосил қилади. Табиий

заҳиралари сапонин сақловчи хом ашё сифатида кўплаб йиғилиши туфайли камайиб кетганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган. Шунингдек, бу турнинг ареали Ўзбекистон ташқарида Тожикистон тоғларида ўсиши аниқланган.

## 5. Туркум: *Silene L.*– Зўрча

### 7. Тур: *Silene michelsonii* Preobr. - Михельсон зўрчаси - Смолевка

#### Михельсона

**Ботаник тавсифи.** Жануби-Ғарбий Помир-Олойдаги жуда камёб, эндем тур. Бўйи 25-30см га етадиган кўп йиллик ўт бўлиб, пояларининг асоси жуда кўп қуриб қолган барг қолдиқлари билан ўралган. Барглари чўзиқроқ тескари тухумсимон, учи ўткир. Косачаси сал пуфаксимон, юпка, цилиндр-кўнғироқсимон бўлиб, 10 та томирли. Тожбарги оқ, туксиз. Июнда гуллаб, июль ойида меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Вилоятнинг Ҳисор тоғ тизмасида яъни Тўпалонг

дарёси ҳавзасидаги қоя тошларда якка-якка ҳолда учрайди.

### 8. Тур: *Silene nataliae* F.O.Khass. - Наталия зўрчаси

#### Смолевка Наталии

**Ботаник тавсифи.** Кўҳитанг тизмасидаги реликт эндем тур. Яримбутача. Барглари илдиз бўғизидида жойлашган, бўлмали, узунлиги 3-5 см, иккала томони оддий ёки безчали туклар билан қопланган. Гуллари 3-6 та. Косачаси оддий ва безчали туклар билан қалин қопланган, кенг кўнғироқсимон, пуштиранг, узунлиги 12-14 мм, тишчаларинингузунлиги 2-4 мм, гултожи сариқ, юқори қисми пуштиранг, қайтақиси 5-6 мм узунликда, икки бўлакли, тишчасиз. Чангчи ва устунчаси туксиз. Карпофори 4-5 мм узунликда, туксиз. Кўсагининг узунлиги 6-7 мм, туксиз. Июлда гуллаб, меваси августда етилади.

**Тарқалиш ареали.** Фақат Кўхитанг тизмасининг Кампиртепа бўлими Мачиллисойнинг юқори қисмида д.с. 2200 м баландликдаги қоя тошларнинг шимолий ёнбағрида 50-60 туп ўсимликдан иборат иккита популяцияси ўсиши аниқланган. Бу тур 1991 йилда Ф.О. Хасанов ва И.И. Мальцевлар томонидан янги тур сифатида фанга киритилган. Қисқа ареалга эга махсус жойдагина ўсишга мослашган (стенобионт) реликт ўсимлик сифатида Сурхон давлат кўриқхонасида муҳофазага олинган.



## **6. Туркум: *Dianthus L.*– Чиннигул**

### **9. Тур: *Dianthus uzbekistanicus* Lincz. – Ўзбекистон чиннигули**

#### **Гвоздика узбекистанская**

**Ботаник тавсифи.** Помир-Олойнинг жануби-Ғарбий қисмидаги камёб, эндем ўсимлик бўлиб, бўйи 40 смгача етадиган кўп йиллик ўт. Камёблик даражаси 3-категория бўйича Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган. Поялари кўп, оддий, баъзан юқори қисмидан шохланган, туксиз, пастки қисми ғадир-будир, узунлиги 20-35 см. Барглари кўкимтир-яшил, ўткир учли. Гуллари якка-якка, асоси қалин тукли, пушти рангли. Меваси - кўсакча, кўп уруғли. Май ойида гуллаб, июнда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Сурхондарё вилоятининг Ҳисор ва Бойсун тоғ тизмаларида учрайди. Хўжа Гургур-ота, Жуаяк, Мачай-дарё ҳавзасида, Пашшахона ҳудудларида якка-якка ҳолда тош-шағалли жойларда, тош ва

оҳактош синиқлари ва ёриқлари орасида ўсади. Бир гектар ерда 40-100 тагача тўплардан иборат тўплар ҳосил қилади. Чорва молларининг бетартиб ва кўп боқилиши натижасида туп сони камайиб бормоқда.

**5. Оила: *Chenopodiaceae* - Шўрадошлар**

**7. Туркум: *Climacoptera* Botsch.- Балиқкўз-**

**10. Тур: *Climacoptera oxyphylla* U.P.Pratov -Ўткирбарг балиқкўз**

**Климакоптера остролистная**

**Ботаник тавсифи.** Ўзбекистоннинг жанубий қисмида кичик майдонда сақланиб қолган эндем ўсимлик. Бўйи 10-15 см, асосидан шохлаган, бир йиллик ўт. Ўсимликнинг пастки қисми қалин, юқори қисми эса сийрақлашган, узун, кўп хужайрали, чалқаш, ярим ётиқ туклар билан қопланган. Шохчалари ва барглари кетма-кет жойлашган, поядаги баргларининг банди поясига ёпишган. Барглари этли, қалами ярим цилиндрсимон, учи ўткир, баргининг учи гуж тукли. Гуллари якка, рўваксимон тўпгулга йғилган. Гулолди барги этли, учи ўткир, ёнбаргча ва гулкўрғонлардан узунроқ. Гулкўрғони 5 баргчали, узунлиги 6 мм, мевалаган пайтида юқори қисми тукли қанотчалар ҳосил қилади. Чангчаси 5 та.



Тумшукчаси бигизсимон, гулкўрғонидан қисқа. Уруғи ётиқ жойлашган.

**Тарқалиш ареали.** Сурхондарё вилоятининг эндем тури бўлиб, фақат Шеробод туманидаги Майдон қишлоғи атрофида ола жинсли ерларда якка-якка ҳолда тарқалган.

**6. Оила: *Platanaceae* – Чинордошлар**

**8. Туркум: *Platanus* L.- Чинор**

**11. Тур: *Platanus orientalis* L. - Шарқ чинори- Платан восточный**

**Ботаник тавсифи.** Ареали ажралган камёб, реликт тур бўлиб, бўйи 30 м га етадиган кенг шохшаббали дарахт. Барги панжасимон қирқилган, 5-7 бўлаккли, эни 12-18 см. Бўлаклари чўзиқроқ, ўйилган, йирик тишчали. Гуллари бир жинсли, шарсимон тўпгулга йиғилган. Мевали каллакчаси 2-7 тадан, диаметри 2-5 см атрофида. Меваси ёнғоқчасимон, тумшукчали, ётиқ қалин туклар билан қопланган. Апрель ойида гуллаб, меваси август-сентябрда етилади.



**Тарқалиш ареали.** Ҳисор тоғ тизмасида яъни, Сангардак, Тўпаланг дарёларининг ҳавзаларида, Бойсун тоғ тизмасида Мачай-дарё ҳавзасида, Олича,

Дарбанд ҳудудларидаги тоғларнинг ўрта қисмида, дарё бўйларида, булоқлар атрофида, тошлоқларда яқка-яқка ҳолда ўсади. Қурилиш, мебел тайёрлаш ва ўтин сифатида маҳаллий аҳоли томонидан кесилиб кетиши натижасида камайиб кетмоқда.

## 7. Оила: *Ebenaceae*- Хурмодошлар

### 9. Туркум: *Diospyros* L.- Хурмо

#### 12. Тур: *Diospyros lotus* L.-Сафсан хурмо- Хурма кавказская

**Ботаник тавсифи.** Жуда камёб, ареали қисқариб бораётган йўқолиб кетиш хавфи остида турган, сақланиб қолиши учун махсус муҳофазани талаб этадиган реликт тур бўлиб, бўйи 15-20 м га етадиган қўнғир қора пўстлоқли дарахт. Барглари мустаҳкам, қайишсимон, чўзиқ, узунлиги 15 см. Гуллари сарғиш-қизил, қўнғироқсимон, икки уйли.



Чангчили гуллари яримсоябонга тўпланган, уруғчи гуллари якка-якка ёки бир нечтадан бўлиб ўрнашган. Меваси этли резавор, шарсимон, аввалига кизғиш, кейинчалик қўнғир-қорамтир рангда. Май-июнда гуллаб, октябр-ноябрда меваси пишади.

**Тарқалиш ареали.** Ҳисор тоғ тизмаси, Тўпаланг ва Сангардак дарёлари ҳавзаларида, Куштут, Тамшуш, Хонжиза қишлоқлари ва Мурдагулдара ҳудудларида тоғнинг пастки ва ўрта қисмларидаги дараларнинг шағалли ёнбағирларида, булоқларнинг бўйларида тарқалган. Кам учрайди, баъзан 5- 15 тупи бирга ўсади. Ўзбекистондан ташқарида бу турнинг ареали Тожикистон, Кавказ, Кичик Осиё, Эрон, Хитой ва Японияда флоралари таркибида ҳам учрайди.

## 8. Оила: *Capparaceae* – Ковулдошлар

### 10. Туркум: *Capparis* L.- Ковул

#### 13. Тур: *Capparis rosanowiana* V.Fedtsch. - Розанов ковули- Каперцы

##### Розанова

**Ботаник тавсифи.** Жанубий Помир-Олойдаги камёб, эндем ўсимлик бтури бўлиб, ўйи 1 м га етадиган серпоя ва сертикан кўп йиллик ўт. Пояси ербағирлаб ўсади. Барглари чўзиқ-наштарсимон. Гуллари барг қўлтиғида биттадан ўрнашган, тўғри, сарик рангли, кўп чангчили. Меваси кўсақдай, наштарсимон, узунлиги 30 см га етади, қўнғир рангли, кўндаланг томирли. Май-июн ойларида гуллаб, июль-августда меваси етилади.




**Тарқалиш ареали.** Вилоятнинг фақат Боботоғ массивида тарқалган бўлиб асосан Чагам, Оқмачит қишлоқлари атрофида, Говургон ҳудудида популяцияси сийрак ҳолда учрайди. Очилиб қолган ола жинсларда, баъзан оҳактошларда ва нураган қум

тошларда ўсишга мослашган.

## 11. Туркум: *Cleome L.*- Клеоме

### 14. Тур: *Cleome gordjagini* Роров - Гордягин клеомаси

**Ботаник тавсифи.** Жанубий Помир-Олойнинг ўта камёб, реликт ўсимлиги бўлиб, поялари 50-120 см баландликдаги, сарғиш момик тукли бир йиллик ўт ўсимлик. Барглари тухумсимон, момик тукли, узунлиги 4-5 мм, эни 3-3,5 мм. Косачабарглари ланцетсимон, 3 таси бир хил, 4 - йирикрок, 7 мм гача. Чангчилари 6 та. Кўсаги 25-50 мм узунликда, эни 1,5-2 мм, ўткир бурунчали, безли туклари бор. Августда гуллаб, сентябрда мевалайди.



**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тоғ олди худудларидаги тепаликларда, Келиф - Шеробод паст текисликларидаги гипсли ёнбағирликларда, олажинсли майдонларда тарқалган.


## 9. Оила: *Limoniaceae* - Кермакдошлар

### 12. Туркум: *Acantholimon Boiss.*- Кирпиўт

#### 15. Тур: *Acantholimon annae* Lincz. - Анна

##### кирпиўти- Акантолимон Анны

**Ботаник тавсифи.** Ҳисор тоғидаги камёб, эндем тур. Яримшар шаклидаги тиғиз, ёстиқсимон, диаметри 10-12 см га етадиган ярим бута. Барги яшил, деярли ясси наштарсимон, узунлиги 2-5 мм, эни 0,5-1,5 мм. Гулпояси оддий, узунлиги 4-5 см, баргидан узунроқ, туксиз. Бошоғи бир



гулли. Косачаси қирмизи, тожбарги пушти рангли. Июль-август ойларида гуллаб, сентябр-октябрда меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Фақат Тўпаланг дарёси ҳавзаси ҳудудларида тарқалган бўлиб, асосан тоғнинг ўрта қисмидаги тошли, қоя тошли, тик ёнбағирларда ўсади.

### **16. Тур: *Acantholimon majevianum* Regel – Мажевиан кирпиўти – Акантолимон Маева**

**Ботаник тавсифи.** Ёстиқчаси жуда сийрак, яримшарсимон кенглиги 20–40 см. Ёзги барглари оч ёки кўк-яшил, ясси уч қиррали қалами-бигизсимон узунлиги 2,5-3,5 см эни 1 мм атрофида зич, қисқа тукланган. Баҳорги барглари жуда қалта ва кенг, туксиз, ясси. Гулли новдаларнинг баландлиги 15-25 см, ёстиқчадан сезиларли даражада узун. Новдаси камдан-кам оддий, асосан учидан қисқа шохланувчан, зич тукланган. Шохларининг учидан битта гул ўрнашган. Чангчили найчаларининг узунлиги 7-8 мм атрофида. Гултожи пушти рангли, пастки қисми томирли, тукли.



**Тарқалиши.** Эндем тур. Кўҳитанг тизмаси флорасининг камёб турларидан бири бўлиб, Сурхон қўриқхонасининг Боғлидара ва Тангидувал бўлимларининг шимолий қисмида, Бойсун тизмасининг Мачай-дарё ҳавзасида, Шаршара, Тўққиз тарам ҳудудларидаги шағалли, тошли, соз тупроқли ерларда, денгиз сатҳидан (д. с.) 1000-1200 м баландликда ўсади. Тоғ ва тоғ олди ўсимликлар қопламида асосий рол ўйнайди.



**13. Туркум: *Cephalorhizum* Popov et Korovin – Илдишбош,  
Цефалоризум**

**17. Тур: *Cephalorhizum oopodum* Popov et Korovin - Тухумоёк  
илдишбош, цефалоризум- Корнеглав яйценогий**

**Ботаник тавсифи.** Жанубий Помир-Олойдаги жуда камёб, эндем тур бўлиб, 40-60 см баландликдаги йўғон илдишли, тухумсимон каудексга ўтувчи кўп йиллик ҳаётий шаклга эга ўсимлик. Барча барглари илдиз бўғизиди жойлашган, бандли, серэт, ромбсимон, узунлиги 5-15 см, эни 1,5-2,5 см атрофида. Гулбанди 2-4 та, тўғри, шохланган, тўпгули бир томонлама жойлашган 5-15 гулли. Косачаси қалин тукли, узунлиги 7-8,5 мм, найчаси ўтсимон, қобирғали, юпқа, кўкимтир, кейинроқ оқарувчи қайтақили. Гултожи қизил-бинафша рангли.



**Тарқалиш ареали.** Кўҳитанг тизмасининг жанубий Келиф-Шеробод табиий ҳудудидаги Оқтош ва Қизилтоғ ҳудудларида, О.Тургиновнинг 2016 йилги маълумотлари бўйича Бойсун ботаник географик районидаги Халқажар дарё ҳавзасида, Қумариқ, Бойсун шаҳри атрофларидаги паст тоғлардаги олажинсли кулранг саз тупроқларда якка-якка ҳолда учрайди.

**10. Оила: *Primulaeaceae* - Наврўзгулдошлар**

**14. Туркум: *Dionysia* Fenzl.– Дионисия**

**18. Тур: *Dionysia hissarica* Lipsky - Ҳисор дионисияси – Дионисия  
гиссарская**

**Ботаник тавсифи.** Помир-Олойнинг жануби-ғарбидаги кичик майдонларда сақланиб қолган камёб, эндем тур. Қояларнинг ёриқларида осилиб ўсадиган ёстиксимон, намчил ярим бутача ҳаётий шаклига эга

Ўсимлик. Илдиз бўғизидан ўсиб чиққан бир тутам пояларидаги барглари кетма-кет жойлашган. Эски ёпирма барглари сақланиб қолади. Барглари юмшоқ, юпка, тишчали, безчали туклар билан қопланган, ўзига хос хидга эга. Гуллари сариқ 2-3 та, гулолди баргчалари билан ўралган, пастга эгилиб турувчи гулпояларда ўрнашган. Июнь-июль ойларида гуллаб, мева беради.



**Тарқалиш ареали.** Ҳисор тоғ тизмасининг жанубий ёнбағирларидаги Сангардак дарёсининг ўрта оқимида, Чўлбаир тоғи, Мачай-дарёси ҳавзасида, Оличалисой ҳудудидаги тоғ тизмаларининг сернам жойларида, шаршаралар яқинидаги қумтош қояларининг ёриқларида ўсади..

## 11. Оила: *Brassicaceae* – Карамгулдошлар

### 15. Туркум: *Iskandera* N. Busch. - Искандера

### 19. Тур: *Iskandera hissarica* N. Busch. - Ҳисор искандераси-Искандера гиссарская

**Ботаник тавсифи.** Ҳисор тизмасидаги камёб, эндем ўсимлик бўлиб, бўйи 30 см га етадиган, поясининг пастки қисми ёғочланган, кўп йиллик ўт. Ёпирма барглари тескари-наштарсимон, қисқа бандли, узунлиги 1-8 см, эни 3-15 мм, юлдузсимон тукли. Гулпояси одатда баргсиз бўлади. Косачабарглари чўзиқроқ, бинафша рангли, узунлиги 8 мм, эни 6,5 мм. Қўзоғи юқорига қараган, 3-5 см узунликда, кенг-наштарсимон ёки чўзиқ-қалами, юлдузсимон ва безсимон



туқлар билан қопланган. Май ойида гуллаб, июнь-июлда меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Ҳисор тоғ тизмаси, Қоракул, Хонжиза ва Тўпаланг дарёларининг юқори қисмида, қояларнинг ёриқларида ўсади. Кам учрайди, кичик-кичик тўплар ҳосил қилади. Тўпаланг дарёси ҳавзасида 3000 тупи қайд қилинган.

## 16. Туркум: *Pseudoclausia* Popov – Сохта клаусия

### 20. Тур: *Pseudoclausia olga* (Rgl. et Schmalh) - Botsch. - Ольга сохта клаусияси - Ложноклаусия Ольги

**Ботаник тавсифи.** Помир-Олой тоғларидаги камёб тур ўсимлик бўлиб, бўйи 20 см га етадиган икки йиллик ҳаётий шаклга эга ўт. Қўзоғидан ташқари бутун ўсимлик узун, оддий туқлар билан қопланган. Пояси якка. Барглари бандли, япроғи чўзиқроқ, патсимон бўлакли, бўлакчалари чўзиқ, ўткир учли. Тожбарглари бинафша ёки оқиш-бинафша рангли. Қўзоғи юқорига йўналган, тасбехсимон. Май ойида гуллаб, июнь-сентябрда меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Ҳисор тоғ тизмаларига қаршли Халқажар дарёси ҳавзаларида, Гуматак қишлоғи атрофидаги тоғларнинг ўрта қисмидаги юмшоқ тупроқли ёнбағирларда ва туб жинслар чиқиб қолган жойларда Кичик-кичик тўплар ҳосил қилиб ўсади.



## 17. Туркум: *Crambe* L.- Қатрон

### 21. Тур: *Crambe gordjagini* Sprygin et Popov - Гордягин қатрони- Катран гордягина

**Ботаник тавсифи.** Жануби-Ғарбий Помир-Олойдаги жуда камёб, эндем ўсимлик. Бўйи 50-70 см га етадиган, кўп пояли, поясининг асоси хурпайган, дағал тукли, кўп йиллик ўт. Поясининг остки қисмидаги барглари узун бандли, турли даражада ўйилган, тухумсимон ёки лирасимон, кичик бўлақларга ажралган. Тўпгуллари рўваксимон, узун шохчали. Гуллари тўқ сариқ рангли. Қўзоқчасининг юқори бўғими эллипссимон, силлиқ. Апрель ойида гуллаб, май ойида меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Вилоятнинг Бойсун тоғ тизмасида Тўдадашт ва Гулчадашт, Мачай-дарё ҳавзасида, Дарбанд, Шўроб қишлоғи атрофларидаги тепаликларда эфемер, эфемероидлар орасида, шағалли ва гипсли қизил тупроқларда ўсади.

## 12. Оила: *Moraceae*- Тутдошлар

### 18. Туркум: *Ficus L.* - Анжир

#### 22.Тур: *Ficus carica L.* - Ёввойи анжир- Инжир дикий

**Ботаник тавсифи.** Ўрта Осиёдаги ниҳоятда камёб, ареали ажралган тур бўлиб, бўйи 5-8 м га етадиган дарахт ёки бута. Барглари навбат билан жойлашган, 3-5 бўлакли, пастки томони тукли. Тўпгули барг кўлтиғида биттадан жойлашган, қисқа бандли, меваси ноксимон. Бир йилда икки-уч мартагача ҳосил беради. Апрель ойида гуллаб, июль-август ойларида меваси пишади.



**Тарқалиши.** Ҳисор тоғ тизмасининг Сангардак ва Тўпаланг


дарёлари ҳавзаларида, Сариосиё туманининг Нилу қишлоғида ва Мурдагулдара ҳудудларида тарқалган.

### 13. Оила: *Euphorbiaceae* - Сутламадошлар

#### 19. Туркум: *Andrachne* L. - Андрахна

#### 23. Тур: *Andrachne vvedenskyi* Razij - Введенский андрахнаси- Андрахна Введенского

**Ботаник тавсифи.** Ўзбекистоннинг жанубидаги камёб, эндем ўсимлик. Бўйи 40 см га етадиган ярим бута. Ёш поялари ғадир-будир. Ёғочланган кулранг ва кўнғир шохлари кўплаб сақланиб қолади. Барги сал этли, кенг эллипссимон, юмалоқ ёки баъзан тескари-тухумсимон, тўмтоқ ёки учли. Гуллари айрим жинсли, барг кўлтиқларида 1-2 тадан бўлиб жойлашган. Чангчи гули ингичка, уруғчи гули йўғон гул бандда жойлашган. Кўсакчаси деярли юмалоқ, 3 бўлакчи.



Мева бандининг узунлиги 8-10 мм. Июль ойида гуллаб, меваси пишади.

**Тарқалиши.** Бу тур фақат битта жойда Сурхон - Шеробод воҳасидаги Шакарлик Остона ҳудудида очиқ ола жинсли тупроқларда ўсади.

#### 20. Туркум: *Euphorbia* L.- Сутлама

#### 24. Тур: *Euphorbia densiuscula* Popov - Айришоҳ сутлама-

#### Молочай густоватый

**Ботаник тавсифи.** Бўйи 5-10 см орасидаги бир йиллик ўт. Пояси қисқа, қалин баргли, шохланган, хурпайган қисқа тукли. Барглари этли, тескари тухумсимон, асосига қараб ингичкалашиб боради ва барг бандига айланади. Тўпгули қалқонсимон, кўп марта айри бўлиб шохланган. Кўсаги

тухумсимон уч бўлакли, етилмагани қисқа тукли, пишгани деярли туксиз. Май июн ойларида гуллаб, мевалайди.

**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тизмасининг субэндем тури. Кўхитанг тизмасининг Боғлидара худудида д.с. 1200-1300 м баландлигида, Сувсизтоғда, Бойсун, Бурю Тахт, Каттакамиш, Дарбанд қишлоғи атрофларида гипсли, ола-жинсли ерларда ўсади.



**25. Тур: *Euphorbia densiusculiformis* (Pazij) Botsch. - Тиғиз сутлама- Молочай ложногустоватый**

**Ботаник тавсифи.** Бўйи 8 см га етадиган бир йиллик ўт. Пояси қисқа, шохланган. Барглари этли, кураксимон ёки ўзиқ-тухумсимон, қисқа бандли. Қалқонсимон тўпгули барг қўлтиғидаги гулли шохлар билан ўралган. Кўсакчаси одатда узун бандли, тухумсимон, уч бўлакли, силлик. Апрель-май ойларида гуллаб, мевалайди.


**Тарқалиши.** Ўзбекистоннинг жанубидаги камёб, эндем ўсимлик тури бўлиб, асосан Шеробод туманига қарашли Янгитурмуш, Хатак, Лайлаган қишлоқлари атрофида, Сувсизтоғда Панжоб, Бойсун тизмасининг Бурю Тахт, Дарбанд қишлоғи атрофларида ола жинсли ерларда ўсади.



**26. Тур: *Euphorbia triodonta* Prokh. - Учтишли сутлама- Молочай трёхзубчатый**

**Ботаник тавсифи.** Бўйи 6-15 см, туксиз, кўк-яшил рангли, бир йиллик ўт. Пояси қисқа, деярли асосидан шохланган. Поядаги барглари бандсиз,

текис қиррали, пастки 2 жуфт барглари қарама-қарши, қолганлари навбат билан жойлашган, узунлиги 4,5-5 мм, эни 1-1,5 мм. Гулолди барглари қарама-қарши жойлашган, қалами, узунлиги 10-15 мм, эни 1,5-4 мм, учта томирли. Тўпгули айри бўлиб шохланган, тарвақайлаган. Кўсакчасининг узунлиги 3-3,5 мм, эни 2- 2,5 мм. Уруғи чўзиқ, олти қиррали, узунлиги 1,5-2 мм, оқиш ёки кулранг. Апрель ойларида гуллаб, май-июнда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Ўзбекистоннинг жанубидаги жуда камёб, эндем тур бўлиб, Сурхон - Шеробод воҳасида, Бойсун-Дарбан йўли, Дарбанд қишлоғи атрофларидаги гипсли ва шўр тупроқли ёнбағирларда тарқалган.

#### 14. Оила: *Thymelaeaceae* - Келинсупургидошлар

##### 21. Туркум: *Restella Pobed.*– Қисрон

##### 27. Тур: *Restella albertii* (Regel) Pobed.-Альберт қисрони- Рестелла

##### Альберта

**Ботаник тавсифи.** Помир-Олой ва Ғарбий Тяншан тоғларида учрайдиган камёб тур. Бўйи 1,5 м га етадиган бута. Эскирган шохлари қўнғир, кулранг, ёш новдалари ётиқ тукли. Барглари наштарсимон, 1,5-3 см узунликда, эни эса 0,5-1,5 см, асоси понасимон, учи тўмтоқ, хар икки томони тукли, пастдагилари бандсиз. Гуллари 5-13 тадан соябонсимон бошча тўпгул ҳосил қилади. Гулбанди 1,5 см яшил, ётиқ тукли. Тожбарглари сариқ. Ёнғоқ мевали, қуриган гулкўрғон бўлаклари билан ўралган. Июнь-июль ойида гуллаб, июль-



августда меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Вилоятнинг Бойсун тоғ тизмасининг Хўжа Гургурота, Иргайли сойлари атрофидаги арчазорлар орасида, сернам ва юмшоқ тупроқларда ўсади. Бу турнинг ареаллари Ғарбий Тяншаннинг Чотқол, Писком тизмаларида шунингдек, республикадан ташқарида Тожикистон ва Қирғизистонда ҳам учрайди.

### 15. Оила: *Saxifragaceae* - Тошёрардошлар

#### 22. Туркум: *Bergenia* - Бадани

#### 28. Тур: *Bergenia hissarica* Boriss. - Ҳисор бадани- Бадан гиссарский

**Ботаник тавсифи.** Ҳисор тизмасидаги жуда камёб, реликт, эндем ўсимлик тури бўлиб, бўйи 20 см гача етадиган, кўп йиллик ўт. Ёпирма барглари йирик, тескари-тухумсимон, тўмтоқ, четлари қаттиқ киприксимон тукли. Илдизпояси йуғон. Пояси ер бағирлаб ўсади, деярли баргсиз. Тўпгуллари ёйиқ. Тожбарглари оқ рангли, йирик, юмалоқ. Уруғи майда. Майиюн ойларида гуллайди.



**Тарқалиш ареали.** Ҳисор тоғ тизмасида, Тўпаланг дарёси ҳавзасида, Тамшуш қишлоғида, Муш ва Хурватан қишлоқлари оралиғида ҳамда Шотрут дарёсининг Тўпаланг дарёсига қуйилиш жойидаги тоғларнинг қоя ёриқларида ва тошли тик ёнбағирларда ўсади.

### 16. Оила: *Grossulariaceae* - Қорақатдошлар

#### 23. Туркум: *Ribes* L.- Қорақат

#### 29. Тур: *Ribes malvifolium* Pojark.- Гулхайрибарг қорақат-



## Смородина мальволистная

**Ботаник тавсифи.** Жануби-Ғарбий Помир-Олойдаги жуда камёб, эндем ўсимлик. Бўйи 1 м гача етадиган бута. Ўсимликнинг барча қисми (баргларидан ташқари) безчали туклар билан қопланган. Барглари 5 бўлакли. Бўлақларининг эни 1,5-4 см. Гуллари кўпгулли шингил ҳосил қилиб ўрнашган, оқиш рангли. Меваси кўп уруғли, резавор. Июль ойида гуллаб, август ойида меваси пишади.



**Тарқалиш ареали.** Ҳисор тоғ тизмасидаги Хўжа-гур-гурота қишлоғи атрофида яъни тоғларнинг пастки ва ўрта қисмларидаги тошли ёнбағирларда, сурилмаларда ва қояларнинг ёриқларида яқка-яқка бўлиб ўсади. Ўзбекистондан ташқарида Тожикистонда ҳам учрайди.

### 17. Оила: *Rosaceae*-Раънодошлар

#### 24. Туркум: *Rosa* L. – Наматак

#### 30. Тур: *Rosa bellicosa* Nevski – Оқ гулли наматак- Шиповник белоцветный

**Ботаник тавсифи.** Кўҳитанг тизмасининг эндем тури бўлиб, тик ўсувчи бута. Поясида кўплаб тиканлари мавжуд. Гулли шохларидаги тиканлари бир хил, қаттиқ, узунлиги 1,3-1,4 см, асоси кенг эни 0,5-1 см. Гулсиз шохларидаги тиканлари бир хил эмас, узунлиги 4-5 мм эни 1-2 мм. Барглари тесқари



тухумсимон, чети яхлит ёки ўз навбатида 2-3 тишли, икки томони ҳам, бахмалсимон, безчасимон тукли. Барглари тоқ патсимон 5-7 баргчадан иборат, узунлиги 15 мм, эни 4-8 мм. Гуллари оч- пушти якка ёки қисқа гулбанда 2-3 та жойлашган, кенглиги 3,5-4 см. Гуллари қалами-наштарсимон ўткир учли, узунлиги 1,2 см атрофида, эни 4 мм, ташқи томони безчасимон тукли, ички томони чалкаш тукли. Меваси тухумсимон.

**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тизмасида кам тарқалган тур бўлиб, тизманинг ғарбий қисмида Кўхитанг қишлоғи яқинида Кўхитанг дарёси қирғоқларининг юқори қисмида ҳамда шарқий томонида Сурхон кўриқхонасининг Кампиртепа ва Шалқон сойларининг юқори қисмида учрайди. Тошли, шағал-тошли, майда жинс тупроқли сой бўйларида ўсади.

## 18. Оила: *Punicaceae* - Анордошлар

### 25. Туркум: *Punica* L.- Анор

### 31. Тур: *Punica granatum* L. - Ёввойи анор- Гранат

#### обыкновенный

**Ботаник тавсифи.** Ўзбекистонда табиий ҳолда жуда кам сақланиб қолган, ареали бўлинган реликт тур бўлиб, бўйи 2 м га етадиган бута. Барги чўзиқ, тескари-тухумсимон, узунлиги 6-8 см, эни 7-15 мм, чармсимон, қисқа шохларда тўп-тўп, узун шохларда эса қарама-қарши ўрнашган. Гули қисқарган новдаларда жойлашган. Косачаси қайишсимон мустаҳкам, тожбарги оч қизил рангда. Меваси юмалоқ, йирик. Май-августда гуллаб, сентябрь-октябрь ойларида меваси пишади.



**Тарқалиш ареали.** Ҳисор тоғининг жанубий-ғарбий қисмида Тўпаланг, Сангардак дарёлари ҳавзаларида ҳамда Хонжиза сойида тоғнинг

ўрта қисмида денгиз сатҳидан 1000-1600 м баландликда салқин ва нам дараларда ўсади.

**19. Оила: *Fabaceae* - Бурчокдошлар**

**26. Туркум: *Cercis L.*- Арғувон**

**32. Тур: *Cercis griffitii* Boiss. – Бинафша гулли арғувон-  
Багрянник Гриффита**

**Ботаник тавсифи.** Ғарбий Тяншан ва Помир-Олой тизмаларида ўсадиган камёб, эндемик тур. Бўйи 3-4 м келадиган, кенг шох-шаббали дарахт. Бир йиллик новдаларининг пўстлоғи кўнғир-қизил рангли. Барглари юмалоқ, суйраксимон, туб қисми кенг ўйилган, устки томони яшил, пастки томони кўкимтир рангда. Гуллари қисқа шингилга тўпланган. Тожбарги қирмизи-бинафша рангли. Дуккагининг узунлиги 6-8 см, эни 1 см. Май ойида гуллаб, июнда мева беради. Зийнатли дарахт.



**Тарқалиш ареали.** Ҳисор тоғ тизмалари ва Боботоғ ҳудудида Чагам ва Говиргон ҳудудларида тарқоқ ҳолда ўсади. Бу турнинг ареали Ғарбий Тян-шан: Угом, Қурама тизмаларида ҳам ўсади. Ўзбекистондан ташқарида Тожикистон ва Афғонистонда ҳам учрайди.

**27. Туркум: *Astragalus L.*- Астрагал**

**33. Тур: *Astragalus buharicus* Regel - Бухоро астрагали- Астрагал  
бухарский**

**Ботаник тавсифи.** Жануби-Ғарбий Помир-Олойда кам тарқалган, камёб, эндем ўсимлик тури бўлиб, бўйи 20-25 см, деярли поясиз ёки жуда қисқа пояли (2-3 см), кўп йиллик ўт. Барглари оддий ёки мураккаб, учта баргчадан ташкил топган, барг банди узун, ярим ётиқ туклар билан

қопланган. Баргчалари кенг эллипс ёки кенг тухумсимон, баъзан юмалоқ. Гулпояси 15 см узунликда, шингили сийрак. Гули яшил сарғиш рангли. Дуккаги чўзиқ-овал шаклида. Апрельда гуллаб, май ойида меваси пишади.

**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг, Бойсун ва Ҳисор тоғ тизмаларининг Шалқон, Қизиллма, Хўжагургур ота, Мачай, Чўлбайир, Ғозимойлик, Оқбоштоғ, Қозиқўрғон, Хонжиза дарёси ҳавзасида ҳамда Боботоғнинг Чагам қишлоғи атрофларидаги ола жинсларда, лойқа ва гипсли



тупроқларда, қизил қум тошли ерларда тарқалган.

#### **34. Тур: *Astragalus bobrovii* В. Fedtsch. – Бобров астрагали- Астрагал бобровский**

**Ботаник тавсифи.** Жануби-Ғарбий Ҳисор тизмасининг камёб ва эндем тури бўлиб, бўйи 15-40 см, жуда сийрак шохланган бутача. Шохлари узунлиги 2- 4 см етадиган туклар билан қопланган. Барглари 2-4 см, банди (3-7 мм) ва барг ўқи ярим ётиқ, зич калта, оқиш туклар билан қопланган. Баргчалари 7-10 жуфт, тескари тухумсимон ёки чўзиқ тескари тухумсимон узунлиги 2-5 мм. Баргчанинг устки томони тусиз ёки чети киприксимон тукли, остки томони зич, қисқа киприксимон оқиш тукли.



Гулолди барглари қисқа наштарсимон, учли. Косачаси найсимон, 12 мм

атрофида, хурпайган оқ тукли. Тожбарги ёрқин сариқ рангли, байроқчаси 17 мм тескари тухумсимон, қанотчаси 15 мм чўзиқ, қайиқчаси 13 мм япроғи ромбсимон, учли. Дуккаги учли, 9-10 мм узунликда, икки уруғли. Июл ойида гуллаб, августда мевалайди.

**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тизмасининг Қизилолма ҳудуди шимолий қисмида 100 м<sup>2</sup> майдонда 10-20 тагача учрайди. Бу турнинг ареали Жануби-Ғарбий Ҳисор округининг Хўжа-Гургурота тизмаси, Хўжа Кўчқорота, Чўлбаир тоғига ҳам чиқади.

### 35. Тур: *Astragalus willisii* Попов-Виллис астрагали - Астрагал Виллиса

**Ботаник тавсифи.** Бўйи қисқа (4-10 см), пояси йўғон, шохланган, кўп йиллик ўт. Поясининг пастки қисмини ўтган йилдан қолган барг бандлари ўраб туради. Барги 18 см узунликда, баргчалари эллипссимон ёки чўзиқ наштарсимон, 8-18 жуфт, 4-10 мм узунликда, ўткир учли, икки томони майин ипаксимон қалин тукли. Гул пояси баргига тенг. Гуллари бинафша ранг. Дуккаги чўзиқ, узунлиги 8 мм, икки ёнидан сиқилган. Май ойида гуллаб, июнда меваси пишади.




**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тоғ тизмасининг Қизилолма, Вандоб қишлоқларининг шимоли-ғарбида якка-якка ҳолда шағал-тошли ёнбағирларда ҳамда арчазорлар ичида д.с. 1200-1600 м баландликда ўсади. Бойсун тоғ тизмасининг Хўжа Гургурота, Мачай дарёси ҳавзаларида, Тўққиз Тарам ҳамда Каттақурчиқ тизмасида ҳам

тарқалган.

**36.Тур: *Astragalus massagetowii* В.Fedtsch. - Массагитов  
астрагали- Астрагал Массагетова**

**Ботаник тавсифи.** Ғарбий Помир-Олойдаги камёб, эндем тур бўлиб, бўйи 15-30 см орасидаги, диаметри 80 см га етадиган, тиканли, сершоҳ, тифиз ёстикча ҳосил қилувчи бутача. Барги 4-9 см узунликда, қалин тукли, барг банди қисқа. Баргчалари 8-13 жуфт, эллипс шаклида ёки тескари тухумсимон, узунлиги 10-15 мм, ўткир учли, икки томони ипаксимон қалин тукли. Косачаси 9-11 мм узунликда, найсимон, оқ-қора қалин туклар билан қопланган. Гултожи сарик, туксиз. Дуккагининг узунлиги 17-27 мм, эни 7-11 мм, икки уяли, кўп уруғли. Июнда гуллаб, июлда меваси етилади.




**Тарқалиш ареали.** Сурхондарёнинг Бойсун ва Ҳисор тоғ тизмаларининг Хўжа Гургур-ота, Бель Аути, Иргайли сойи юқори қисмидаги тош-шағалли ва гипсли ёнбағирларда ўсади.

**37.Тур: *Astragalus pseudanthylloides* Gontsch. - Пахмоқтукли  
астрагал- Астрагал ложноязвенниковый**

**Ботаник тавсифи.** Ҳисор тизмасининг ғарбида тарқалган камёб, эндем ўсимлик. Бўйи 15-25 см, поясиз кўп йиллик ўт. Барглари 6-12 см узунликда, барг банди яхши тараққий этмаган. Баргчалари 10-16 жуфт, эллипссимон, баъзан тескари тухумсимон, ўткир учли, қаттиқ, устки томони томирли, кулранг, пастки томони оқ тукли ёки ипаксимон тукли, узунлиги 4-12 мм.

Гулпоялари баргларининг узунлигига тенг ёки улардан биров узунроқ, қисқа, оқиш момик тукли. Шингили сийрак, узунлиги 10-17 см, 18-25 гулли. Гултожи оқ ёки пуштироқ. Тугунчаси қалин ётиқ оқ туклар билан қопланган. Май ойида гуллаб, июлда меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Бойсун ва Ҳисор тоғ тизмаларида яъни Бойсун шаҳри атрофида, Пастки қизил, Хўжа Гургур-ота, Мачай-дарёси ҳавзасида, Тешиктош ғори яқинида, Чўлбаир тоғининг Вахшивор, Кетмон-Чопти худудларида тошли-шағалли ерларда тарқалган.



### **38.Тур: *Astragalus pseudoeremophysa* Popov -Сохта чўл астрагали- Астрагал ложноэремофиза**

**Ботаник тавсифи.** Жанубий Помир-Олойдаги камёб тур бўлиб, бўйи 15-30 см орасидаги поясиз ёки пояси 7 см га етадиган, кўп йиллик ўт. Барги 15-30 см узунликда. Баргчалари 8-14 жуфт, юмалоқ, узунлиги 13-20 мм, юмалоқ, тўмтоқ ёки сал ўйилган, устки томони туксиз, пастки томони қалин тукли, четлари киприксимон қалин тукли. Гулпояси баргидан анча қисқа, шингили 6-10-15 гулли, узунлиги 7-10 см, қалин тукли. Косачаси узун найсимон, 18-22 мм узунликда, қалин



тукли, косача баргчалари наштарсимон тишчали. Дуккаги овал шаклда, банди 3- 7 мм узунликда, пастга қараб осилган, қалин тукли, деярли икки уяли. Март-апрель ойларида гуллаб, май-июнда меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Вилоятнинг жанубий Помир-Олой қисмида, Боботоғ тизмасининг Говургон ҳудудида тоғнинг пастки қисмидаги қумли ерларда, бўз ва соз тупроқларда, қизил қум тошларда ҳамда гипсли жинсларда ўсади.

### 39.Тур: *Astragalus tupalangi* Gontsch. – Тўпаланг астрагали- Астрагал тупаланский

**Ботаник тавсифи.** Помир- Олойда ўсадиган камёб, эндем ўсимлик. Бўйи 35 см атрофидаги поясиз, ер ости пояси йўғон, қисқа шоҳли кўп йиллик ўт. Баргининг узунлиги 20-30 см, баргчалари 12-13 жуфт, тухумсимон, 20-27 мм узунликда, устки томони туксиз, пастки томонида фақат томирларида сийрак дағал туклар жойлашган, четлари дағал киприксимон тукли. Шингили сийрак, кўп гулли, узунлиги 6-7 см. Гулбандининг узунлиги 2-3 мм. Косачаси найсимон, узунлиги 20 мм, туксиз, фақатгина косача баргларининг четлари дағал киприксимон тукли. Гултожи оч сариқ рангли. Дуккаги деярли бандсиз, чўзиқ-овалсимон, узунлиги 11 -12 мм, эни 7 мм. Май ойида гуллаб, июн ойида меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Сарносиё туманидаги Тўпаланг дарёси ҳавзасидаги тоғнинг пастки қисмидаги тошлоқ ва очилиб қолган ҳарсанг тош ёриқларида якка-якка ҳолда ўсади.



**40.Тур: *Astragalus subschachimardanus* Popov - Юмалок тупгулли  
астрагал- Астрагал почти шахимарданский**

**Ботаник тавсифи.** Кўҳитанг тизмасининг эндем тури бўлиб, бўйи 15 см гача етадиган поясиз, йирик чим хосил қилувчи кўп йиллик ўт. Барги мураккаб, 5-7 жуфт баргчали. Гулпояси баргидан бироз узун. Тўпгули шарсимон. Косачаси гуллаган пайтида найсимон бўлиб, меваси етилиши билан кенгая боради ва шар шаклига айланади. Дуккаклари майда, оқ тукли. Июлда гуллаб, мева беради.



**Тарқалиш ареали.** Кўҳитанг тоғ тизмасининг шарқий ёнбағридаги Вандоб ва Шержон қишлоқлари яқини харсанг тошлар орасидаги ерларда ўсади. Бу турнинг ареали Кўҳитанг тизмасининг ғарбий томони Туркменистон республикаси ҳудудида ҳам учрайди.

**41. Тур: *Astragalus terrae-rubrae* Butkov - Қизилер астрагали-  
Астрагал красноземный**

**Ботаник тавсифи.** Жануби-Ғарбий Помир-Олойда тарқалган камёб, эндем ўсимлик. Бўйи 60 см келадиган, пояси тик мустаҳкам, 6- 7 мм йўғонликдаги кўп йиллик ўт. Баргининг узунлиги 20 см, баргчалари 2 жуфт, учбурчак-тухумсимон, узунлиги 6-8 см, эни 4-6 см бўлиб, ҳар икки томонида томирлари бўртиб туради. Гули сариқ. Дуккаги тухумсимон ёки чўзиқ-тухумсимон, пуфаксимон шишган, узунлиги 8 мм, тўғри тумшуқчали. Май ойида гуллаб, июнда мева беради.

**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тоғ тизмасининг Кампиртепа, Шалқон ва Қизилолма қишлоқлари атрофида 200 данага яқин тупи, Ҳисор тоғ тизмасининг Хўжагургурота, Қизилсув дарёлари хавзаларида денгиз сатҳидан 1400-1500 м баландликдаги туб жинслари ер юзасига чиқиб қолган жойларда ва ола жинсларда ҳамда тошли тик ёнбағирларда ўсади.



**42.Тур: *Astragalus plumbeus* (Nevski) Gontsch. - Қўрғошин  
астрагали- Астрагал свинцовый**

**Ботаник тавсифи.** Кўхитанг тизмасининг эндем тури бўлиб, бўйи 20-23 см орасидаги поясиз кўп йиллик ўт. Баргининг узунлиги 5-8 см, баргчалари 4-5 жуфт, эллипссимон ёки чўзиқ эллипссимон, қаттиқ, ўткир учли, узунлиги 10-14 мм, ҳар икки томони қалин ётиқ туклар билан қопланган. Гулпояси баргидан 2 марта узун, қаттиқ, деярли тўрт қиррали, ётиқ тукли. Каллаги 15-25 гулли, юмалоқ ёки тухумсимон, 3-4 см узунликда, зич жойлашган, гуллари деярли бандсиз. Гултожи сариқ. Тугунчаси бандсиз, ётиқ оқ тукли. Июнь-июлда гуллаб, меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тоғ тизмасининг Қизилолма ва Шалқон худудларида денгиз сатҳидан 1200-1700 м баландликда майда жинс тупроқли, майда тошли, қисман шаҳал-тошли худудларда якка холда тарқалган. Асосан чорва молларининг кўрикхона худудида ноқонуний кўп

боқилиши натижасида бу турнинг туп сони кескин камайиб кетмоқда.

**43.Тур: *Astragalus alexeji* Gontsch. - Алексей астрагали-  
Астрагал Алексея**

**Ботаник тавсифи.** Жануби-ғарбий Помир-Олойдаги камёб эндем тур бўлиб, поясиз, кўп йиллик ўт. Бўйи 20 см атрофида, барглари 18-30 см узунликда бўлиб, баргчалари 16-20 жуфт, юмолоқ, четлари ўйилган, пахмоқ тукли. Гулбанди 4- 5 см

узунликда, шингили 4-5 см узунликда, 3-5 гул. Косачаси найчасимон, узунлиги 12-13 мм, пахмоқ тукли. Байроқчаси сарик, кейинроқ қизаради, узунлиги 25 мм, қанотчаси (эшкаги) 23 мм узунликда, қайиқчаси 21 мм узунликда. Дуккаги текис, сал



пастга қараб эгилган, банди 4-5 мм узунликда, наштарсимон, узунлиги 17-20 мм, эни 5-6 мм, тумшукчаси 2-3 мм узунликда, чармсимон мустаҳкам, пахмоқ тукли.

**Тарқалиши.** Кўҳитанг тизмасида жанубий Келиф-Шеробод табиий худудининг Оқтош, Хўжабоши худудларидаги кулранг соз тупроқларда тарқалган.

**44.Тур: *Astragalus kelleri* Popov – Келлер астрагали- Астрагал  
Келлера**

**Ботаник тавсифи.** Жануби-Ғарбий Помир-Олойда тарқалган камёб, эндем ўсимлик бўлиб, поясиз, кўп йиллик ўт. Бўйи 10-20 см, барги 8-12 жуфт баргчали, узунлиги 4-10 см, баргчалари юмолоқ, сийрак, ярим чалкаш қаттиқ тукли. Гулбанди 4-8 см узунликда. Шингили тухумсимон, узунлиги 4-8 см. Косачаси найсимон, узунлиги 9-10 мм, қора, ёпишган тукли. Байроқчаси қип-


қизил, узунлиги 18-22 мм, учи тилсимон торайган, қанотчаси 17 мм узунликда, қайиқчаси 13 мм узунликда. Дуккаги чаримсимон, доғли, икки уяли, банди 3-5 мм узунликда, қиррали, узунлиги 8-18 мм, оқ ва қора тукли, тумшукчаси 8-13 мм узунликда.



**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тоғ тизмасининг Кампиртепа ва Хўжанқо худудларида, Бойсун-Дарбанд йўли, Дарбанд, Сайроб худудларидаги тоғларнинг пастки минтақасидаги чағиртошли, майда тошли ёнбағирликларда тарқалган. Бу тур яна Нурота тоғ тизмасида ҳам ўсади.

#### **45.Тур: *Astragalus rubri-galli* Попов- Қизил хўроз астрагали- Астрагал кызыл-хуразский**

**Ботаник тавсифи.** Жанубий Помир-Олойда тарқалган камёб, эндем тур бўлиб, бўйи 10-20 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Барглари 5-7 жуфт баргчали, узунлиги 5-7 см, қаттиқроқ тукли. Гулбанди қисқа, узунлиги 3-4 см. Косачаси найсимон, узунлиги 15-17 мм, оқ ва қора тукли. Байроқчаси 25 мм узунликда учи ўйилган, қанотчаси 25 мм узунликда, қайиқчаси 22 мм узунликда. Дуккаги бандсиз, кенг қалами, узунлиги 25-30 мм, ёйсимон букилган оқ, қаттиқ тукли, икки уяли.




**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тизмасининг эндем тури бўлиб, тизманинг Келиф ва Шеробод пасттекисликларидаги тепаликларида яъни Хўжайибеш массиви ва Қизилтоғ худудларида қизил қумоқли ерларда ўсади.

Жуда камайиб кетаётган тур. Охирги марта 2001 йилда 12 туп ўсимлик борлиги аниқланган.

**28. Туркум: *Calispepla* Vved- Калиспепла**

**46.Тур: *Calispepla aegacanthoides* Vved. – Бурчоксимон  
калиспепла- Калиспепла эгакантовая**

**Ботаник тавсифи.** Жануби-Ғарбий Помир-Олойда йўқолиб кетиш арафасида турган эндем ўсимлик бўлиб, Бўйи 20-40 см, йиллик поялари тикансимон, ётиқ оқиш туклар билан қопланган ёстиксимон яримбута. Барглари уч бўлакли, ёнбаргсиз, пастдагиси бандли, юқоридагилари деярли бандсиз. Гули сарик. Дуккаги наштарсимон-қалами, ўткир учли, қалин, ётиқ тукли. Май-июн ойларида гуллаб, июлда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Ушбу тур ҳозирда Жануби-ғарбий Ҳисорнинг Бойсун тоғи Мачай-дарёси ҳавзасининг Сари-Шоти довомида макон топган эндем ҳисобланади.

О.Тургинов томонидан олиб борилган тадқиқотлар давомида турнинг фақатгина шу минтақадаги популяцияси борлиги аниқланилган. Кейинги йилларда ушбу популяцияни текшириш натижасида 20-30 йиллар давомида популяция қисқариб бораётганлиги маълум бўлди.

**29. Туркум: *Calophaca* Fisch.– Мойқорағон.**

**47.Тур: *Calophaca reticulata* Sumnev.-Қорапоя мойқорағон-  
Майкараган сетчатый**

**Ботаник тавсифи.** Ғарбий Помир-Олой тизмаларидаги камёб, эндем ўсимлик бўлиб, унча баланд бўлмаган сершоҳ бута. Барглари кумушранг, ҳар икки томони ётиқ қалин туклар билан қопланган, баргчалари 4-5 жуфт, чўзиқроқ. Ёнбаргчаларининг асоси учбурчаксимон. Тўпгуллари бошчасимон, тиғиз. Дуккагининг узунлиги 35-40 мм. Июнда гуллаб, июль-август ойларида меваси етилади.




**Тарқалиш ареали.** Бойсун тизмасининг Мачай-дарёси хавзасидаги Кенгдала ва Қизил-Наур қишлоқлари атрофларидаги шағалли ёнбағирларда ва арчазорларда тарқалган. Бу тур индивидлари сони антропоген омиллар таъсири натижасида тобора камайиб бормоқда.

### 30. Туркум: *Cicer* L.– Нўхот.

#### 48. Тур: *Cicer grande* (Роров) Korotkova – Йирик нўхот- Нут большой

**Ботаник тавсифи.** Помир- Олойдаги камёб, эндем тур бўлиб, бўйи 20-45 см орасидаги пояси салгина буралган, безчали туклар билан қопланган кўп йиллик ўт. Баргининг узунлиги 4-7 см, барг бандининг учи оддий ёки 3-5 жингалакли. Баргчалари 4-7 жуфт, овал-эллипс шаклида, узунлиги 10-25 мм, эни 6-12 мм, ҳар икки томони калта, безчали туклар билан қопланган. Гулпоясининг узунлиги 2,5-3,5 см, гулбанди 4-6 мм узунликда. Косачасининг узунлиги 10 мм, тугунчаси туклар билан қопланган. Май




ойида гуллаб, июн ойида мевалайди.

**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тоғ тизмасининг Жанубий Келиф-Шеробод табиий ҳудудларида тоғларнинг ўрта қисмларида тошли ва майда зарра тупроқли ёнбағирларда тарқалган. Бу турнинг ареали Нурота тизмасида ҳам учрайди.

### 31. Туркум: *Oxytropis* DC.- Окситропис

#### 49. Тур: *Oxytropis vvedenskyi* Filim. - Введенский окситрописи - Остролодочник Введенского

**Ботаник тавсифи.** Бўйи 5-10 см, ёғочланган, йўғон ўқ илдизли яримбута. Баргининг узунлиги 1,5-3 см, банди ярим ётиқ, оқ тукли. Баргчалари 5-6 жуфт, наштарсимон чўзиқ, ҳар иккала томони сийрак, ётиқ оқ туклар билан қопланган, узунлиги 3-5 мм, эни 1-1,5 мм. Шингили 6-8 гулли, ғовак. Гултожи бинафша рангли. Дуккаги чўзиқ ёки овалсимон чўзиқ, узунлиги 10-12мм, эни 0,3-0,4 мм, банди 1,5 мм узунликда, майда, ётиқ қора ва оқ тукли. Июнь-август ойларида гуллаб, август-сентябр ойларида меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Жанубий Ҳисор тоғ тизмасининг Чўлбаир, Хўжа-Гургур-ота тоғларининг ўрта ва юқори қисмларида майда зарра тупроқли, шағалли ёнбағирларида ўсади.

**50.Тур: *Oxytropis megalorrhyncha* Nevski – Каттахартум окситропис-остролодочник крупнохоботковый**

**Ботаник тавсифи.** Кўхитанг тизмасининг камёб ва эндем тури бўлиб, бўйи 7-15 см, поясиз, қисқа шохланувчи, кулранг-яшил чим ҳосил қилувчи ўсимлик. Барглари уzunлиги 4-10 см, барг банди ва ўқи ярим ётиқ оқ тукланган. Баргчалари 15-20 жуфт, овалсимон ёки лансетсимон, узунлиги 2,5-5 мм, эни 1-2 мм. Барглари икки томони ҳам оқ, узун, ётиқ тукланган. Шингили калта, овалсимон, узунлиги 2-3 см, кўп гулли. Косачаси найчасимон-кўнғироқ, тукли. Тожбарги пушти рангли, байроқчаси 11-13 мм, тухумсимон, канотчаси 9-11 мм. Қайиқчаси тенг канотчали, ўткир учли 3 мм атрофида. Дуккаги узунчок, 10 мм атрофида, бандсиз, юпка чармсимон. Июл-август ойларида гуллаб, август-сентябрда мевалайди.



**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тизмасининг шарқида Қизилолма бўлимининг шимолий қисмида тошли ва шағалли ёнбағирларда денгиз сатҳидан 2500-2800 м баландликда ўсади.


**51.Тур: *Oxytropis tyttantha* Gontsch.- Майда гулли окситропис-Остролодочник мелкоцветный**

**Ботаник тавсифи.** Жанубий Ўзбекистанда тарқалган эндем тур бўлиб, бўйи 10-20 см, поясиз кўп йиллик ўт. Баргининг узунлиги 8-10 см баргчалари 15-25 жуфт, тухумсимон чўзиқ, баъзан кенг наштарсимон, узунлиги 5- 12 мм, ўткир учли баъзан тўмтоқ, дағал оқ туклар билан қопланган. Шингили калта, зич, тухумсимон ёки юмалок, узунлиги 1,5-2см, эни 1-1,5 см, 10-15 гулли. Косачаси кўнғироқ ёки найсимон кўнғироқ, узунлиги 5 мм, дағал ярим ётиқ



тукли. Дуккагининг банди 2 мм атрофида, чўзиқ, узунлиги 10-15 мм, тумшукчаси 2-3 мм узунликда, сал эгилган, бигизсимон. Август-сентябрь ойларида гуллаб, сентябрда меваси етилади.


**Тарқалиш ареали.** Ҳисор тоғ тизмасининг Тўпаланг ва Сангардак дарёлари ҳавзаларида, Чўлбаир, Хўжа-Гургур-ота тоғларнинг ўрта ва юқори қисмларида тошли ва майда зарра тупроқли ёнбағирларда, очилиб қолган



кизил туб жинсларда ўсади. Турнинг ареали Қашқадарё вилоятида ҳам учрайди.

**52. Тур: *Oxytropis pseudoleptophysa* Boriss. - Юпқа пардали окситропис - Остролодочник ложнотонкопузырчатый**

**Ботаник тавсифи.** Кўҳитанг тизмасидаги камёб эндем тур. Бўйи 4-10 см, қалин буралган туклар билан қопланган, поясиз, кўп йиллик ўт. Барглариининг узунлиги 2-10 см, чўзиқ, банди хурпайган оқ туклар билан қопланган. Баргчалари 5-8 жуфт, учли, ҳар икки томони пахмоқ туқли, узунлиги 5-7 мм, эни 3-5 мм. Шингили сийрак, 8-12 гулли, косачасининг узунлиги 5-7 мм. Гултожи кўк ёки ҳаворанг. Дуккаги пуфаксимон шишган, тухумсимон юмалоқ, юмшоқ, хурпайган оқ туқли, узунлиги 13-18 мм, эни 10-15 мм гача



етади. Май-июн ойларида гуллаб, июнь-июлда етилади.

**Тарқалиш ареали.** Кўҳитанг тизмасида бу турнинг популяцияси фақат иккита жойда аниқланган. Биринчиси, Кампиртепа бўлимининг юқори қисми Заҳарли доғидаги (д.с. 2500-2700 м) тошли, шағал-тошли ёнбағирликда, иккинчи популяцияси Қизиллма бўлимининг шимолида (д.с. 2100-2600 м) майда тошли, шағалли ёнбағирликда тарқалган.

### 32.Туркум: *Hedysarum* L.- Тангаўт

#### 53.Тур: *Hedysarum bucharicum* В.Fedtsch. - Бухоро тангаўти- Копеечник бухарский

**Ботаник тавсифи.** Жануби-Ғарбий Ҳисор тизмасида учрайдиган камёб тур бўлиб, бўйи 10-30 см орасидаги кўп йиллик ўт. Барглари мураккаб, баргчалари 5-8 жуфт, узунлиги 14-18 мм, эни 2-8 мм. Гулпояси баргидан узун. Елкани қайиқчадан қисқароқ. Дуккаги 2-3 бўғимли, 5-8 та кўндаланг қобирғали. Май ойида гуллаб, июнда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Ҳисор тоғ тизмасининг жануби-ғарбидаги Қизилмозор, Тошқўрғон, юқори Мачай қишлоқлари атрофларида, Хўжагургурота тоғларидаги гипсли, оҳак-тошли

тупроқларда ҳамда сийрак арча, пистазорларда, ёвшон ва бошқа ўтлар орасида ўсади. Бу турнинг популяциялари сони чорва молларининг ҳаддан зиёд кўп боқилиши туфайли камайиб кетмоқда.

#### 54.Тур: *Hedysarum magnificum* Kudr.-Тизма тангаўт - Копеечник великолепный

**Ботаник тавсифи.** Жануби-Ғарбий Помир-Олойдаги ола жинсли қолдиқ тоғларда учрайдиган камёб ўсимлик бўлиб, бўйи 70 см га борадиган кўп йиллик ўт. Пояси ғовак, оч яшил рангли. Баргларининг узунлиги 3-8 см,

эни 5 см, учта овал шаклидаги баргчаларидан ташкил топган бўлиб, учидаги баргчаси йирикрок. Гули хира бинафша рангли, баъзан оқиш. Шингилининг узунлиги 15 см, ёйиқ. Дуккаги 1-2 бўғимли. Май-июн ойларида гуллаб, июн-июлда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Ҳисор, Бойсун тоғ тизмаларидаги Шўроб, Дарбанд қишлоқлари оралиғидаги Оксуратоғ, Оксув, Мачай дарёлари хавзаларида, Қизилқишлоқ ва Қизилмачит қишлоқлари ҳудудида, Кўҳитанг тизмасидаги

Қизилолма ва Тангидевол довони атрофларидаги тош-шағалли ёнбағирларда ола жинсли ва гипсли, ўсимликлари сийраклашган қолдиқ тоғлардаги ётқизикларда якка-якка ҳолда бир-биридан 10-15 метр ораликда ёки кичик тўплар ҳосил қилиб ўсади. Асосан уруғидан кўпаяди. Кейинги йилларда қор қопламининг кам тушиши ўсимлик уруғининг униб чиқишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

### 33. Туркум: *Chesneya* Lindl.- Чезнея

#### 55. Тур: *Chesneya tribuloides* Nevski - Лангарсимон чезнея- Чезнея якорцевидная

**Ботаник тавсифи.** Бақувват илдизли, ер бағирлаб ўсувчи пояларининг баландлиги 30 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Барглари 2-3 жуфтли юмалоқ баргчалардан ташкил топган. Гулдор поялари баргларидан калта, айримгулли. Гулкосачасининг узунлиги 5 мм, майда тишчали кўнғироқсимон. Гултожи тўқ сариқ, кейинчалик қизғиш рангга ўтади, дуккаги 11-12 мм. Май-август ойларида



гуллаб, июнь-сентябрь ойларида мевалайди.

**Тарқалиш ареали.** Кўҳитанг тоғ тизмаси худудидаги Шалқонсойнинг жанубий ёнбағрида, Келиф ва Шеробод пасттекислигининг Оқтош, Хўжабеши, Гулдара худудларидаги қизил қумоқли тупроқларда ўсади.

**20. Оила: *Rutaceae* - Тошбақатолдошлар**

**34. Туркум: *Haplophyllum* Juss.- Тошбақатоли**

**56. Тур: *Haplophyllum bucharicum* Litv. - Бухоро тошбақатоли-**

**Цельнолистник бухарский**

**Ботаник тавсифи.** Жанубий Помиролойдаги тор доирадаги эндем ўсимлик тури бўлиб, кўп пояли яримбута.

Бўйи 15-35 см, шохлари туксиз, барглари сал этли, наштарсимон, бутун, деярли бандсиз. Тўпгули рўваксимон, ясси, камгулли. Косача барглари тўкилмайди, чўзиқ-тухумсимон, тўмтоқроқ, узунлиги 1-1,5 мм. Гултожи сариқ, туксиз, кенг тухумсимон, тўмтоқ, қисқа 6-8 мм узунликдаги қайтақили. Чангчи иплари кўшилмаган, деярли тенг, безчали туклари йўқ, туксиз, асоси тўп тукли. Тугунчаси бандли, туксиз, бўртмали. Кўсаги бандли, очиладиган, туксиз бўртмали, эни 4-5 мм.



Май-июнда гуллаб, меваси июн-августда етилади.

**Тарқалиш ареали.** Кўҳитанг тизмасининг тоғ олди худудларида Келиф-Шеробод пасттекисликларида, Бойсун тизмасининг Омонхона, юқори Мачай, Дарбанд, Шўроб қишлоқлари атрофларида кичик-кичик популяциялари тарқалган.

## 21. Оила: *Anacardiaceae* - Пистадошлар.

### 35. Туркум: *Rhus* L.- Тотим

#### 57. Тур: *Rhus coriaria* L. - Ошловчи тотим- Сумах дубильный

**Ботаник тавсифи.** Ҳисор тизмаси ва Ғарбий Тяншандаги камёб тур.

Баландлиги 3-4 м, баъзан 6-10 м га етадиган паст бўйли дарахт. Ноқулай шароитда ўсганда бута шаклида ҳам учрайди. Бир йиллик новдалари кулранг-кўнғир, кўп йиллик поялари эса жигарранг. Барглари мураккаб, тоқ патсимон, 7-9 жуфт, узунлиги 30 см га етади. Барг банди қанотчали. Гуллари яшил-оқич, поянинг учида чўзиқ урчуқсимон, тўпгул ҳосил қилади. Меваси



йирик, тигиз, юмалоқ, тўқ қизил рангли, нордон. Уруғи (данаги) овал шаклида, қаттиқ.

**Тарқалиш ареали.** Очиқ жойларда ўсувчи ёруғсевар ўсимлик бўлиб, Ҳисор тоғ тизмасининг Тўполанг ва Хонжица дарёлари ҳавзаларида учрайди. Шунингдек турнинг ареали Ғарбий Тянь-Шанда, Чотқол тизмасининг Қоронкулсой худудида денгиз сатҳидан 1200-1400 м баландликда курук шағалли ва тошли ёнбағирларда ўсади.

## 22. Оила: *Zygophyllaceae* – Туятовондошлар

### 36. Туркум: *Zygophyllum* L.- Туятовон

#### 58. Тур: *Zygophyllum bucharicum* V.Fedtsch. - Бухоро туятовони-


#### Парнолистник бухарский

**Ботаник тавсифи.** Жанубий Помир-Олойдаги паст тоғларда тарқалган камёб, эндем ўсимлик бўлиб, бўйи 1 м га етадиган сершоҳ бута. Барглари 2 баргчали, 5-7 мм узунликдаги бандлари орқали шохларга ўрнашган. Япроқчалари қалами, серэт, узунлиги 5-7 мм, ёш япроқчалари майин тукли,

вақт ўтиши билан туксизланади. Тожбарглари сариқ, 10-12 мм узунликда.

Меваси деярли шарсимон, туксиз, 5 уячали қутича, уячалари кенг канотчали. Апрель-май ойларида гуллаб, май-июнда меваси етилади.

**Тарқалиши.** Кўхитанг тоғ тизмасида Тузкон ва Оқтош қишлоқлари атрофидаги гипсли тупроқларда кичик-кичик популяциялари тарқалган. Илмий



манбалар бўйича бу турнинг популяциялари Туркменистон ва Тожикистонда учрайди.

### 23. Оила: *Rhamnaceae*- Чилонжийдадошлар

#### 37. Туркум: *Ziziphus* Mill.- Чилонжийда

#### 59. Тур: *Ziziphus jujuba* Mill- Ёввойи чилонжийда- Унаби обыкновенная

**Ботаник тавсифи.** Ареали кескин қисқариб бораётган камёб, реликт, субтропик тур. Бўйи 12 м гача етадиган тарвақайлаган, мевасиз шохларида барглари икки қатор жойлашган, ёнбаргчалари йирик тиканлардан иборат дарахт. Барглари чўзиқ тухумсимон, уч томирли, четлари тишлисимон ўйилган. Гуллари майда, яшилроқ рангли, ўткир хидли. Меваси чўзиқ юмалоқ ёки юмалоқ, диаметри 1,5 см гача етади. Июнь-сентябрь ойларида гуллаб мева беради.



**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тизмасида Хатак қишлоғи яқинидаги


Боғлидара водийсида 17 тупдаги ўртача популяцияси, Бойсун тизмасининг Дуғоба, Тамшут, Ҳисор тоғлар тизмасида Сариосиё туманининг Нилу кишлоқлари атрофларидаги курук, шағалли, тошли ва юмшоқ тупроқли ёнбағирларда ҳамда дарё ва сой бўйларида ўсади. Туркменистон ва Тожикистонда ҳам учрайди.

## 24. Оила: *Vitaceae*- Узумдошлар

### 38. Туркум: *Vitis L.*-Ток

#### 60.Тур: *Vitis vinifera L.*- Ёввойи ток (узум)- Виноград винный (дикий)

**Ботаник тавсифи.** Ўзбекистондаги ареали ажралган камёб тур. Узунлиги 30м гача етадиган ўралиб ўсувчи ўсимлик. Барглари оддий, деярли юмалоқ, 3-5 бўлакли ёки панжасимон қирқилган, асоси ўйилган, четлари ўткир тишли ёки қунгирли. Тўпгули тигиз ёки ёйиқ рўвак. Меваси турлича ва рангда. Май-июн ойида гуллаб, июль-октябрда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тизмасининг Кампиртепа, Шержон худудларида, Бойсун ва Чўлбаир тизмаларининг Мачай-дарё ҳавзаларида, Вахшувор, Сангардак, Тўпаланг

дарёларининг ҳавзаларида, дараларда, шағал, майда зарра жинс тупроқли ёнбағирларда тарқалган.

## 25. Оила: *Ariaceae* - Зирадошлар

### 39. Туркум: – *Sphaeroscadium Pimenov et Kljuykov* - Жуфтуруғ

#### 61.Тур: *Sphaeroscadium denaense* (Schischk.) Pimenov et Kljuykov -

Денов жуфтуруғи - Шарозонтичник денауский

**Ботаник тавсифи.** Жануби-Ғарбий Помир-Олойдаги йўқолиш арафасида турган камёб, эндем ўсимлик. Бўйи 1 м га етадиган поликарп ўсимлик. Поядаги барглари бандли, япроғи бандига тенг, кенгайган нов пояни ўраб туради. Узунлиги 20-30 см,эни 10-20 см, уч марта патсимон қирқилган. Соябони 10-12 нурли,уруғлаган вақтида нурларинингузунлиги 9-12 см га этади, деярли туксиз. ўрама барглари ва баргчалари йўқ. Меваси икки бўлакли,юмалоқ. Апрель-майда гуллаб,май ойида меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Вилоятнинг Ҳисор тоғ тизмасидаги Сангардак дарёси ҳавзасида (Нилу қишлоғидан Хонжиза дарёсининг куйи оқимиғача) ва Тўпаланг дарёсининг ўрта оқимидаги қоя ёнбағирликларда ўсади. Чорва молларининг кўп боқилиши бу тур популяцияларининг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

#### **40. Туркум: *Ferula* L.- Коврак**

#### **62.Тур: *Ferula nevskii* Korovin – Невский ковраги- Ферула Невского**

**Ботаник тавсифи.** Кўҳитанг тизмасининг камёб ва эндем тури бўлиб, поясининг баландлиги 1 м атрофида. Поянинг ўрта ёки юқори қисмидан бошлаб рўваксимон шохланувчан. Шохлари, қисман барглари вояга етган ўсимликда бинафша рангга бўялади. Барглари оч-яшил, асоси чалкаш тукли, овалсимон, патсимон бўлинган, узунлиги 2 см. Тўпгуллари соябонсимон, соябонлари 8-9 (13) - нурли, кенглиги 12 см. Соябони 15 гулли. Косачаси уч қиррали. Гултожи сариқ рангда, овалсимон, наштарсимон, томирли.




Мевалари сариқ рангда, учи ўткир, узунлиги 14-15 мм. Май ойида гуллаб июн-июлда мевалайди.

**Тарқалиш ареали.** Кўхитангда тизмасининг Шалқон, Кампиртепа, Шержон тур кўриқхонанинг ҳамма худудларида майда жинс тупроқли, тошли, шағал-тошли ёнбағирларда, д.с. 1500-200 м баландликда учрайди. Мониторинг даврида 100 м<sup>2</sup> майдонда 200-250 дона ўсиши аниқланди.

### 63. Тур: *Ferula sumbul* (Kauffm.) Hook.f.- Сумбул ковраги- Ферула мускатная

**Ботаник тавсифи.** Помир-Олойдаги камёб, эндем ўсимлик тури бўлиб, бўйи 60 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Поялари 2-5 та, ингичка, юқори қисмидан шохланувчан. Барглари қаттиқ, илдиз бўғизидан ўрнашган. Япроғи уч қарра патсимон қирқилган, учидаги бўлақлари наштарсимон ёки чўзиқ. Гуллари сариқ рангли. Косача барглари тишчали. Меваси майда, узунлиги 7 мм, эни 4 мм. Июнь ойида гуллаб, июлда меваси етилади.




#### **Тарқалиш ареали.**

Вилоятнинг Бойсун ва Ҳисор тоғ тизмаларининг Чўлбаир, Хўжа Гургур-ота Чақмоқ, Жуаяк худудидаги тошли ёнбағирларда, бутазорларда ўсади. Маҳаллий аҳоли томонидан доривор ҳамда упа-элик хом ашёси сифатида, айниқса сохта табиблар томонидан узлуксиз равишда йиғиб олиниши унинг камайишига сабаб бўлмоқда.

**64.Тур: *Ferula tuberifera* Korovin -Туганакли коврак - Ферула клубненосная**


**Ботаник тавсифи.** Ўзбекистоннинг жануби-ғарбидаги камёб тур тур бўлиб, кўп йиллик ҳаётий шаклга эга монокарп ўсимлик. Илдизи қисқа, учи туганак билан тугайди. Поясининг бўйи 50-60 см, оч яшил рангда, бўғим оралиқлари пуфаксимон шишган, ўрта қисмидан шохланган. Поянинг пастки қисмидаги шохлари кетма-кет, юқоридагилари эса ҳалқа шаклида ўрнашган. Ёпирма барглари ромб шаклида, қисқа бандли. Соябони ҳар хил ўртасидагилари деярли бандсиз, 7-13 нурли, диаметри 8 см атрофида, ён томондагилари 2-3 тадан бўлиб бирлашган. Соябончалари 10-15 гулли. Тожбарги сариқ рангли, чўзиқ-овалсимон. Мевалари овалсимон, оқиш-сариқ рангли. Май ойида гуллаб, июнда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Ҳисор тоғ тизмасининг жануби - ғарбий зоналарида яъни Кўхитанг Бойсун ва Чўлбайир -тоғлари ҳудудида ўсади. Кўхитанг тизмасининг Шержон, Кампиртепа, Бойсун тизмасининг Якка арча, Хўжа Борку, Дарбанд дараси ва Пастки Мачай ҳудудларда тарқоқ ҳолда майда тошли, шағалли ерларда ўсади. Бу тур умри давомида бир марта гуллаб уруғ беради. Уруғи етилмаган вақтда чорва моллари томонидан яхши истеъмол қилгани учун туп сони камайиб кетмоқда.

**65.Тур: *Ferula fedtschenkoana* Koso - Pol. - Федченко ковраги-Ферула федченковская**

**Ботаник тавсифи.** Ғарбий Помир-Олойдаги камёб эндем тур бўлиб, туксиз кўп йиллик поликарп ўт ўсимлик. Пояси якка ёки бир неча, ингичка, кам ҳолларда бинафшаранг, юқори қисмида қалқонсимон шохланган. Шохлари кетма-кет, юқоридагилари карама-қарши. Барглари оч-кўк, юмшоқ, туксиз, 5 қарра бўлинган (кесилган), учки бўлаги торайган, 10-20 мм узунликда. Соябони 4-8 шуълали. Соябончасининг шуъласи 8-10 та. Косачаси калта тишчали. Гултожи сарик, овалсимон бўлиб, 1,4 мм узунликда. Меваси узунчоқ-овалсимон, туксиз, 6 мм узунликда, эни 3,5 мм. Майда гуллаб, меваси июнда етилади.



**Тарқалиш ареали.** Вилоятнинг Ҳисор тоғ тизмасидаги Қизилдарё худудларидаги арчазорларнинг шимолий ёнбағирликларидаги соз тупроқли-шағалли жойларда якка –якка ҳолда учрайди.

#### 41. Туркум: *Cephalopodium* Korovin.- Сарпоя

#### 66.Тур: *Cephalopodium hissaricum* Pimenov-Ҳисор сарпояси-

#### Головоног гиссарский

**Ботаник тавсифи.** Ҳисор тизмасининг камёб эндем турларидан бири бўлиб, бўйи 30-50см га етадиган кўп йиллик, монокарп ўт. Поясининг туби 2-3 смгача барг бандининг қолдиқлари билан қопланган, юқори қисми шохланган. Ёпирма барглари кўкимтир, патсимон бўлинган, япроқ учидаги бўлақлари қалами-наштарсимон, узунлиги 0,5-1,5 см, эни 0,1-0,2 см. Соябони 12-20 нурли, диаметри 5-7 см, ўрама барглари йўқ. Соябончалари



юмалоқ. Тожбарглари рағни рағни аниқ эмас. Июл ойида мева си етилади.


**Тарқалиш ареали.** Ҳисор тоғ тизмасининг жанубий ёнбағирларида яъни Тўпаланг дарёси ҳавзасида тоғнинг ўрта қисмида дарахт ва бутазорлар орасида, қояларнинг ёриқларида ўсади.

#### 42. Туркум: *Zeravschanica* Korovin.- Қирқбоши

#### 67.Тур: *Zeravschania regeliana* Korovin -Регел қирқбоши-

#### Зарафшания Регеля

**Ботаник тавсифи.** Рағбий Помир-Олойдаги ниҳоятда камёб, эндем ўсимлик. Бўйи 1 м га ча етадиган ўқ илдизли, кўп йиллик ўт. Илдиз бўғизи шохланган, эски барг қолдиқлари билан қопланган. Поялари кўп, деярли баргсиз, ўртасидан шохланган. Ёпирма барглари қалин, узун бандли, уч қарра патсимон қирқилган, бўлақлари майда овалсимон. Поядаги барглари жуда майда, поянинг юқори қисмидагилари эса майдалашиб новга айланган. Соябонининг эни 4-8 см. Тожбарглари тесқари тухумсимон, оқ. Июн ойида гуллаб, июлда мева си етилади.



**Тарқалиш ареали.** Бойсун ва Ҳисор тоғ тизмаларининг Хўжа Гургурота Айланган, Деймалик, Олачапон қишлоқлари атрофидаги тоғларнинг тошли ёнбағирликларида, арчазорлар ичида ўсади.

#### 68.Тур: *Seseli nevskii* (Korovin) Pimenov et Sdobnina – Невский қўшшохи- Жабрица Невского

**Ботаник тавсифи.** Тик ўсувчи, юмалоқ, йўл-йўл жўякли, ингичка бир-нечта поя ҳосил қилади. Поясининг юқори қисмидан сийрак шохланувчан. Барглари кўкимтир, очяшил, икки томони ҳам туксиз, барг асоси кенг, япроғи

чўзиқ, икки марта патсимон бўлинган, қалами-наштарсимон, ўткир учли узунлиги 20 мм эни 2 мм, япроғи яхлит ёки уч қиррали. Соябони 5-9 нурли, нурлари кулранг туклар билан қопланган, 20-25 та гулдан ташкил топган. Гулбанди жуда қисқа. Меваси деярли цилиндрсимон, икки ён томонидан қисилган, узунлиги 3,5 мм зич туклар билан қопланган.



**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тизмасининг шарқий қисми Сурхон кўриқхонасининг Қизилолма ҳамда


тизманинг ғарбий ёнбағрида Ходжа-фил-ота бўлимида тошли, шағал-тошли ёнбағирларда д.с. 1800-2300 м баландликда тарқалган. Бойсун тизмасининг Мачай-дарё хавзасида, Дарбанд дараси ва Хўжа Майхона-ота булоғи атрофларида ҳам ўсади.

#### 43. Туркум: *Paulita Korovin*- Паулиа

#### 69. Тур: *Paulita ovczinnikovii* (Korovin) Sojak. -Овчинников

#### паулияси- Паулиа Овчинникова

**Ботаник тавсифи.** Помир-Олойнинг эндем тури бўлиб, бўйи 50-100 см бўлган кўп йиллик монокарп ўсимлик. Илдизи туганаксимон, бармоқсимон тармоқланган. Поялари якка-якка ҳолатда, ичи ғовак, ўртасидан юқориқда бошлаб шохланади. Илдизолди барглари тезда қурийди; япроқлари кенг учбурчаксимон, икки, уч карра патсимон қирқилган. Асос қисмидаги бўлақларининг бандчалари бор, учки бўлақлари кенг, ромбсимон, йирик тишчали. Гултожибарги оқ



косачасининг тишчалари йўқ. Меваси 2,5 мм узунликгача, тухумсимон, бирига тенг бўлган қовурғалари туфайли сал ғадир-будур. Май ойида гуллаб, июн-июлда мевалайди.

**Тарқалиш ареали.** Ҳисор тоғ тизмаси ҳудудларида учраб, ғарбда Мачай дарёсигача тарқалган. Бойсун тизмасининг Мачай-дарё ҳавзасида, юқори Мачай, Тахта, Тешиктош ғори ва Амир Темур даралари атрофларидаги тоғ тизмаларидаги тош-шағалли, соз тупроқли ерларда тарқалган.

#### **44. Туркум: *Dimorphosciadium* M.Pimen.- Диморфосцадий**

#### **70.Тур: *Dimorphosciadium gayoides* (Regel & Schmalh.) Pimenov –**

#### **Гайсимон диморфосцадий - Диморфосцадий гайевидный**

**Ботаник тавсифи.** Ғарбий Тяншан ва Помир-Олойнинг камёб ўсимлиги бўлиб, кўп йиллик монокарп ўт ўсимлик. Илдизи ўқ илдиз. Пояси ривожланмаган, кўп сонли шохлари илдиз бўғзи олдидадан чиқади, 10 см узунликгача. Баргларининг ҳаммаси илдизолди баргларида иборат. Япроқлари патсимон ёки 2 карра патсимон қирқилган, учки бўлақлари овалсимон, тахминан 2 мм узунликда. Соябонлари икки хил: марказийлари каттароқ, ўтирувчан, ёнбошлари майдароқ, ўрама барг ва баргчалари бутун япроқчалардан ташкил топган.



Косачаси тишчаларсиз. Гултожи оқ, тухумсимон, 15 мм узунликда. Меваси тухумсимон, туксиз, 4 мм. Июл-августда гуллаб, август-сентябрда мевалайди.

**Тарқалиш ареали.** 2012-2014 йилларда О.Тургинов томонидан олиб

борилган тадқиқотлар натижасида Бойсун тоғ тизмасининг юқори Мачай худудларидаги шағалли ёнбағирликларда неча тупи ўсиши қайд этилган.

#### 45. Туркум: *Lipskya* (Koso - Pol.) Nevski- Липския

#### 71.Тур: *Lipskya insignis* (Koso - Pol.) Nevski - Чандир липския- Липския замечательная

**Ботаник тавсифи.** Жанубий Помиролой учун тор эндем. Оч яшил рангли кучли ҳидли, монокарп ўсимлик. Пояси тик, жўякли, ясси шохли, узунлиги 30 см. Барглари 2 қарра патсимон қирқилган, новли. Соябони 10-20 шуълали, ички шуълалари ташқариларидан 2 марта қисқа, ёпирмаси 6-8 та, ўтсимон баргчалардан иборат. Соябончаси 10-15 шуълали. Гулбанди қобирғали, ғадир-будир. Косачаси бигизсимон, 1,5 мм узунликдаги тишчаларга эга. Гултожи оқиш-пуштиранг, узунлиги 3,5 мм. Мевасининг эни 8 мм га етади, ғадир-будир, ярим меваси қабарикли, қобирғали, тишчали. Июнда гуллаб, июлда меваси етилади.




**Тарқалиш ареали.** Кўҳитанг тизмасининг жануби - ғарбий зонасида Вандоп, Бойсун тизмасида Мачай-дарё ҳавзасида, Бойсун-Дарбанд йўли худудида гипсли, олажинсли ерларда кам сонда ва тарқоқ ҳолда ўсади. Маҳаллий аҳоли томонидан вегетация даврида доривор, озиқ овқат маҳсулоти учун гулламасдан териб олинishi натижасида туп сони камайиб кетмоқда.

#### 45. Туркум: *Astomaea* Rchb. - Астомеа

##### 72. Тур: *Astomatopsis galiocarpa* Korovin - Чакамиғмеवासимон

##### астоматопсис- Астоматопсис подмаренникоплодный

**Ботаник тавсифи.** Дарвоз тизмаси ва Ҳисор тизмаси жанубий ёнбағирликларининг эндеми. Умуман туксиз, кўп йиллик поликарп ўсимлик, эфемероид. Туганаги шарсимон. Пояси якка-якка, ингичка, 10-25 см баландликда. Илдизолди баргларининг япроқлари 2 карра уч бўлакли қирқилган, учки бўлаклари 1-2 см узунликда, эни 0,5 см, тухумсимон, уч бўлакли поя баргларининг учки бўлаклари ингичка. Соябонлари ўрама барглар ва баргчаларсиз, 2-7 та ингичка, бири-бирига тенг 20 мм узунликдаги шуълалардан иборат. Косачаси тишчасиз. Гултожи оқ, 0,9 мм узунликда. Меваси иккиланган, қўнғир, силлик, 1,5-1,9 мм узунликда, эни 3-4 мм. Июнь-июлда гуллаб, июл-августда мевалайди.



**Тарқалиш ареали.** Ҳисор тоғ тизмасининг

Тўпаланг дарёси ҳавзасида денгиз сатҳидан 2200-2300 м. баландликдаги майда шағалли тўкилмалар, қоялар остидаги майин тупроқлар тўпланган ёнбағирликларда, қор секин эрийдиган жойларда, дарё ёқаларида ўсади. Ўзбекистондан ташқарида Тожикистонда ҳам учрайди.

#### 26. Оила: *Campanulaceae*- Қўнғироқгулдошлар

##### 46. Туркум: *Ostrowskia* Regel-Кўзагул

##### 73. Тур: *Ostrowskia magnifica* Regel,- Улуғвор кўзагул-

##### Островская величественная

**Ботаник тавсифи.** Ўрта Осиёдаги камёб, реликт ўсимлик тури бўлиб, бўйи 170 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Пояси ғовак, тик. Барглари ҳалқа ҳосил қилиб ўрнашган, тухумсимон, чўзикроқ, йирик тишли, кўкимтир.



Косачалари ингичка қалами-наштарсимон бўлакли, узунлиги 5 см гача.

Гултожиси оч бинафша рангли, баъзан оқ, узунлиги 8-10 см, бўлаклари тухумсимон, найчасидан қисқа. Меваси кўсакчасимон. Уруғи чўзиқ-тухумсимон. Май-июн ойларида гуллаб, июн-июлда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Ҳисор тоғ тизмаси худудида Тўпаланг дарёси ҳавзасидаги тоғларнинг ўрта

қисмидаги йирик тошли сурилмаларда, қояларнинг сояларида ҳамда зарангзорларнинг чеккаларида ўсади. Бундан ташқари турнинг ареали Фарбий Тянь-Шан тизмасининг Угом дарёси ҳавзасида ҳамда Тожикистонда, Қозоғистонда ва Шимолий Афғонистонда ҳам учрайди. Бу ўсимлик уруғидан унғандан кейин 4-5 йил гуллаши сабабли, гулларининг узиб кетилиши натижасида камайиб кетмоқда.

## 27. Оила: *Asteraceae* - Қоқиўтдошлар

### 47. Туркум: *Cousinia* Cass.- Каррак

#### 74.Тур: *Cousinia vvedenskyi*

#### Tscherneva - Введенский

#### карраги- Кузиния Введенского

**Ботаник тавсифи.** Ўзбекистоннинг жанубидаги эндем ўсимлик. Бўйи 20 см га етадиган икки йиллик ўт. Пояси йўл-йўл чизиқли (жўякли), чалкаш тукли, шохлари 1 ёки 2 та каллакли. Барглариининг пастки томони қалин оқиш тукли, устки томони сийрак чалкаш



тукли, четлари тишсимон майда тиканли. Ёпирма барглари бандли, лирасимон. Поянинг пастки қисмидаги барглари ёпирма баргларга ўхшаш, бандсиз ёки қисқа бандли. Поянинг ўрта қисмидаги барглари ҳам бандсиз. Энг юқоридагилари эса қисқариб тиканга айланган. Саватчаси чўзиқ-тухумсимон, юқори қисми сиқилган, сийрак чалкаш тукли. Ўрама баргчалари яшил, қиррали, ўткир учли, ўрта қисми қисилган. Тожи пушти рангли. Уруғи тескари-тухумсимон, тўқ кулранг. Июнь-июл ойларида гуллаб, июл-августда меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Сурхондарё вилоятининг Чўлбайир ва Бойсун тоғ тизмаларининг Омонхона, Қиякамар қишлоқлари атрофида йирик тошли, шағалли қия ёнбағирликларда тарқалган. Табиатда жуда кам тарқалган. Фақат ўзига хос тупроқда ўсишга мослашгани учун сони камайиб бормоқда.

### **75.Тур: *Cousinia platystegia* Tscherneva -Ёпирма каррак- Кузиния широкооберточная**

**Ботаник тавсифи.** Ўзбекистоннинг жанубидаги жуда камёб, эндем ўсимлик бўлиб, бўйи 25 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Поялари кўп, тик, чалкаш тукли, юқори қисмидан шохланувчи, қисқа шохларнинг учида саватчалари 2-3 тадан бўлиб зич жойлашган. Ёпирма барглари кенг бандли, поядаги барглари бандсиз, чўзиқ ёки наштарсимон, четлари тишсимон тиканли, юқори томони ингичка чалкаш тукли, пастки томони оқиш қалин тукли. Саватчалари цилиндрсимон. Гултожи сариқ, ўрама баргларида қисқа. Июнь-июль ойларида гуллаб, июлда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Ҳисор тоғ тизмасининг жануби-ғарбий қисми бўлган Кўҳитанг тизмасининг шарқий ёнбағридаги Келиф-Шеробод табиий

худудининг Хўжайибош массивида ола жинсли тупроқларда ўсади.

**76.Тур: *Cousinia glaphyrocephala* Juz. et Tscherneva - Нозикбош  
каррак- Кузиния изящноголовая**

**Ботаник тавсифи.** Ўзбекистоннинг жанубида жуда кичик майдонларда ўсадиган жуда камёб, эндем ўсимлик. Бўйи 20 см га етадиган кўп йиллик ўт. Поялари кўп, қалин тукли, ўрта қисмидан шохланувчи, шохлари ингичка, қисқа, якка каллакли. Барглари устки томони чалкаш тукли, пастки томони оқиш қалин тукли. Ёпирма барглари қисқа бандли, патсимон бўлинган. Поядаги барглари юқорига қараб кичиклашиб боради, бандсиз, наштарсимон, асоси 1-2 жуфт тишли. Саватчаси тухумсимон, чалкаш тукли. Ўрама барглари 40 та атрофида, қиррали. Тожи ўрама баргчаларидан узун, пушти рангли. Уруғи тескари тухумсимон, силлиқ. Июнь-июль ойларида гуллаб, июль-августда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Бойсун туманининг жануби-ғарбий қисмида, Сувсизтоғнинг Новабулоқ худудида тошли ёнбағирликларда ўсади.

**77.Тур: *Cousinia candicans* Juz. - Оқиш каррак- Кузиния  
белесоватая**

**Ботаник тавсифи.** Ўзбекистоннинг жанубидаги жуда камёб тур бўлиб, бўйи 70 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Пояси ётиқ чалкаш тукли, асосидан шохланувчи, якка каллакли. Барглари чармсимон, ҳар икки томони кулранг қалин тукли, учи қаттиқ тиканли. Ёпирма барглари қисқа бандли, чўзиқ, япроғининг четлари йирик тишли ёки бўлакли. Саватчаси тухумсимон, диаметри 2 см гача, чалкаш қалин тукли. Ўрама баргчалари тарвақайлаган,

каттик, учи уч қиррали тиканли. Тожи тўқ кизил рангли. Уруғлари доғли, деярли уч қиррали. Июнь-июл ойларида гуллаб, июл-августда меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Боботоғ тоғ тизмасидаги Гармала булоғи атрофида тизманинг ўрта қисмидаги оҳактошли ерларда ўсади. Табиатда жуда кам тарқалган. Ўзига хос тупроқларда ўсиши турнинг камайиб кетишига сабабчи бўлган.



**78. Тур: *Cousinia glabriseta* Kult. - Силлик тукли каррак- Кузиния гладкощетиноквая**

**Ботаник тавсифи.** Ўзбекистоннинг жанубидаги камёб эндем ўсимлик тури бўлиб, бўйи 25 см гача етадиган икки йиллик ўт. Пояси йўл-йўл чизиқли баргли, асосидан шохланувчи, шохлари якка каллакли. Барглари чармсимон, юқори қисми чалкаш тукли, пастки томони оқиш-қалин тукли, четлари йирик тишли. Поясининг ўрта ва юқори қисмидаги барглари бандсиз, юмалоқ, пояни ярим қамраб туради. Саватчаси тухумсимон-юмалоқ, сийрак чалкаш тукли. Ўрама баргчалари нисбатан кам, тарвақайлаган, сийрак чалкаш тукли. Тожи пушти рангли, ўрама баргчалардан узунроқ. Уруғи тескари-тухумсимон. Июнь ойида гуллаб, июлда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тизмасининг эндем тури. Кўхитанг табиий ҳудудида фақат Сурхон давлат кўриқхонасида Қизилолма

бўлимнинг шимолий ёнбағрида тарқалган. Майда жинс тупроқли ва шағал-тошли тупроқда денгиз сатҳидан 1500-1800 м баландликда ўсади. Бу тур 100 м<sup>2</sup> майдонда 5-10 дона учрайди.

**79.Тур: *Cousinia leptoclada* Kult. – Ингичкашоҳ каррак - кузиния  
тонковетвистая**

**Ботаник тавсифи.** Жануби Ғарбий Ҳисор тизмасининг эндем тури.

Пояси ингичка, оқиш қалин тукли, йўл-йўл жўякли баландлиги 30-60 см. Поянинг юқори қисмидан бошлаб сийрак шохланувчан, шохлари узун, ингичка учида яқка саватчали тўпгул ўрнашган. Баргларининг икки томони ҳам кулранг қалин тукли, чармсимон, тиканли. Илдиз бўғзидаги барглари қисқа бандли, чўзиқ наштарсимон, эни 4,5 см атрофида, патсимон бўлинга, учи узун, қаттиқ тиканли. Поянинг юқори қисмидаги барглари кичик ва бандсиз, пастки қисмидагиси илдиз бўғзидаги баргларига



ўхшаш, лекин бандсиз. Саватчаси чўзиқ тухумсимон кенглиги 1-1,2 см ўткир учли эмас. Ўрама баргчалари кам сонли, хурпайган, бигизсимон қиррали. Гулўрнидаги туксимон ўсимталари силлик. Гултожи тўқ-қизил рангли, ўрама баргчаларидан узун. Уруғи тескари тухумсимон. Июнь- июл ойларида гуллаб, июл-августда мевалайди.

**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тизмасида асосан, Ходжа-фил-ота ва Қизилолма бўлимларининг шимолий қисмида, Бойсун тизмасининг Мачай-дарёси ҳавзасида, Нова булоқ, Сарিশоти доvonининг тошли, шағал-тошли ёнбағирларда д.с. 1800-2500 м баландликда ўсади.

**80.Тур: *Cousinia stiricta* Tscherneva - Тик каррак- Кузиния торчащая**


**Ботаник тавсифи.** Жанубий Ўзбекистондаги жуда камёб тур бўлиб, бўйи 70 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Поялари бандсиз безчали, юқори қисми сийрак шохли, шохчалари кўп саватчали. Тўпгули рўваксимон. Барглари чармсимон, ҳар икки томони яшил, устки томони бандсиз безчали, пастки томони жуда сийрак чалкаш тукли. Ёпирма барглари бандли, чўзиқ наштарсимон, патсимон бўлакли. Поядаги барглари бандсиз, наштарсимон, патсимон бўлинган. Саватчаси чўзиқ-цилиндрсимон. Тожи сариқ рангда. Уруғи очкулранг, қора доғли, уч қиррали, учи уч тишли. Июл-август ойларида гуллаб, август-сентябрда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Боботоғ тизмасининг эндем тури ҳисобланади. Боботоғ тизмасининг ўрта қисмидаги очилиб қолган ола жинсли ерларда ўсади.

**81.Тур: *Cousinia haplophylla* Tscherneva -Хурпайган каррак- Кузиния вооруженнолистная**

**Ботаник тавсифи.** Ўзбекистоннинг жанубида тарқалган жуда камёб, эндем ўсимлик бўлиб, бўйи 80 см га етадиган кўп йиллик ўт. Пояси кулранг қалин тукли, ўрта қисми қалин шохли, якка каллакли. Барглари чармсимон, ҳар икки томони кулранг-яшил, қалин тукли. Поядаги барглари юқорига қараб кичрайиб боради, пастки қисмидаги барглари бандсиз ёки қисқа бандли, тескари наштарсимон, патсимон қирқилган, четлари жингалаксимон. Саватчаси юмалок, диаметри



18-20 мм, чалкаш тукли. Ўрама баргчалари кўп, хурпайган, қиррали. Июнь-июл ойларида гуллаб, августда меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Бойсун ва Ҳисор тоғ тизмаларининг Чўлбайир, Вахшувор дарёси ҳавзаларида, Ойбарик худудларидаги тоғларнинг ўрта қисмидаги тошли ёнбағирликларда ўсади.

### **82.Тур: *Cousinia rhodantha* Kult.-Қизилгулли каррак- Кузиния красноцветная**

**Ботаник тавсифи.** Ўзбекистоннинг жанубидаги камёб, эндем ўсимлик бўлиб, бўйи 25 см га етадиган икки йиллик ўт. Пояси йўл-йўл чизикли, қисман чалкаш тукли, ўрта қисмидан шохланувчи, баргли шохчалари якка каллакли. Барглари оч яшил, устки томони туксиз, пастки томони қалин тукли, четлари йирик тикан тишли. Ёпирма барглари бандли, патсимон бўлинган. Поядаги барглари патсимон ўйилган. Саватчалари тухумсимон-юмалоқ, чалкаш тукли, диаметри 3 см. Ўрама баргчалари кўп, қиррали. Тожи пушти, ўрама баргчаларидан қисқа. Уруғи тескари тухумсимон, оч кулранг. Июнда гуллаб, июн-июлда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Бойсун тоғ тизмасининг Кетмон-Чопти олди адирликлари, Тўда қишлоғининг атрофларида, Чўлбайир тоғи, Вахшувор дарёси ҳавзаларидаги қумлоқ, майда тошли ёнбағирликларда ўсади.

### **83.Тур: *Cousinia spryginii* Kult. - Спрыгин карраги- Кузиния Спрыгина**

**Ботаник тавсифи.** Жанубий Помиролайдаги камёб эндем тур бўлиб, икки йиллик ўсимлик. Пояси 20-40 см баландликда, тик, тўғри, қалин тукли,

йўл-йўл, жўякли, шохлари баргли. Баргларининг устки томони ингичка, тўрсимон, пастки томони кулранг, қалин тукли, четлари тикансимон тишли, тескари тухумсимон. Саватчаси шарсимон диаметри 2,5-3,5 см (учи ўткирмас) қалин тўрсимон тукли. Ўрама баргчалари ўткир, узун, учбурчаксимон, узунлиги 4 см, тиканли. Гулўрнининг дағал туклари силлик. Гултожи оқиш-сарик. Данакчаси тескари тухумсимон, қанотчаси қорамтир доғли. Май-июнда гуллаб, августдамеvasи етилади.



**Тарқалиш ареали.** Кўҳитанг тизмасининг Жанубий Келиф-Шеробод табиий худудининг Оқтош ва Хўжайибош массивларида, Бойсун тизмасининг Бойсун-Дарбанд йўли, Дарбанд, Сайроб, Шўроб қишлоғи атрофларида, Бойсун-Денов йўли Ташкак худудларидаги кулранг соз тупроқли ерларда ўсади.

#### **84.Гур: *Cousinia triceps* Kult.- Учбошли каррак- Кузиния трехголовая**

**Ботаник тавсифи.** Жануби-Ғарбий Ҳисор тизмасининг камёб ва эндем тури бўлиб, бўйи 18–22 см. Пояси асосидан ёки ўрта қисмидан бошлаб шохланувчан, йўл-йўл жўякли, баргли, шохлари якка каллакли. Баргларининг устки томони ингичка чалкаш тукли, остки томони оқиш қалин тукли. Илдиз бўғзидаги барглари лирасимон, қисқа бандли, чети майда тишли, тиканли, учи ўткир тиканли. Саватчаси чалкаш тукли, учи ўткир эмас кенглиги 1,5-2 см. Ўрама барглари кам





сонли, қаттиқ, чалкаш тукли, хурпайган, қалами учки томони уч қиррали, яшил. Гултожи сариқ. Уруғи тескари тухумсимон, орқа томони сиқилган. Июн-июл ойларида гуллаб, июл-августда мевалайди.

**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тизмасининг шарқий ёнбағрида яъни, Сурхон кўриқхонасида фақат Қизилолма бўлимида, Бойсун тизмасининг Бойсун шаҳри атрофларида, Пастки қизил, Қизил қўлтиқ худудларида тошли ва шағалли ёнбағирларда д.с. 2700 м баландликда якка-якка ҳолда ўсади. Бу турнинг ареали Кўхитанг тизмасининг ғарбий ёнбағрида Туркменистон Республикасининг Койтендаг (Кўхитанг) кўриқхонаси худудида ҳам тарқалган.

#### 48. Туркум: *Taraxacum* Wigg. - Қоқиўт

##### 85. Тур: *Taraxacum gnezdilloi* Kovalevsk. – Гнездилло қоқиўти- одуванчик Гнездилло

**Ботаник тавсифи.** Кўхитанг тизмасининг эндем тури. Барглари ўтсимон, туксиз, узунлиги 20-25 см, эни 3-3,5 см, ўз навбатида кенг чўзиқ, патсимон бўлинган, асоси кенг, барглари асосига қараб кичрайиб боради, учидаги бўлаки йирик. Ингичка, сийрак гуллари саватча тўпгулда йиғилган. Саватчаси чалкаш тукли, кенглиги 2 см гача. Ўрама баргчалари ўтсимон, ташқи томонидаги барглари тепага қараб йўналган, ички томонидагилари қалами, наштарсимон тўқ-яшил рангли. Гуллари сариқ, туксиз. Уруғлари кулранг, ғадир-будир, япалоқ. Попукларининг узунлиги 6 мм, оқ рангда (қордай). Июл ойида гуллаб мевалайди.



**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тизмасининг шарқий ёнбағрида Сурхон

қўриқхонасининг Кампиртепа, Шержон бўлимларининг жанубий қисмидаги майда жинс тупроқли ва тошли ёнбағирларда д.с. 1200-1800 м баландликда ўсади.

#### 49. Туркум: *Xylanthemum* Tzvel.-Ксилантемум

#### 86.Тур: *Xylanthemum rupestre* (Popov ex Nevski) Tzvelev- Қоя ксилантемуми- Ксилантемум скальный

**Ботаник тавсифи.** Кўҳитанг тизмасининг камёб, стенобионт ўсимлик бўлиб, 10-20 см баландликдаги яримбутача. Шохлари кўнғир тусли туклар билан қопланган. Барглари кулранг-яшил, тукланган, 1-1,5 см узунликда, патсимон қирқилган. Саватчалари якка-якка, гуллари кам сонли, узунлиги 5-6 мм, эни 4-5 мм, цилиндр шаклида. Ўрама барглари тукланган, эллипс шаклида, учи тўмтоқ. Гуллари сарик, без тукли. Уруғлари 2,5 мм узунликда. Попуклари 1,2 мм узунликда. Июлда гуллайди, августда мевалайди.




**Тарқалиш ареали.** Кўҳитанг тоғ тизмасининг шарқий ёнбағрида жойлашган Сурхон давлат қўриқхонасининг эндем ўсимлиги. Қўриқхона худудининг Қизилолма бўлимидаги тошли, шағалли, қоя тошлар орасида д.с. 2500-3000 м баландликда учрайди.

#### 50. Туркум: *Echinops* L.- Кўкбош

#### 87.Тур: *Echinops babatagensis* Tscherneva- Боботоғ кўкбоши- Мордовник бабатагский

**Ботаник тавсифи.** Ўзбекистоннинг жанубида кичик майдонларда тарқалган жуда камёб, эндем ўсимлик бўлиб, бўйи 20-30 см гача етадиган кўп

йиллик ўт. Пояси тик, жўякли, безчали ва момиқ тукли, шохланган, якка бошчали. Баргларининг устки томони безчали, пастки томони кулранг қалин тукли, йўғон томирли. Ёпирма барглари бандли, патсимон бўлинган, майда тишсимон тиканли. Поянинг пастки ва ўрта қисмидаги барглари ёпирма баргларига ўхшаш, аммо бандсиз. Саватчаларининг узунлиги 10-20 мм. Ўрама баргчалари 28-30 та, хаворанг. Уруғи чўзиқ, қалин сариқ тукли. Июл-август ойларида гуллаб, август-сентябрда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Боботоғ тизмасидаги Говургон дарасининг юқори қисмидаги оҳактошларда ва гипсли ерларда ўсади. Жуда кам ҳолда тарқалган. Турнинг ўзига хос тупроқ шароитида ўсиши унинг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

**88.Тур: *Echinops brevipenicillatus* Tscherneva- Қискамўй кўкбош-Мордовник короткокисточковый**

**Ботаник тавсифи.**

Ўзбекистоннинг жанубидаги жуда камёб тур бўлиб, бўйи 30-60 см га етадиган кўп йиллик ўт. Пояси тик, баргли, юқори қисми шохланган, юза жўякли, оқиш қалин тукли. Барглари чармсимон, устки томони яшил, сийрак безчали, чалкаш тукли, пастки томони оқиш қалин тукли. Ёпирма барглари йирик, четлари бутун, узун бандли, чармсимон. Поядаги барглари юқорига қараб кичрайиб



боради, бандсиз. Поянинг пастки қисмидаги барглари кичик ўсимтали, чўзик наштарсимон. Саватчаси юмалоқ, диаметри 5 см атрофида. Ўрама баргчалари 16-19 та, силлиқ. Тожи оқиш, чуқур кесилган, найчаси безчали. Уруғи калин тукли. Июнь-июл ойларида гуллаб, июл-августда меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Боботоғ тизмаси ҳудудида сийрак ва тарқоқ ҳолда учраши қайд этилди. Очилиб қолган ола жинсларда ўсганлиги учун улар чекланган майдонлардагина сақланиб қолган.

### **89.Тур: *Echinops multicaulis* Nevski - Кўкпояли кўкбош- мордовник многостебельный**

**Ботаник тавсифи.** Кўхитанг тизмасининг камёб ва эндем тури бўлиб, пояси 2-3 та, баландлиги 15-25 см, зич безчасимон туклар билан қопланган, баргли. Поянинг юқори қисмидан бошлаб сийрак шохланувчан, шохлари қисқа якка каллакли. Барглари чаримсимон, устки томони зич безчасимон тукли, остки томони кучли кўринарли томирланган, жудаям сийрак калин тукли. Илдиз бўғзидаги барглари бандли, деярли патсимон бўлинган, тиканли, поядаги барглари кичрайган, бандсиз, наштарсимон, патсимон бўлинган, бўлаклари тишли, тиканли. Бошчасининг кенглиги 2-3 см. Июл-августда гуллаб, август-сентябрда мева ҳосил қилади.




**Тарқалиши.** Ўзбекистоннинг жанубидаги камёб тур бўлиб, Кўхитанг тизмасининг Қизилолма, Боғлидара, Танги-Дара ҳудудларида тарқалган. Тоғнинг пастки ва ўрта қисмида (д.с. 1800 м баландликкача) шағалли, майда тошли, майда зарра тупроқли ерларда ўсади. Ушбу ҳудудларда ўртача 20-30 дона тупи аниқланди.

## 51. Туркум: *Lepidolopha* C.Winkl.- Лепидолофа

### 90.Тур: *Lepidolopha nuratavica* Krasch.- Нурота лепидолофаси- Лепидолофа нуратинская

**Ботаник тавсифи.** Ғарбий Помир-Олойдаги жуда камёб, эндем ўсимлик. Бўйи 80-100 см га етадиган асосидан шохланувчи ярим бута. Йиллик шохчалари тўғри, қалин тукли, пастки қисми баргли, якка саватчали. Барглари кўкимтир-яшил, қисқа ётиқ тукли, нуктасимон безчали, поянинг пастки қисмидаги ҳамда мевасиз шохларидаги барглар қисқа бандли, уч бўлакли, поянинг юқори қисмидаги барглари эса бандсиз. Саватчалари майда. Ўрама баргчалари цилиндрсимон, қисқа, ётиқ тукли. Гуллари сариқ, безчали. Уруғи ҳам безчали. Июнь-июл ойларида гуллаб, август-сентябрда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Кўҳитанг тизмасидаги субэндем тур бўлиб, фақат битта популяцияда Боғлидара ҳудудида д.с. 1200-1500 м баландликдаги (ўртача 5-10 дона) тошли ёнбағирларда, майда тошли кумоқ тупроқли ерларда ўсади. Бу турнинг иккинчи ареали Нурота тизмасида ҳам учрайди.

### 91.Тур: *Lepidolopha fedtschenkoana* Knorring- Федченко лепидолофаси- Лепидолофа Федченко

**Ботаник тавсифи.** Ғарбий Ҳисор ва Кўҳитанг тизмаларидаги камёб, эндем ўсимлик бўлиб, бўйи 50 см гача етадиган кўп пояли яримбута. Барглари қалами, бутун, тукли. Саватчалари узун бандли. Гуллари сариқ, безчали. Уруғи майда. Июнь-июл ойларида гуллаб, июл-августда меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Кўҳитанг тизмасининг эндем тури бўлиб, Боғлидара ва Танги-Дувал ҳудудларида д.с. 1000 м баландликда тош ёриқларида, тошли ва шағалли ёнбағирларда учрайди. Асосан якка-якка ҳолда тўп-тўп бўлиб ўсади.



**52. Туркум: *Oligochaeta* C. Koch. - Олигохета**

**92. Тур: *Oligochaeta vvedenskyi* (Popov) Tscherneva- Введенский олигохетаси- Олигохета Введенского**

**Ботаник тавсифи.** Поялари жуда қисқа, асосидан шохланган, бир ёки бир нечта саватчали, бир йиллик ўт. Шохлари 7-15 см узунликда, ер бағирлаб ўсади, ёти жингалак-чалкаш тукли. Барглари кулранг, яшил, устки қисми ётиқ жингалак тукли. Илдизолди барглари бандли, чўзиқ-тухумсимон, четлари ўйилган тишли, тиканли. Саватчаси битта ёки бир нечта, чўзиқ. Ўрама баргчалари наштарсимон, устки қисми жингалак тукли. Тожи оқиш. Уруғи 3 мм узунликда, ялтироқ. Апрель-майда гуллаб, май ойида меваси етилади.




**Тарқалиши.** Шеробод тумани ҳудудида ва Термиз тумани Учқизил тепалигида очилиб қолган ола жинсли тупроқларда ўсади. Жуда камёб тур.

**53. Туркум: *Tanacetopsis* (Tzvel.) Kovalevsk.- Танацетопсис**

**93. Тур: *Tanacetopsis botschantzevii* (Kovalevsk.) Kovalevsk – Бочанцев танацетопсиси- Танацетопсис Бочанцева**

**Ботаник тавсифи.** Ўзбекистоннинг жанубида жуда кичик майдонларда сақланиб қолган камёб, эндем ўсимлик бўлиб, бўйи 25-45 см орасидаги илдиз пояси йўғон, кўпбошчали кўп йиллик ўсимлик. Пояси кўп, пастки қисми сертук, камбарг. Илдизолди баргларининг узунлиги 10 см, эни 2 см, узун бандли, икки қарра патсимон бўлинган. Поядаги барглари кичрайган ва камроқ бўлинган. Ҳар бир пояда 3-8 тагача саватча жойлашган. Саватчалар узун ва ингичка бандларда ўрнашиб, ёйиқ шингилсимон тўпгул ҳосил қилади. Ўрама баргчалари сарғиш яшил рангли, қалин ётиқ тукли. Гули сариқ, қалин тукли. Июл ойида гуллаб, мева беради.



**Тарқалиш ареали.** Ҳисор тоғ тизмасининг жануби-ғарбий қисмида ва Бойсун тоғ тизмасининг юқори қисмидаги сурилмаларда, ёнбағирликларда ўсади.

#### 54. Туркум: *Jurinea* Cass.-Юринейя

#### 94.Тур: *Jurinea gracilis* Пјin- Бежирим юринейя- Наголоватка стройная

**Ботаник тавсифи.** Ўзбекистоннинг жанубидаги эндем ўсимлик бўлиб, бўйи 50 см атрофидаги кўп йиллик ўт. Поялари кўп, асоси оқиш пахмоқ тукли, пастки қисми чалкаш ва сийрак безчали туклар билан қопланган, тик чизиқли (жўякли), шохчалари яқка каллаккли. Барглари наштарсимон, четлари текис ёки сийрак тишли, ўткир, туксиз, безчали устки томони ғадир-будир. Ёпирма барглари



япроқлари бандига қараб торая боради. Поядаги барглари бандсиз, поя бўйлаб пастга қараб ёпишган. Саватчаси косачасимон, туксиз ёки сийрак чалкаш тукли. Ўрама баргчалари 4-5 қаторли, яшил, ички томонидагилари қирмизи рангли. Тожи пушти рангли, саватчанинг четидаги гуллари пастга қараб осилган, қалин безчали. Уруғи силлиқ. Май-июн ойларида гуллаб, июлда меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Жануби Ғарбий Ҳисор тоғ тизмасининг жанубий худудларида, яъни Бойсун ва Кўхитанг тизмаларида тарқалган. Кўхитанг тизмасида Қизилолма бўлимининг шимолий ёнбағрида 100 м<sup>2</sup> майдонда ўртача 20-30 дона тупи, Бойсун тоғ тизмасида Мачай дарё ҳавзасида, Келин мурд, пастки Мачай қишлоғи атрофларида ўсади.

#### **95.Тур: *Jurinea sangardensis* Цjin-Сангардак юринеяси-**

##### **Наголоватка сангардакская**

**Ботаник тавсифи.** Бўйи 80 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Поялари камроқ, тик, якка бошчали, тик (жўякли), сийрак безчали. Барглари устки томони яшил, бироз ғадир-будир, пастки томони кулранг, чалкаш тукли. Ёпирма ва поянинг пастки қисмидаги барглари бандли, қолганлари бандсиз, япроғининг пастки қисми пояга ёпишган, тоқ патсимон, энг юқоридаги барглари ипсимон. Саватчаси цилиндрсимон. Ўрама баргчалари саватчага ёпишган, йўфон томирли. Тожи қирмизи пушти рангли. Уруғи тескари пирамидасимон, туксиз, силлиқ. Июнда гуллаб, июл-августда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Ҳисор тоғ тизмасидаги Сангардак ва Тўпаланг дарёлари ҳавзаларидаги тоғларнинг ўрта қисмидаги ёнбағирларда майда жинс тупроқларда, арчазорларда ўсади.



**96.Тур: *Jurinea tapetodes* Пјин –Гидам юриней-Наголоватка  
ковровая**

**Ботаник тавсифи.** Поясиз, паст буйли, баландлиги 2-5 см кўп каудексли ярим бутача. Каудексига эски баргларнинг қолдиғи қолиб кетади. Барглари икки томони ҳам кулранг-яшил, зич чалкаш безчасимон туклар чуқур жойлашган. Барглари бандсиз, патсимон бўлинган, қалами ёки деярли наштарсимон. Саватчаси бандсиз ёки қисқа бандли. Саватчанинг юқори қисми кенгайган, узунлиги 15-25 см, эни 7-10 мм. Ўрама баргчалари тухумсимон яшил-кулранг, қисқа оқ туклар билан қопланган. Гултожи пушти-бинафша рангли, безсимон бандсиз тукли. Гултожнинг узунлиги 20-23 мм. Уруғларининг узунлиги 6-8 мм, силлик, қиррали. Попуклари узунлиги 15 мм, оқ рангли. Июнь-августда гуллайди, июл-августда мевалайди.



**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тизмасининг шарқий қисмида Сурхон кўриқхонанинг Кампиртепа, Шержон ва Вандоп бўлимларида тарқалган. Шағалли ва майда тошли ёнбағирларда д.с. 2200-2800 м баландликда ўсади. Мониторинг даврида қайд этилмади.

**97.Тур: *Jurinea tschernevae* Тојibaев & Turginov-Чернева  
юренияси- Наголоватка Черневой**

**Ботаник тавсифи.** Бойсун тизмасининг камёб ва эндем тури. Пояси қисқа, буйи 8-12 см. Пояси кам сонли, жўякли, чалкаш кулранг-яшил ёки оқиш, сийрак тукли. Барглари қалами-наштарсимон, яхлит ёки бир тишли, устки томони яшилроқ, нафис туклар билан қопланган, остки томони чалкаш тукли, баъзида безчасимон тукли. Гулбанди қалин чалкаш тукли, тик. Саватчаси якка, косачасимон. Ўрама баргчаларининг барчаси хурпайган,

ташқи томонидагиси яшил, чалкаш тукли, ўрта ва ички томонидагилари қирмизи рангда. Тожбарги пушти-қирмизи.

**Тарқалиш ареали.** Фан учун янги тур ҳисобланган ушбу ўсимлик Бойсун тоғ тизмасидан 2011-2013 йилларда академик К.Тожибоев ва О.Турғуновлар томонидан топилган фанга киритилган. Ушбу турнинг ҳозирда фақатгина Мачай-дарёси хавзасида тарқалган популяцияси борлиги маълум. Популяция 45-50 туп атрофида бўлиб, тошли-шағалли ёнбағирликда ўсадиган индивидларга эга.



**28. Оила: *Rubiaceae* - Руяндослар**

**55. Туркум: *Plocama* Lincz.- Плокама**

**98.Тур: *Plocama botschantzevii* (Lincz.) M.Backlund et Thulin -**

**Бочанцев плокамаси- Плокама Бочанцева**

**Ботаник тавсифи.** Жанубий Помир-Олойдаги камёб, эндем ўсимлик. Яримбутача, қалин, оқиш, бўғимли, шохлари туксиз. Барглари ясси, наштарсимон, туксиз, юпқа пардасимон ёнбаргчалари нов ҳосил қилади. Гуллари йирик гулёнбаргчали, косачаси бокалсимон, сал ғадир-будир, узунлиги 4 мм, 3-4 та киприксимон тишчали. Гултожи оқиш-кулранг, узунлиги 7-9 мм, 5 бўлакли, дағал тукли. Меваси цилиндрсимон, узунлиги 5-6 мм, қалин, дағал тукли. Ярим меваси ёпишган. Июлда гуллаб, августда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Кўҳитанг тизмасининг Келиф массивида, Шеробод тумани ҳудудларидаги тепаликларда ва Оқтош қишлоғи атрофида, Бойсун тизмасининг Омонхона, Қиякамар қишлоғи атрофларида, Бойсун-Денов йўли ёқаларида ола жинсли, соз тупроқли ерларда ўсади. Чорва молларининг кўплаб боқилиши турнинг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

**99.Тур: *Plocama trichophylla* (Popov et Tschernева) M.Backlund et**

**Thulin - Ок тукли плокама- Плокама волосистолистная**

**Ботаник тавсифи.** Жанубий Помир-Олойдаги камёб, эндем ўсимлик тури бўлиб, сершоҳ, оқиш тукли, бўғимларга ажралган, дағал тукли яримбута. Барглари ясси, наштарсимон, дағал тукли, юпқа пардасимон барг ёнбаргчаси нов ҳосил қилади. Гуллари йирик гул ёнбаргчаларга эга. Косачаси бокалсимон, дағал тукли, узунлиги 4 мм, 3-4 та киприксимон тишчали. Гултожи оқиш кулранг, узунлиги 20 мм, 5 бўлаккли, дағал тукли. Меваси цилиндрсимон, узунлиги 5-6 мм, қалин дағал тукли, ярим мевалари қўшилган. Июлда гуллаб, августда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Кўҳитанг тизмасининг Келиф-Шеробод пасттекисликларида, Оқтош қишлоғи атрофидаги ола жинсли қолдиқ тоғлардаги кулранг соз тупроқли ерларда ўсади.

**29. Оила: *Boraginaceae* - Ғовзабондошлар**

**56. Туркум: *Heliotropium* - Ғичмола**

**100.Тур: *Heliotropium bucharicum* V.Fedtsch.-Бухоро ғичмоласи-**

**Гелиотроп Бухарский**

**Ботаник тавсифи.** Жануби-Ғарбий Помир-Олойдаги қисқариб

бораётган эндем ўсимлик бўлиб, бўйи 20-50 см келадиган бир йиллик ўсимлик.

Пояси тик, қалин оқ тукли. Барглари бандсиз ёки қисқа бандли, юмалоқ-тухумсимон, узунлиги ва эни 3-5 см атрофида, оқ момик тукли, асоси юмалоқ ёки юраксимон. Гажак тўпгули бир томонга қайрилган, жуфт ёки 3-4 гулдан иборат, икки уяли, 2-6 см узунликда, мевалаганда узунлашади, оқ қалин туклар билан қопланган. Гул



косачаси қалин тукли, узунлиги 3 мм атрофида, косача бўлаклари тўмтоқ. Гули сариқ. Устунчаси қисқа ва туксиз. Тумшукчаси конус-бигизсимон, устунчадан 2-3 марта узун. Ёнғоқчаси силлиқ, туксиз, чўзиқ, 1-5 мм узунликда. Май-июнда гуллаб, июл-августда мевалайди.

**Тарқалиш ареали.** Вилоятнинг Ҳисор тоғ тизмаларининг жануби-ғарбий қисмида, Бойсун тизмасининг Бойсун шаҳри атрофида, Пастки қизил, Дарбанд, Шўроб қишлоғи атрофларидаги ола жинсли, гипсли тупроқларда ўсади.

**57. Туркум: *Onosma* L.- Оносма**

**101.Тур: *Onosma macrorhiza* Попов -**

**Йирик илдизли меҳригиёҳ- Оносма  
крупнокорневая**

**Ботаник тавсифи.** Жанубий Помир-Олойдаги камёб, эндем ўсимлик. Илдизи кўп бошчали. Пояси кўп, баландлиги 30-50 см. Дағал туклари оқиш. Барглари ўймали, узунлиги 2-4 см, эни 5-10 мм, учи ўткирроқ, бархатсимон. Тўпгули чўзиқроқ гажак. Косачаси оқиш дағал тукли,



узушлиги 7-10 мм. Гултожи сариқ, узушлиги 10-12 мм, кейинроқ қизил ва қора-кўк ранга қиради. Ёнғоқчаси қорамтир-қулранг, товланувчи, тумшуқчали.

**Тарқалиш ареали.** Бойсун тоғ тизмасининг жануби-ғарбий ҳудудларида, Шўроб, Бойсун шаҳри атрофида, Пастки қизил, Омонхона, Қияқамар қишлоғи атрофларидаги қизғиш тупроқларда, қумтош аралаш ерларда ўсади.

### **58. Туркум: *Nonea Medik.*- Нонея**

#### **102.Тур: *Nonea calceolaris Nikif. et Pazij.* Бошмолдоқсимон нонея-**

#### **Нонея башмачковидная**

**Ботаник тавсифи.** Ўзбекистон учун камёб эндем ўсимлик тури бўлиб, бир йиллик ўт. Бу ўсимлик хурпайган қалин безчали ва сийрак узун, дағал тукли, баландлиги 30 см. Поялари бирнечта, асосидан шохланган. Барглари бутун ёки ҳира сийрак тишчали, ўймали-наштарсимон, кенг ёки тор наштарсимон, учи ўткир, узушлиги 2,5-4,5 см, эни 5-10 мм. Меваловчи жингалаги 10-14 см узушликда, тиғиз ва сийракроқ. Мевабанди 1-2 мм узушликда. Косачаси гуллаганда кўнғироқсимон, узушлиги 7-8 мм, гултож найчасидан деярли 2 марта узун, тишчалари наштарсимон, учи ўткир. Гултожи сарғиш, узушлиги 7-8 мм, найчасининг узушлиги 4 мм. Меваси ёнғоқча бўлиб, 3-4 мм узушликда, текис жойлашган, тукли, ён томонлари тиришган. Март-апрел ойларида гуллаб, меваси апрел-май ойларида етилади.



**Тарқалиш ареали.** Ҳисор тоғ тизмасининг Жоилма ҳудудларида соз тупроқли ерларда ва адирларда ўсади.

**30. Оила: *Scrophulariaceae* – Сигиркуйрукдошлар**

**59. Туркум: *Spirostegia Ivanina* -Спиростегия**

**103.Тур: *Spirostegia bucharica* (В.Fedtsch.) Ivanina - Бухоро  
спиростегияси- Спиростегия бухарская**

**Ботаник тавсифи.** Жануби-Ғарбий Помир-Олойдаги камёб, эндем ўсимлик. Бўйи 20-60 см оралиғидаги пахмоқ туклар билан қопланган икки йиллик ўт. Поялари 1-4 та, оддий, баъзан шохланган. Барглари тухумсимон чўзиқ кетма-кет жойлашган, четлари айрисимон тишли. Гуллари якка-якка, поянинг юқори қисмидагиси баргларининг кўлтиғида жойлашган. Косачаси найсимон-кўнғироқсимон, узунлиги 12-15 мм, учбурчак-наштарсимон тишли. Гултожи сап-сарик, воронкасимон, узунлиги 25-45 мм. Кўсак меваси чўзиқ тухумсимон, узунлиги 15 мм. Уруғи майда. Июл-август ойларида гуллаб, сентябр-октябрда меваси етилади.



**Тарқалиши.** Кўҳитанг тизмасининг Оқтош, Қизилолма, Бойсун тизмасининг Омонхона, Қиякамар, Қораил, Чарқауқ ва Озод қишлоқлари атрофларидаги гипсли оҳак-тошларда, оҳакгилларда, гипсли қояларда, баъзан майда зарра жинс тупроқларда ўсади. Келиф-Шероб худудининг Лойлик қишлоғи атрофида 15-20 тупдан иборат кичкина популяцияси ўсади.

**31. Оила: *Lamiaceae* – Ялпиздошлар**

**60. Туркум: *Dracoscephalum* L. - Бўзбош**

**104.Тур: *Dracoscephalum formosum* Gontsch. - Ажойиб бўзбош-  
Змееголовник прекрасный**

**Ботаник тавсифи.** Ҳисор тизмасидаги кам учрайдиган, эндем ўсимликти бўлиб, бўйи 15-40 см келадиган кўп йиллик ўт. Барглари юмалоқ ёки тухумсимон, четлари текис, ёпирма барглари банди япроғидан уч баробар узун. Пояси камбаргли. Гули пушти-бинафша рангли, устки томони (сирти) сертук. Гуллари поянинг учида зич тўпгул ҳосил қилади. Июл-августда гуллаб, август-сентябрда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Ҳисор тоғ тизмасида Чулбайир, Хўжа Гургур-ота Чақмоқ каби тизмаларнинг дарё ирмоқларининг ёқаларида ҳамда булоқлар атрофида ўсади. Чорва молларининг булоқлар ва дарё бўйларида кўп боқилиши тур. Популяциясининг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

### 61. Туркум: *Scutellaria* L.- Кўкамарон

#### 105. Тур: *Scutellaria holosericea* Gontsch. et Juz. -Ипаксимон

#### кўкамарон- Шлемник шелковистейший

**Ботаник тавсифи.** Ғарбий Помир-Олойдаги камёб, эндем ўсимлик тури бўлиб, бўйи 45 см гача етадиган кўп пояли, қалин туклар билан қопланган яримбута. Барглари йирик, узунлиги 4 см, учбурчак-тухумсимон, четлари тишсимон ўйилган, майин тукли. Тўпгули узун, шохланган. Гуллари қисқа бандли, биттадан гулолди барглари кўлтиғига ўрнашган. Тожи оч ҳаворанг, пастки



лабида бинафша рангли доғлари бор. Июнь-июлда гуллаб, июль-август ойларида меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Бойсун ва Ҳисор тоғ тизмасида Тўпаланг дарёсининг Хурватан ва Шатрут ирмоқларининг ўнг қирғоқларида, Култепасойнинг жануби-ғарбий ёнбағирларида, Халқажар дарёси ҳавзаларида, Гуматак қишлоғи атрофларида гранитли қояларда ўсади.

**106.Тур: *Scutellaria villosissima* Gontsch. ex Juz.- Момик кўкамарон- Шлемник мохнатейший**

**Ботаник тавсифи.** Ғарбий Помир-Олойдаги камёб, эндем ўсимлик тури бўлиб, бўйи 30 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Поялари кўп, ингичка, узун бўғимли, ёпишқоқ, эгри-бугри туклар билан қопланган. Барглари деярли юмалоқ, четлари йирик тишли, ҳар икки томони узун тукли. Гуллари қисқа бандли, гулолди баргчалар қўлтиғида биттадан ўрнашган. Тожбарглари оч кўк рангли, узунлиги 25 см. Июнь-июл ойларида гуллаб, июль-августда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Ҳисор тоғ тизмасида, Сангардак дарёси ҳавзасидаги

Боғча қишлоғидан Қизилсойгача бўлган ҳудудда ва Оқсув дарёсининг ўрта оқимида тарқалган.

**107.Тур: *Scutellaria guttata* Nevski et Juz. -Томчи кўкамарони- Шлемник капельный**

**Ботаник тавсифи.** Кўп пояли, қалин тукли, ғовак ёстиқ шаклидаги яримбута. Бир йиллик шохлари ингичка, узунлиги 10 см, сербарг, пастки қисми пахмоқ тукли. Барглари кенг-тухумсимон, деярли текис қиррали, ҳар



икки томони сийрак тукли. Гуллари биттадан барг кўлтиғида ўрнашган. Тожбарглари сарик, рангли, узунлиги 28 мм. Июнь-августда гуллаб, июл-сентябр ойларида меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Ҳисор тоғ тизмасида Тўпаланг дарёси хавзасидаги Хурватан, Зевар, Куштут, Сангардак, Боғча қишлоқлари ҳудудларида ва Шатрут, Тамшуш дарёларнинг қуйилиш жойларида, Бойсун тоғ тизмасининг Бойсун-Дарбанд йўли, Дарбанд



қишлоғи атрофларидаги тоғларнинг ўрта ёнбағирликларида, қумтошларда ўсади.

### **108. Тур: *Scutellaria fedtschenkoii* Bornm. -Федченко кўкамарони-Шлемник Федченко**

**Ботаник тавсифи.** Жануби-Ғарбий Помир-Олой тоғларидаги камёб, эндем ўсимлик. Бўйи 50 см га етадиган кўп йиллик ўт. Поялари кўп, ингичка. Барглари кўкимтир, деярли юмалоқ, тўмтоқ, туксиз. Гуллари қисқа бандли, поя ва шохларининг учларида бир томонлама сийрак тўп гул ҳосил қилади. Тожбарги тўқ ҳаворанг. Июнь-июлда гуллаб, июл-август ойларида меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Шеробод шаҳри атрофида, Бойсун туманидаги Дарбанд, Даҳнаижом ва Шўроб



қишлоқлари, Юқори Мачай, Шаршара, Ғурбулоқ Бузгалахона дараси, Тўпаланг дарёси воҳаси ва Бойсунтоғ ҳудудларида учрайди.

### **109.Тур: *Scutellaria colpodea* Nevski -Қайрилган кўкамарон-**

#### **Шлемник изогнутый**

**Ботаник тавсифи.** Жанубий Помир-Олойдаги камёб, эндем ўсимлик бўлиб, хивчинсимон, кулранг пояли яримбутача, баландлиги 30-60 см. Барглари ажинли, тухумсимон, тўмтоқ, бутун, узунлиги 1,5-2 см. Гуллари биттадан гулолди баргларининг қўлтиғида ўрнашган, сийрак тўпгул ҳосил қилади. Косачаси 2-3,5 мм узунликда, 2 паллали бўртмаси бор. Гултожи сариқ, қалин тукли, узунлиги 18-23 мм, ташқи томони қўнғир-тўқ қизил рангли. Ёнғоқчаси тукли.



**Тарқалиш ареали.** Кўҳитанг тоғ тизмасида Шалқон ва Қизилолма ҳудудларида, Бойсун тоғ тизмасининг Бойсун-Дарбанд йўли, Дарбанд, Шўроб қишлоғи атрофларида ҳамда Боботоғ тизмасидаги олажинсли тупроқларда ўсади.

### **110.Тур: *Scutellaria heterotricha* Juz. et Vved. – Ҳар хил тукли**

#### **кўкамарон - Шлемник разноволосый**

**Ботаник тавсифи.** Жанубий-Ғарбий Ҳисор тизмаларининг эндем тури бўлиб, бўйи 10-15 см келадиган, тик, ингичка ва бир нечта оддий поялар ҳосил қиладиган ўсимлик. Поядаги туклари жудаям қисқа ва зич. Барглари кенг тухумсимон ёки тухумсимон, ўткир учли, асос қисми юраксимон. Барглари



яхлит, бандли, зич, узун тукли. Гуллари биттадан барг қўлтиғида жойлашган. Поянинг учида бир томонлама сийрак тўпгул ҳосил қилади. Косачаси узун туклар билан қопланган. Гултожи тўқ бинафша рангли, узунлиги 17 мм, ташқи томони безчасимон туклар билан қопланган. Июн ойида гуллаб, июлда мевалайди.

**Тарқалиш ареали.** Кўҳитанг тизмасида Хўжанқо бўлимининг шимолий қисмида Куюкдара сойининг устки қисмида, Бойсун тизмасининг Чўлбаир, Ҳисор тизмасининг Вахшувор, Сина қишлоғи атрофларида харсанг тошларга ёпишган ҳолда қия ёнбағирликларда д.с. 1500-2000 м баландликда ўсади.

### **111.Тур: *Scutellaria nevskii* Juz. et Vved. - Невский кўкамарони-Шлемник Невского**

**Ботаник тавсифи.** Жанубий-Ғарбий Ҳисор тизмаларининг камёб ва эндем тури бўлиб, бўйи 10-25 см келадиган, тик, ингичка ва бир-нечта оддий поялар ҳосил қиладиган ўсимлик. Поядаги туклари жудаям майда ва зич. Барглари тухумсимон, тўмтоқ ёки ўткир учли, асоси юмалоқ, барг қирғоқи яхлит, бандли, майда зич тукланган. Гулларининг банди қисқа, шох ва

поянинг учида бир томонлама сийрак тўпгул ҳосил қилади. Косачасининг узунлиги 4,5-5,5 мм, мева ҳосил бўлгунча 7-8 мм гача бўлиши ҳам мумкун, сертук, туклари кулранг, юқори лаби эгилган.



Тожбарги тўқ бинафша рангда, пастки лаби оқиш, ташқи томони сертук, узунлиги 21-23 мм. Июл ойида гуллаб, августда мевалайди.

**Тарқалиш ареали.** Кўҳитанг тизмасининг Танги-Дара бўлимида Бойсун тизмасининг Мачай-дарё ҳавзасида, Юқори Мачай, Шаршара, Тешик

тош ғори атрофларида д.с. 1200-1400 м баландликда ола жинсли, оҳактошли ҳамда гипсли ёнбағирларда ўсади.

## 62. Туркум: *Salvia L.*- Салвия

### 112.Тур: *Salvia insignis* Kudr. - Зебо мармарак- Шалфей замечательный

**Ботаник тавсифи.** Жанубий Ўзбекистонда ўсадиган жуда камёб, эндем ўсимлик бўлиб, бўйи 40 см га етадиган тик пояли кўп йиллик ўт. Барглари асосан илдиз бўғизидида жойлашган, тухумсимон, четлари икки карра тишсимон бўлинган, узун бандли. Гуллари пушти рангли, узунлиги 30-35 мм. Меваси 4 та ёнғоқчага ажралади. Ёнғоқчаси эллипссимон, яшилроқ рангли, уч қиррали, узунлиги 3 мм. Май ойида гуллаб, июнда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Боботоғ ва Бешарча тизмаларидаги Гармбүлөк ва Қашқақуруқ ҳудудларида тоғнинг пастки қисмида ола жинсларда, оҳактошли ҳамда гипсли ёнбағирларда ва сурилмаларда ўсади.

### 113.Тур: *Salvia lilacinocaerulea* Nevski -Ҳаворанг мармарак- Шалфей лиловоголубой

**Ботаник тавсифи.** Жанубий Помир-Олойдаги камёб, эндем ўсимлик тури бўлиб, пояси 1-3 та, тик, безчали туклар билан қопланган, баландлиги 30-60 см. Барглари лирасимон – патсимон қирқилган, иккала томони оқиш тукли. Гуллари 1-2 тадан 1 см узунликдаги гулбандларда гулолди баргчаларнинг қўлтиғида ўрнашган. Косачаси кенг қўнғироқсимон, кавариғли, узунлиги 15-20 мм, туклари безчали. Гултожи оч пуштиранг, 35-

45 мм узунликдаги қорамтир қайтақили. Ёнғоқчаси ясси эллипсимон, узунлиги 5 мм.

**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тизмасининг субэндем тури. Кўхитанг тоғ тизмасида Кампиртепа бўлими Захарли довони атрофларида д.с. 2500-2700 м баландликда шағалли, майда тошли тупроқли ерларда ўсади. 100 м<sup>2</sup> майдонда 10-20 туп борлиги мониторинг кузатишлар натижасида аниқланди. Бу турнинг ареали қўриқхона ҳудудига қўшни бўлган Бойсунтоғ тизмасининг



Сувсизтоғ, Юқори Мачай, Амир Темур, Кўкбет ҳудудларида ҳам тарқалган.

**63. Туркум: *Moluccella* L. (= *Otostegia* Benth.) – Молуселла  
(отостегия)**

**114. Тур: *Moluccella bucharica* (B. Fedtsch.) Ryding (= *Otostegia bucharica* B. Fedtsch.) Taxon 60 (2): 482. 2011. Бухоро отостегияси  
ёки Бухоро молуселласи.**

**Ботаник тавсифи.** Жануби-Ғарбий Помир-Олойнинг жуда кам сақланиб қолган, йўқолиш арафасида турган камёб, эндем ўсимлик. Бўйи 20 см га етадиган кулранг пояси юқори қисмигача ёғочланадиган яримбута. Бир йиллик новдалари ноаниқ тўрт қиррали, сарғиш-оқ рангли, тукли. Барглари кенг-тухумсимон, бандсиз, тўмтоқ, кўкимтир-яшил рангли, хурпайган қалин тукли. Гуллари бандсиз, барг қўлтиғида 5-8 тадан ҳалқа ҳосил қилиб жойлашган. Гулолди баргчалари кураксимон. Тожбарглари 10-14 мм узунликда, оқ рангли. Июнь-август ойларида гуллаб, сентябр-октябрда меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** *Moluccella* L. (= *Otostegia* Benth.) туркумнинг турлари асосан Африканинг шимоли-шарқий қисмидаги тоғ ва тоғ олди минтақаларида, Ўрта Осиёдан Ғарбий Ҳиндистонгача бўлган текислик минтақаларида тарқалган.

Ўзбекистон флорасида ушбу туркумга мансуб 6 тур тарқалган шулардан 4 тури Бойсун тоғи худудида учрайди. Булар орасида *Moluccella bucharica*



алоҳида эътибор касб этади. Бойсун тоғи худудининг Шўроб, Дарбанд ва Гўрхожи қишлоқлари атрофларидагина популяцияси сақланиб қолган, йўқолиш арафасида турган камёб, эндем ва реликт тур ҳисобланади. Мазкур тур гипсли, олажинсли-гипли ва оҳакли ёнбағирликларда ўсади. И.В. Белолипов 1977 йилнинг апрель-май ойларида популяциядаги индивидлар сони 2860 та эканлиги тўғрисида маълумотлар келтирган. Ҳозирда турнинг сони камайиб бормоқда.


#### **64. Туркум: *Phlomoides* Moench- Фломоидес**

##### **115. Тур: *Phlomoides baburii* (Adylov) Adylov- Бобур фломоидеси- Фломоидес Бабура**

**Ботаник тавсифи.** Жанубий Ўзбекистондаги ғоят камёб, эндем ўсимлик бўлиб, бўйи 40-50 см га етадиган кўп йиллик ўт. Пояси бақувват, туксиз, пастки қисмидан тарвақайлаб шохланган. Ёпирма барглари чўзиқ, асоси кенг понасимон, қисқа бандли, туксиз поядаги барглари кичикроқ, деярли бандсиз, ўткир тишли. Гуллари бандсиз, гулолди баргчаларининг қўлтиғида камгулли ярим ҳалқа ҳосил қилиб ўрнашган. Гулолди барглари бигизсимон, туксиз, косачадан 4 марта қисқа. Косачаси 16-20 мм узунликда,

най қўнғироқсимон, туксиз. Косачасининг четлари киприксимон. Тожининг узунлиги 30 мм, оқиш ёки қуритилганда оч сариқ рангда бўлади. Тожининг найи косачадан салгина чиқиб туради. Май ойида гуллаб, май-июнда меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Қўхитанг тизмасининг Келиф массивида ва Шеробод тумани тоғ олди тепаликларида, яъни Жанубий Келиф-Шеробод табиий ҳудудидаги Оқтош қишлоғи яқинидаги ола жинсли тупроқларда ўсади.



### 65. Туркум: *Phlomis* L. – Қўзиқулоқ.

#### 116. Тур: *Phlomis spinidens* Nevski – Тикантиш қўзиқулоқ-Зопник колючезубый

**Ботаник тавсифи.** Жанубий-ғарбий Ҳисор тизмасининг камёб тури. Пояси деярли тик, кучсиз шохланувчан, ўсимликнинг барча органлари калта, зич, қалин юлдузсимон туклар билан қопланган. Поянинг юқори қисмидаги барглари, чўзиқ наштарсимон, узунлиги 7-15 см эни 2,5-5 см, учли ёки тўмтоқ, қисқа бандли яхлит. Баргларнинг устки томони кўк-яшил рангли, тўрсимон, остки томони кулранг бахмалсимон, кўринарли томирли. Косачаси қўнғироқсимон, қаттиқ 1,5 см узунлиги, пастки томони туксиз, юқориси оқиш юлдузчасимон тукли. Чангчилари гултожидан узун.



**Тарқалиши.** Қўхитанг ва Бойсун тоғ тизмаларида учрайди. Қўхитанг

тизмасида Кампиртепа, Қизилолма ва Хатак бўлимларида д.с. 1200-1500 м баландликда, Бойсун тизмасининг Мачай-дарё хавзасида, Юқори Мачай, Шаршара, Чўлбайр тоғи, Хўжа Борку, Хўжа Гургур-ота, Мингчукур, Қизил Наур худудларидаги майда жинс тупроқли, гилли, ола жинсли тупроқларда ўсади.

**31. Оила: *Colchicaceae* - Совринжондошлар**

**66. Туркум: *Colchicum* (Торн. L.)- Савринжон**

**117.Тур: *Colchicum kesselringi* Regel. - Кесселринг совринжони-  
Безвременник Кесселринга**

**Ботаник тавсифи.** Ўрта Осиёдаги камайиб бораётган эндем ўсимлик бўлиб, кўп йиллик туганак пиёзли ўт. Туганак пиёзи чўзиқ тухумсимон, диаметри 1-3,5 см, қобиғи дағал, қора-қўнғир рангли. Барглари 3-6 та, қалами. Гуллари 1-4 та, оқ рангли. Тожбаргчаларининг ташқи томони тўқ бинафша чизиқли, қалами-наштарсимон, тўмтоқ. Чангчилари қайтақисидан 2 марта қисқа, чангдони ингичка. Февраль ойида гуллаб, май-июнда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Кўҳитанг тизмасининг шарқий ёнбағрида Сурхон кўриқхонасида кам тарқалган тур бўлиб, фақат Шалқон сойининг шимолий ва жанубий ёнбағирларида д.с. 1100 м баландликда ўсади. Асосан, якка-якка ҳолда баъзан тўп-тўп бўлиб учрайди. 100 м<sup>2</sup> майдонда ўртача 50 донани ташкил этади. Бойсун тоғ тизмасининг Омонхона, Чўлбайир худудларида ҳам бир неча популяциялари аниқланган.

**33. Оила: *Liliaceae* - Лолагулдошлар**

**67. Туркум: *Fritillaria* L.- Исирғагул**

**118.Тур: *Fritillaria eduardii* (Regel) Vved . - Холмон исирғагули-**



## Рябчик Эдуарда

**Ботаник тавсифи.** Ўзбекистонда камайиб бораётган ва ареали ажралган ўсимлик. Пояси баргли, 40-80 баъзан 150 см га етадиган пиёзли, кўп йиллик ўт. Барглари ялтирок, яшил, пастки барглари кенг чўзиқ, баъзан пояда халқа ҳосил қилиб жойлашади. Поянинг энг юқори қисмдагилари наштарсимон, халқа шаклида ўрнашган. Гуллари кўнғироқсимон, пастга қараб осилиб туради, қизғиш, қирмизи-кўнғир рангли, 2-8 тадан бўлиб, соябонсимон тўпгул ҳосил қилади. Меваси юқорига қараб тик турувчи, қисқа бандли, эни 4-5 см, энсиз қанотчали қутичага ўхшайди. Апрельда гуллаб, меваси май ойида етилади. Ажойиб, хушманзара ўсимлик.



**Тарқалиш ареали.** Вилюятнинг Боботоғ ва Ҳисор тоғ тизмаларида тарқалган. Боботоғ тизмасининг Чагам қишлоғи яқинида денгиз сатҳидан 2100 м баландликда дарахт ва буталар орасида, баъзан сернам тошли ҳамда оҳақтошли сурилмаларда ўсади. Бу турнинг ареали Фарғона вилюятининг Олой тизмаларида ҳам учрайди.

## 68. Туркум: *Tulipa* L.- Лола

### 119. Тур: *Tulipa micheliana* Т.М. Ноог. - Дилбанд лола- Тюльпан Михели

**Ботаник тавсифи.** Фарбий Помир-Олойдаги камайиб кетган тур бўлиб, бўйи 20-30 см оралиғидаги кўп йиллик пиёзли ўт. Пиёзи тухумсимон, қора-кўнғир чармсимон қобиғининг ички томони ётиқ туклар билан қопланган. Барглари 3-4 та, йўл-йўл бинафша доғли. Гули якка, йирик, диаметри 10 см гача бўлиб, қизил рангдан тўқ пушти ранггача, ўзига хос қадаҳсимон шаклда. Гулининг туби қора, сариқ гардишли, баъзан гардишсиз. Чангчи иплари қора,

чангдонлари бинафша рангли, баъзан сариқ. Март-апрель ойларида гуллаб, май-июнда меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.**

Кўхитанг тизмасининг Шалқон ва Кампиртепа худудларида денгиз сатҳидан 1500-2000 м баландликда майда тошли, қисман шағалли, қумоқ тупроқли, гил тупроқли ерларда, Бойсун тизмасининг Кетмон-Чопти олди



адирликларида, Дарбанд қишлоғи атрофларидаги тепаликларда ўсади.

**120.Тур: *Tulipa korolkowii* Regel. - Корольков лоласи- Тюльпан  
Королькова**

**Ботаник тавсифи.** Жануби-Ғарбий Тянь-Шан ва Помир-Олойдаги ареали ажралган, камёб ўсимлик тури бўлиб, бўйи 10-20 см га етадиган кўп йиллик, пиёзли ўт. Пиёзи тухумсимон, диаметри 2,5 см, қобиғи ички томонининг юқори қисми сертук. Барглари 3 та, эгри-бугри. Гули якка, қизил, туби қора. Чангчи ипларининг пастки қисми қора, юқори қисми эса қизил. Баъзан чангчи иплари қора ёки қизил. Чангдони сариқ. Март-апрел ойларида гуллаб, июн-июлда меваси етилади.




**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг

тизмасининг Кампиртепа, Шалқон, Шержон, Бойсун тизмасининг Бойсун шаҳри атрофларида, Пастки қизил, Мачай-дарё ҳавзасида, Омонхона, Қиякамар қиш атрофларида ва Боботоғ тизмасидаги қум-шағалли, майда

жинс тупроқларда ҳамда олажинсли ерларда ўсади. Камайиб кетаётган тур. Асосан чорва молларининг боқилиши ва маҳаллий аҳоли томонидан гулларининг териб олиниши туп сонининг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

**121.Тур: *Tulipa orythyioides* Vved. - Оритиясимон лола- Тюльпан  
оритиевидный**

**Ботаник тавсифи.** Ғарбий Помир-Олойдаги йўқолиш арафасида турган камёб, эндем ўсимлик бўлиб, бўйи 7-12 см га етадиган кўп йиллик, пиёзли ўт. Пиёзи тухумсимон, диаметри 1,5 см, қобиғи қоғозсимон, қўнғир-кулранг, ички томони тўрсимон момик тукли. Барглари 2 та, яқин жойлашган, эгри-бугри. Гуллари якка, оқ, туби сариқ. Чангчи иплари сариқ, остки қисми узун киприксимон тукли. Чангдони хира бинафша рангли. Май-июн ойларида гуллаб, июл-августда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Бойсун тизмасининг Чўлбаир тоғи, Хўжа Борку, Хўжа Гургур-ота худудларида шунингдек, Тўпаланг дарёси ҳавзасида денгиз сатҳидан 2500-3000 м баландликдаги тош-шағалли ёнбағирликларда тарқалган.

**122.Тур: *Tulipa dasystemon* (Regel.) Regel. -Чангчи ипи тукли  
лола- Тюльпан волосистотычиночный**

**Ботаник тавсифи.** Ғарбий Тянь-Шань ва Помир-Олойдаги ареали ажралган камёб тур. Бўйи 10-20 см га келадиган кўп йиллик пиёзли ўт. Пиёзи тухумсимон, диаметри 1,5 см гача. Қобиғи қоғозсимон, қора-қўнғир тусли ёки қўнғир, ички томонининг юқори қисми ётиқ тукли. Барги 2-3 та. Гули


якка, оч сариқ, баъзан оқ, туби сариқ. Чангчи ипи ва чангдони сариқ. Май-июн ойларида гуллаб, июл-августда меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Ҳисор ва Боботоғ тизмаларида денгиз сатҳидан 2500-3000 м баландликдаги тошли ва шағалли тоғ ёнбағирларда ўсади.



### 123. Тур: *Tulipa lanata* Regel. - Юнгли лола- Тюльпан шерстистый

**Ботаник тавсифи.** Помир-Олойдаги камёб, эндем ўсимлик тури бўлиб, бўйи 15-40 см га етадиган кўп йиллик, пиёзли ўт. Пиёзи тухумсимон, диаметри 4 см гача, қобиғи юпқа-чармсимон, кўнғир рангли ички томони қалин, узун туклар билан қопланган. Барглари 4 тагача, четлари эгри-бугри. Гули якка, диаметри 5-6 см, гулкўрғони қизил, асоси кўнғир ёки қора, оқ-сариқ хошияли. Чангчи иплари қисқа, туби қора, учбурчак шаклда, чангдонлари қизғиш қора, туб қисми оқ.



Апрел-май ойларида гуллаб, июнда меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Кўҳитанг тизмасининг Вандоп, Шержон, Кампиртепа, Шалқон ҳудудларида, Бойсун тизмасининг Омонхона, Боботоғ ҳамда Кентала қишлоғининг юқори қисмида Қизилсой ҳудудларида майда зарра тупроқли, гилли, майда қум-тошли, шағалли, ола жинсли тупроқларда д.с. 1000-1800 м баландликда ўсади.

### 124. Тур: *Tulipa tubergeniana* T.M. Hoog - Туберген лоласи-

## Тюльпан Губергена

**Ботаник тавсифи.** Жануби-Ғарбий Помир-Олойдаги камёб, йўқолиш арафасидаги тур бўлиб, бўйи 10-40 см га етадиган кўп йиллик, пиёзли ўт. Пиёзи тухумсимон, диаметри 3-5 см, қобиғи жигарранг ёки кўнғир, ички томони тўрсимон-чалкаш, момиқ тукли. Барглари 3 та, гулидан узун. Гуллари якка, йирик, диаметри 6-7 см, қизил, туби қора, оч сариқ, гардишсимон доғли. Чангчи иплари қора, чангдонлари бинафша рангли. Апрельда гуллаб, июн-июл ойларида меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Ҳисор тоғ тизмасининг Бойсун тоғларида, Сина кишлоғи атрофида, Тўпаланг дарёси хавзасида ҳамда Кўҳитанг тоғи худудларида Қизилолма, Хўжанқо бўлимларининг шимолий қисмида, Боғлидара бўлимининг жанубий ёнбағридаги гилли, тош-шағалли, майда жинс тупроқли ёнбағирларда д.с. 1100-1400 м баландликда ўсади.

## 125. Тур: *Tulipa ingens* Т.М.Ноог - Улуғвор лола- Тюльпан великий

**Ботаник тавсифи.** Ғарбий Помир-Олойда жуда кам тарқалган эндем ўсимлик бўлиб, бўйи 12-25 см орасидаги кўп йиллик пиёзли ўт. Пиёзининг диаметри 2,5-4 см, чўзиқ-тухумсимон, устки қисми қора-кўнғир ёки кўнғир юпқа чармсимон қобиқ билан ўралган. Барглари 3-4 та, тарвақайлаган, ўткир учли, наштарсимон, четлари эгри-бугри,



кўкимтир рангли. Гули қизил, юлдузсимон, туби қора рангли. Чангчиси ва чангчи иплари қора, тим қўнғир ёки тўқ қизил рангли. Апрель-май ойида гуллаб, июн-июлда меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Бойсун тизмасининг Паданг, Омонхона, Қиякамар, Инкобод қишлоғи атрофларида, Кўхитанг тизмасининг Кампиртепа бўлими Мачилли сойи, Заҳарли довони атрофларида, Қизилолманинг шимолида, Боғлидара бўлими Олтиқунлик сойининг юқори қисмида майда жинс тупроқли, шағал аралаш қумоқ тупроқли, майда тошли ёнбағирларда ўсади. 100 м<sup>2</sup> майдонда ўртача 1000 тупни ташкил этади.

### 126. Тур: *Tulipa carinata* Vved.- Пуштагли лола- Тюльпан килеватый

**Ботаник тавсифи.** Помир- Олойнинг жануби-ғарбидаги камёб, эндем ўсимлик тури бўлиб, бўйи 15-50 см орасидаги кўп йиллик пиёзли ўт. Пиёзи тухумсимон, диаметри 1,5-4 см, қобиғи чармсимон қора-қўнғир рангли, ички томони қалин тукли. Барглари 3-4 та. Гули якка, қизил ёки пушти ранг. Гулининг туби сариқ ёки хирароқ сариқ. Чангчи иплари қора, чангдони қора ёки қизғиш, баъзан сариқ. Май-июнда гуллаб, июл-август ойларида меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тизмасида Қизилолма бўлимининг юқори қисмида, Хўжанқо бўлимининг Куюқдара сойида ҳамда Боғлидара бўлими Бешболасойининг жанубий ёнбағирларида, Бойсун тизмасининг Чўлбаир тоғи Хўжа Борку, Инкобод, Хўжа Гургур-Ота, Мингчукур, Буюр-Тахт худудларидаги д.с. 1500-2000 м баландликда тошли, майда зарра тупроқли

ерларда якка-якка ҳолда ўсади. 10 м<sup>2</sup> майдонда ўртача 100 тупни ташкил этади.

### 34. Оила: *Iridaceae* – Гулсафсардошлар

#### 69. Туркум: *Gladiolus* L.- Гладиолус

##### 127. Тур: *Gladiolus italicus* Mill. - Италия гладиолуси- Спажник посевной

**Ботаник тавсифи.** Жануби-Ғарбий Помир-Олойдаги камёб тур бўлиб, бўйи 80 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Барглари қиличсимон, узунлиги 18-20 см, ўткир учли, кам томирли. Тўпгули бошоқсимон, 6-8 гулли (баъзан 10 тагача). Гулларди барглари наштарсимон, гуллари тик, гулқўрғони пушти рангли. Меваси юмалоқ тухумсимон кўсак, узунлиги 1 см гача. Туганак пиёзчаси тухумсимон, кўнғир рангли қобиқ билан ўралган. Июнь ойида гуллаб, июлда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Кўҳитанг тизмасининг Кампиртепа, Шалқон, Қизилолма сойлари бўйида, Бойсун тизмасининг Омонхона, Қиякамар қишлоғи атрофларида д.с. 1500 м баландликдаги соз ва юмшоқ тупроқли ёнбағирларда ўсади. Гулларининг териб олиниши ва ёш ниҳолларининг оёқостида пайҳон қилиниши туп сонининг камайиб кетишига олиб келмоқда.

#### 70. Туркум: *Iris* L.- Гулсафсар

##### 128. Тур: *Iris khassanovii* Tojibaev & Turginov – Хасанов гулсафсари- Ирис Хасанова

**Ботаник тавсифи.** Бойсун тизмасининг эндем тури бўлиб, кўп йиллик пиёзли ўт. Пиёзлари тухумсимон, қобиғи юпқа қоғозсимон жигарранг,

диаметри 1,0-1,5 см. Поясининг баландлиги 5-10 см. Барглари калами-наштарсимон, учли, япроғи оқ рангда. Барг пастки қисмининг эни 4-10 мм. Гуллари оқиш, бинафша рангли хошияли. Гулкўрғонининг узунлиги 4 см, сариқ-яшил рангли.




**Тарқалиш ареали.** Фан учун янги бўлган ушбу тур академик К.Тожибоев ва

О.Турғуновлар томонидан 2014 йилда Бойсун тизмасининг Халқажар дарёси ҳавзасидан, Гуматак, Гаурли худудларидан топилган. Бу тур асосан тизманинг ўрта қисмидаги тошли, шағалли ёнбағирликларда ўсади.

### **129.Тур: *Iris svetlanae* (Vved.) F. O. Khass. – Светлана гулсафсари- Ирис Светланы**

**Ботаник тавсифи.** Фарбий Помир-Олойдаги камёб эндем тур. Туганак пиёзининг эни 2-2,5 см, кулранг кипиқли (тангачали) ўсимлик. Поясининг баландлиги 10-15 см. Барглари ўроқсимон, эни 3-4 см, силлик, четлари (атрофи) оқ хошияли, учи ўткир. Гуллари 1-2 та, сариқ. Ташқи гулкўрғон бўлаклари 12-16 см узунликда, ромбсимон, учи ўткиррок.



**Тарқалиш ареали.** Бойсун тизмаси флораси учун янги тур бўлиб, асосан Мачай дарёси ҳавзасида Юқори Мачай, Шаршара,



Кўк бет атрофларида қизил кумоқли, майда тошли ерларда тарқалган.

**130.Тур: *Iris vvedenskyi* (Nevski ex Woronow) Nevski – Введенский  
гулсафсари- Ирис Введенского**

**Ботаник тавсифи.** Кўхитанг ва Бойсун тизмаларида тарқалган камёб ўсимлик бўлиб, бўйи 10-15 см. Барглари 3-5 та ингичка, узунлиги 15-10 см эни 3-5 мм, ранги кўкиш, ингичка оқ хошияли. Гуллари 1-2 та, ўрама баргчалари яшил, сал бўртиб чикқан. Гулкўрғони найсимон 2-3 см, ташқи барг япроқлари тухумсимон, ёрқин сариқ яхлит, ичкиси жудаям майда, уч бўлакли ўрта бўлаги узун, шохларнинг устуни сариқ, тенг уч қиррали. Чангдони узун чангчи ипида ўрнашган, чанглари оч-сарик.



**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тизмасининг шарқий қисмида, Сурхон кўриқхонасининг Хўжанқо бўлими Куяқдара сойининг жанубий ёнбағрида, Бойсун тизмасининг Мачай-дарё ҳавзаси, Юқори Мачай, Шаршара, Тўққиз тарам ҳудудларида майда тошли, майда жинс тупроқли, шағалли ёнбағирларда д.с. 1200-1800 м баландликда ўсади.

**35. Оила: *Orchidaceae* - Салибдошлар**

**71. Туркум: *Eulophia* R.Br.-Эулофия**

**131.Тур: *Eulophia turkestanica* (Litv.) Schlecht.-Туркистон  
эулофияси- Эулофия туркестанская**

**Ботаник тавсифи.** Ўрта Осиёнинг жанубий қисмидаги ареали ажралган камёб, эндем ўсимлик. Бўйи 35-50 см орасидаги туксиз, сариқ-

бинафша рангли, кўп йиллик ўт. Илдизпояси бўғимли. Пояси 1-2 та. Барглари унча тараққий этмаган, ўткир учли, пардасимон, юқори қисми учбурчак шаклидаги новни эслатади, узунлиги 2-3 см. Кечроқ тараққий этадиган поялардаги барглари энсиз, калами, қаттик. Гуллари очсарик, пастга қараб эгилган. Кўсаги эллипссимон, узунлиги 2-2,5 см, эни 10-12 мм. Апрель ойида гуллаб, май-июнда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Сурхондарё ҳавзасида Жарқўрғон ва Сурхон кишлоқлари ўрталарида ҳамда Денов шаҳри атрофидаги тўқайзорларда, чийзорларда ҳамда ботқоқлашган ерларда ўсади.

### 36. Оила: *Hyacinthaceae* - Гиацинтдошлар

#### 72. Туркум: *Dipcadi* Medik.- Дипкади

#### 132. Тур: *Dipcadi turkestanicum* Vved.-Туркистон дипкадийси- Дипкади туркестанский

#### Ботаник тавсифи.

Жанубий Ўзбекистондаги жуда камёб, эндем ўсимлик бўлиб, бўйи 15-20 см га етадиган кўп йиллик, пиёзли ўт. Пиёзи кулранг, юпқа қобиқли. Ёпирма барглари 2-3 та, калами новсимон, серэт. Пояси камгулли. Гулбарглари этли, ўроқсимон-эгилган, ташқи



томони хира кўкимтир, оқ хошияли, ички томони оқиш рангли. Меваси кўсакча. Уруғи ингичка қанотли. Апрельда гуллаб, май ойида меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Шеробод водийсидаги Ховдак қолдиқ тоғи худудидаги кум уюмлари ва уларнинг ораликларидаги текисликларда ўсади. 1975 йилда турнинг 2 нусхадаги гербарийси терилган. Ундан кейинги изланишлар самарасиз кетган. Хавдак тоғ худудида чорва молларининг кўп боқилиши турнинг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлмоқда.

### 37. Оила: *Alliaceae* - Пиёздошлар

#### 73. Туркум: *Allium* L.- Пиёз

#### 133. Тур: *Allium giganteum* Regel. - Йирик пиёз- Лук гигантский

**Ботаник тавсифи.** Жанубий Помир-Олойдаги камёб, эндем ўсимлик.

Бош пиёзининг эни 3-5 см, қорамтир, қоғозсимон пўстли. Пояси 60-130 см узунликда, силлиқ. Барглари 4-5 та, силлиқ. Соябони кўпгулли, деярли шарсимон, диаметри 5-12 см. Гулбандлари деярли тенг, гулёнбаргчалари йўқ, узунлиги 3-6 см. Гулқўрғон бўлаклари юлдузсимон, оч бинафша рангли, узунлиги 5-6 мм, овалсимон, тўмтоқроқ, эгилмайдиган. Чангчи иплари бигизсимон, узунлиги 4-5 мм. Кўсаги шарсимон, диаметри 5-6 мм. Майда гуллаб, июнда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тизмасининг Кампиртепа, Боғлидара, Қизилолма, Шалқон худудларида, Бойсун тизмасининг Омонхона, Қиякамар қишлоғи атрофларида, Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий қисмидаги тошли, қисман шағалли ёнбағирликларда сийрак ва тарқоқ ҳолда ўсади.

**134.Тур: *Allium kugitangi* F.O. Khass. – Кўҳитанг пиёзи-Лук**

**Кугитангский**

**Ботаник тавсифи.** Кўҳитанг тизмасининг эндем тури бўлиб, пиёзининг эни 1-2 см, чўзинчоқ кўнғир-қорамтир рангда бўлиб, қоғозсимон кобиқ (пўст) билан ўралган. Пояси 15-30 см узунликда, силлик. Барглари 1-2 та баъзиларида 3-4 та, лентасимон, узунлиги 5-10 см, эни 0,5-1 см, силлик. Соябони кўпгулли, бир-бирига зич жойлашган, деярли шарсимон, диаметри 5-6 см. Гулбандлари тенг, гулёнбаргчалари йўқ, узунлиги 5-10 см. Гулқўрғон бўлаклари юлдузсимон, этли, бинафшаранг, узунлиги 7-10 мм, чўзиқ-овалсимон, баъзан наштарсимон, тўмтоқ. Чангчи иплари пушти, узунлиги 16-13 мм, бигизсимон, анча қисми ўзаро бирлашган. Кўсаги шарсимон, диаметри 3-4 мм. Апрельда гуллаб, майда меваси етилади. Асосан 5-8 та тупдан иборат кичик жамоалар ҳосил қилади.



**Тарқалиш ареали.** Бу пиёз тури 2006-2008 йилларда А.Ж. Ибрагимов томонидан олиб борилган изланишлар натижасида Кўҳитанг тизмасининг шарқий ёнбағридан, яъни Сурхон қўриқхонасининг Боғлидара бўлимидан д.с. 1500-1800 м баландликдан, сийрак арчазорлар орасидаги майда тошли, майда зарра тупроқли ердан топилган ва фанга киритилган.

**135.Тур: *Allium rhodanthum* Vved.- Пушти гулли пиёз- Лук**

**розовоцветный**

**Ботаник тавсифи.** Жанубий Помир-Олойдаги камёб, эндем ўсимлик. Бош пиёзининг эни 2-3 см, қорамтир, қоғозсимон пўстли. Пояси 15-30 см узунликда, силлик. Барглари 1-2 та, кенг наштарсимон, узунлиги 5-10 см, эни

2-4 см, силлиқ. Соябони кўпгулли, сийрак, деярли шарсимон, диаметри 10-15 см. Гулбандлари тенг, гулёнбаргчалари йўқ, узунлиги 5-10 см. Гулкўрғон бўлаклари юлдузсимон, этли, пуштиранг, узунлиги 7-10 мм, чўзиқ-овалсимон, баъзан наштарсимон, тўмтоқ. Чангчи иплари пушти, узунлиги 16-13 мм, бигизсимон, анча қисми ўзаро бирлашган. Кўсаги шарсимон, диаметри 3-4 мм. Апрельда гуллаб, майда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Вилоятнинг Хаудак қолдиқ тоғининг атрофидаги кумликларда ўсади. Охирги йилларда бу турни топиш бўйича олиб борилган ишлар самарасиз яқунланган.

### **136.Тур: *Allium decoratis* Turginov & Tojibaev – Манзарали пиёз- Лук декоративный**

**Ботаник тавсифи.** Бойсун тизмасининг эндем тури. Пиёзи шарсимон, тухумсимон эмас, кенглиги 1,5–2 (–3) см, узунлиги 1,2 см, ташқи қобиғи қоғозсимон оқиш рангли, ички томони эса оқ. Барглари битта баъзида 2-3 та, тўрттагача бўлиши ҳам мумкин, наштарсимон, чўзиқ эллипсимон, узунлиги 9-10 см эни 3-3,5. Тўпгули яримшарсимон кўп гулли. Гулбандининг узунлиги 3 см, тўғри, қизғиш. Июн ойида гуллаб, июлда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Фан учун янги тур. 2012-2013 йилларда академик К.Тожибаев ва О.Тургиновлар томонидан Бойсун тоғ тизмасининг Ходжа-

Гур-Гур-Ота, Хўжа Борку, Кетмон чопти, Хўжа Кўчкор-ота худудидан топилган. Тадқиқотлар давомида бир қанча популяцияси тошли, шағалли, соз тупроқли ерларда ўсиши аниқланган.

### 137. Тур: *Allium majus* Vved.— Катта пиёз- Лук большой

**Ботаник тавсифи.** Помир-Олойдаги камёб, декоратив эндем ўсимлик.

Бош пиёзининг эни 3-5 см, қорамтир, қоғозсимон пўст билан қопланган. Пояси 60-80 см узунликда, силлик. Барглари 4-5 та, қайишсимон, эни 4-8 см, силлик. Соябони кўпгулли, деярли шарсимон, диаметри 5-10 см. Гулбандлари деярли тенг, гулён-баргчалари йўқ. Гулкўрғон бўлакчалари юлдузсимон, оч бинафшаранг, узунлиги 6-7 мм, қалами, тўмтоқроқ, кейинроқ пастга қараб эгилади. Чангчи иплари бигизсимон, узунлиги 4-5 мм.



Кўсаги шарсимон, диаметри 5-6 мм. Майда гуллаб, июнда меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Сурхондарё вилояти флораси учун янги тур. 2012-2013 йилларда О.Турғунов томонидан Бойсун тоғ тизмасининг Хўжа Гургур-ота, Чақмоқ сой худудларидан топилган. Тадқиқотлар давомида бир қанча популяцияси аниқланган.

### 38. Оила: *Amaryllidaceae* - Чучмомадошлар

#### 74. Туркум: *Ungernia* Bunge- Омонқора

### 138. Тур: *Ungernia victoris* Vved. ex Artjuschenko - Виктор омонқораси- Унгерния Виктора

**Ботаник тавсифи.** Жануби-Ғарбий Помир-Олой тизмасидаги ареали жуда қисқариб бораётган камёб, эндем ўсимлик бўлиб, бўйи 20-25 см га етадиган кўп йиллик, пиёзли ўт. Пиёзининг эни 4-7 см, қорамтир-қўнғир рангли, кўп қаватли қобиқлар билан ўралган. Барглари 7-10 та, қалами, кўкимтир, силлик. Гулпояси август ойида барглари қуриб кетгандан сўнг

ўсиб чиқади. Тўпгули соябонсимон, 4-7 гулли. Кўсакчаси кенг юраксимон паллали. Август ойида гуллаб, сентябрда меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.**

Бойсун тизмасидаги Омонхона, Катта дара, Зав боши худудларида, Ҳисор тоғ тизмасида, Чўлбайир тоғларида ва Хонақасув дарёсининг юқори оқимидаги тоғларнинг ўрта қисмидаги майда зарра жинс



тупроқли ерларда, дараларда, сурилмаларда ўсади.

**75. Туркум: *Sternbergia* W. et K. - Штернбергия**

**139. Тур: *Sternbergia lutea* (L.) Spreng. - Сарик штернбергия-**

**Штернбергия жёлтая**

**Ботаник тавсифи.** Ўзбекистоннинг жанубида жуда кам тарқалган тур бўлиб, бўйи 20 см га етадиган кўп йиллик, пиёзли ўт. Пиёзи йирик, деярли юмалоқ, эни 4 см га, узунлиги эса 5 см га етади. Барглари кенг-наштарсимон, тўмтоқ, тарновсимон, четлари ўткир майда тишчали. Барги гули билан бир вақтда кузда ўсиб чиқади. Гуллари бандсиз, сарик рангли. Гулпояси найзасимон, чўзиқроқ. Сентябрь-октябр ойларида гуллайди.



**Тарқалиш ареали.** Ҳисор тоғ тизмаси ёнбағрида жойлашган Шарғун шаҳри атрофида тарқалган. Тоғларнинг ўрта қисмидаги қояларда ва тошли ёнбағирларда ўсади.

**140. Тур: *Sternbergia fischeriana* (Herb.) M. Roem.- Фишер**

**штернбергия- Штернбергия Фишера**

**Ботаник тавсифи.** Ўзбекистоннинг жанубида жуда кам учрайдиган тур. Бўйи 10 см га етадиган кўп йиллик, пиёзли ўсимлик. Барглари 4-8 та, туксиз, қалами. Гуллари 8-10 мм узунликдаги гулбандда жойлашган. Гулқўрғонининг ташқи баргчалари чўзиқ. Кўсакчаси очилмайди. Уруғи деярли юмалоқ. Март ойида гуллаб, апрелда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Бойсун тоғ тизмаси флораси учун янги тур бўлиб, тизманинг Омонхона, Каттадара худудларидаги тоғолди ёнбағирларида жойлашган соз тупроқли ерларда тарқалган.

**39. Оила: *Asphodelaceae* - Ширавдошлар**

**76. Туркум: *Eremurus* M. Bieb.– Еремурус**

**141. Тур: *Eremurus albertii* Regel. - Альберт ширачи- Ширав**

**Альберта**

**Ботаник тавсифи.** Ўзбекистонда кам учрайдиган тур бўлиб, бўйи 25-80 см га етадиган кўп йиллик ўт. Илдизпояси қисқарган, панжасимон, бўлаклари урчиқсимон йўғонлашган, қалинлиги 7-10 мм. Барглари кенг қалами, ташқи томонидагиларининг кенглиги 1,5-2 см. Шингиллари сийрак, кўп гулли, узунлиги 10-50 см. Гулолди баргчалари йирик, учбурчак-наштарсимон. Тўпгулининг пастидаги






гулбандлари гулкўрғонидан 2-2,5 марта узун. Гулкўрғон баргчалари бир томирли, оқиш-қизғиш рангли, асосига қараб чўзилган. Чангчилари гулкўрғонидан 1,5 марта қисқа. Кўсакчаси юмалоқ, уч уяли, силлиқ, эни 2-2,5 см. Апрельда гуллаб, май ойида меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тизмасининг Шеробод пасттекислигида, кодиқ тоғларида шунингдек, Боботоғ тизмасида денгиз сатҳидан 900-1200 м баландликдаги ола жинсли ерларда сийрак ва тарқоқ ҳолда ўсади.

#### 142. Тур: *Eremurus iae* Vved. - Бештомир ширачи- Ширач Ии

**Ботаник тавсифи.** Жануби-Ғарбий Помир-Олойдаги камёб эндем

ўсимлик тури бўлиб, бўйи 60-80 см га етадиган кўп йиллик ўт. Илдизпояси қисқа, нурсимон жойлашган, илдизлари кўп, йўғонлашган. Барги кенг қалами, 15-20 мм кенгликда, кўкимтир рангли. Шингили цилиндрсимон, узунлиги 20-30 см, сийрак, кам гулли. Гулолди баргчалари ингичка учбурчак шаклда. Шингилининг пастдаги гулбандлар гулкўрғонидан




икки баробар узун. Гулкўрғон баргчалари 3-5 томирли. Чангчилари гулкўрғондан узунроқ. Меваси кўсакча, юмалоқ, йирик (эни 1 см дан ортик), силлиқ. Май-июнда гуллаб, июн-июл ойларида меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Бойсун тизмасининг Чўлбаир тоғи, Вахшувор, Якка арча, Жав поя, Ҳисор тоғ тизмасининг Тўпаланг дарёси ҳавзасида тоғларнинг ўрта қисмидаги тошли соз тупроқли ёнбағирликларда ўсади. Чорва моллари томонидан пайҳон қилиниши натижасида камайиб кетмоқда.

**143.Тур: *Emurus baissunensis* O.Fedtsch. -Бойсун ширачи- Ширач байсунский**

**Ботаник тавсифи.** Жануби-Ғарбий Помир-Олойдаги жуда камайиб кетган эндем ўсимлик бўлиб, бўйи 60-80 см оралиғидаги кўп йиллик ўт. Илдизпояси қисқа, урчуксимон йўғонлашган илдизларининг эни 4-6 мм. Барглари ингичка қалами, эни 4-6 мм. Шингили сийрак, кўп гулли, узунлиги 25-45 см. Гулолди баргчалари йирик, учбурчак наштарсимон. Шингилининг пастидаги гулларининг бандлари гулқўрғонидан 1,5 марта узун. Гуллари хидли. Гулқўрғон баргчалари оқ, битта томирли. Чангчилари нотекис ва гулқўрғонидан қисқа. Меваси кўсакча, чўзиқроқ силлик, эни 6-7 мм, узунлиги 15-20 мм, уруғлари ингичка қанотчали. Апрель-май ойларида гуллаб, май-июнда меваси етилади.



**Тарқалиш ареали.** Кўҳитанг тизмасининг Боғлидара, Танги-Дара ҳамда Хатак қишлоғи атрофларидаги ола жинсли, майда шағал-тошли, гипсли ерларда (д.с. 1000-1200 м баландликда) ўртача 100 м<sup>2</sup> майдонда 10-12 дона ўсади. Бойсун тизмасининг Мачайдарё ҳавзасида, Юқори Мачай, Кўк бет, Халқажар, Қумариқ худудларидаги тоғ олди ҳамда паст тоғлар худудларида тарқалган.

**144.Тур: *Eremurus pubescens* Vved. - Момиқ ширач- Ширач пушистый**

**Ботаник тавсифи.** Жануби-Ғарбий Помир-Олойдаги камёб, эндем ўсимлик бўлиб, бўйи 80-100 см келадиган кўп йиллик ўт. Илдизпояси қисқа, нурсимон жойлашган, бўлаклари урчуксимон йўғонлашган, эни 5-7 мм. Барги қалами, эни 2 см атрофида. Шингили сийрак, кўп гулли, узунлиги 40-55 см. Гулолди баргчалари ингичка учбурчак шаклда, момиқ тукли.


Шингилининг пастки гулларининг гулбанди гулкўрғонидан 2-2,5 марта узун. Гулкўрғон баргчалари оқиш-қизғиш рангда. Чангчилари гулкўрғон баргчаларидан қисқа. Кўсакчаси юмалоқ, эни 1,5 см, юпқа қобиқли. Май ойида гуллаб, меваси май-июнда етилади.

**Тарқалиш ареали.** Бойсун тизмасининг Мачай-дарё ҳавзасининг Юқори Мачай, Шаршара, Пашшахона, Чўлбаир тоғи, Вахшувор, Сариосиё туманидаги Тўпаланг дарёси ҳавзасида тоғларнинг ўрта қисмидаги шағалли, тошли ёнбағирликларда ўсади.



**145. Тур: *Eremurus robustus* Regel. - Нор ширач- Ширач мощный**

**Ботаник тавсифи.** Тяншан ва Помир-Олойдаги ареали ажралган ва қисқариб бораётган эндем ўсимлик тури бўлиб, бўйи 100-250 см га етадиган кўп йиллик йирик ўт. Илдизпояси қисқа, нурсимон жойлашган, бўлаклари урчуқсимон йўғонлашган. Барглари кенг қалами, эни 4-8 см, силлиқ. Шингили тифиз, кўп гулли, цилиндр шаклда, узунлиги 35-120 см. Гулларди баргчалари учбурчак шаклда. Шингилининг пастки қисмидаги гулларининг банди гулкўрғонидан 1,5-2 марта узун.



Гулкўрғон баргчалари якка томирли, оч пушти рангли. Чангчилари


гулқўрғонидан бироз қисқа. Меваси - юмалоқ, силлиқ кўсакка ўхшайди, эни 1,5-2,5 см. Май-июлда гуллайди, июл-августда меваси етилади.

**Тарқалиш ареали.** Кўҳитанг тизмасида фақат Боғлидара бўлимининг жанубий ёнбағрида майда жинс тупроқли, шағал тошли ерда д.с. 1300 м баландликда ўсади. Бойсун тизмасининг Омонхона, Қиякамар қишлоғи, Бойсун шаҳри атрофларида, Пастки қизил ҳудудларида тарқалган. Аҳоли томонидан териб олиниши ва чорва молларининг кўп боқилиши туп сонининг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

#### **146.Тур: *Eremurus luteus* Baker -Сариқ ширач- Ширач жёлтый**

**Ботаник тавсифи.** Ўзбекистондаги жуда камёб тур бўлиб, бўйи 35-60 см оралиғидаги кўп йиллик ўт. Илдизпояси қисқа, бўлаклари урчуқсимон йўғонлашган. Барглари ингичка қалами, эни 4-7 мм. Шингили сийрак, нисбатан кам гулли, узунлиги 20-30 см.

Гулолди баргчалари йирик учбурчак-наштарсимон, шингили пастки қисмидаги гулларининг банди гулқўрғонидан 1,5 марта узун. Гуллари хидли. Гулқўрғон баргчалари якка томирли, оч сариқ. Чангчилари нотекис, гулқўрғонидан қисқа. Меваси кўсакчадай, чўзик, силлиқ. Уруғлари ингичка қанотчали. Апрель-май ойларида гуллаб, май-июнда меваси етилади.




**Тарқалиш ареали.** Кўҳитанг тоғ тизмасининг Хатак, Сувсизтоғ тизмасининг Панжоб қишлоғи атрофларидаги паст тоғларда ола жинсли, гилли тупроқларда ўсади.

#### **147.Тур: *Eremurus suworowii* Regel.- Суворов ширачи- Ширач**

## Суворова

**Ботаник тавсифи.** Жануби-Ғарбий Помир-Олойдаги камёб, эндем ўсимлик бўлиб, бўйи 50-70 см келадиган кўп йиллик ўт. Илдизпояси қисқа, нурсимон жойлашган, бўлаклари йўғонлашган. Барглари ингичка қалами. Поясининг пастки қисми одатда ғадир-будир тукли. Шингили деярли цилиндрсимон, сийрак, кам гулли, узунлиги 15-50 см. Гулларди баргчалари тўртбурчак шаклда. Пастки гулларининг банди гулқўрғонидан 1,5-2,5 марта узун. Гулқўрғон баргчалари бир томирли, оч сариқ рангда. Чангчилари гулқўрғонидан қисқа. Кўсакчаси юмалоқ, текис, эни 1-1,4 см. Апрель-май ойларида гуллаб, май-июнда меваси етилади.




**Тарқалиш ареали.** Бойсун тизмасининг Чулбайир тоғлари, Юқори Мачай, Шаршара, Вахшувор худудларида, Ҳисор ва Боботоғ тизмаларининг юқори қисмидаги майда жинс, тошли, саз тупроқларда ўсади.

### 148. Тур: *Eremurus*

*aitchisonii* Baker -Эчисон  
ширачи- Ширащ Эчисона

**Ботаник тавсифи.** Ўзбекистон флорасидаги камёб тур бўлиб, бўйи 70-120 см орасидаги кўп йиллик ўт. Илдиз пояси қисқарган, нурсимон жойлашган, бўлаклари урчуксимон йўғонлашган. Барглари кенг қалами, эни 5-8 см, оч яшил рангли, туксиз. Пояси туксиз ёки пастки қисми



ғадир-будир тукли. Шингили сийрак, камгулли, цилиндрсимон, 20-45 см узунликда. Гулолди баргчалари учбурчак шаклида, чўзинчоқ. Шингилининг пастидаги гулбанди гулқўрғонидан икки марта узун. Гулқўрғон баргчалари бир томирли, пушти ранг. Чангчилари гулқўрғонидан 1,5 марта қисқа. Меваси эни 1,5-2 см келадиган юмалоқ кўсакча. Май-июн ойларида гуллаб, июн-июлда уруғлайди.

**Тарқалиш ареали.** Кўхитанг тизмасининг Шалқон ва Қизилолма бўлимларининг пастки қисмларида, Бойсун тизмасининг Чўлбаир тоғи, Хўжа Борку, Хўжа Гургур-ота, Минг Чукур, Чакмоқ ҳудудларидаги майда жинс тупроқли ва шағалли ёнбағирларида ўсади.

**40. Оила: *Superaceae*- Хилолдошлар**

**77. Туркум: *Cladium* R.Br.-Қиличўт**

**149.Тур: *Cladium martii* (Roem. et Schult.) K. Richt.-Мартиус қиличўти- Меч-трава Мартиуса**

**Ботаник тавсифи.** Ўзбекистонда онда-сонда учрайдиган камёб тур бўлиб, бўйи 40-200 см оралиғидаги поя ва барглари қалин жойлашган кўп йиллик ўт. Барглари қаттиқ, эни 15 см, четлари ўткир, қаттиқ тишчали. Тўпгули кўп, бир-биридан ажралган ҳолда жойлашган, мураккаб, соябонсимон рўвак ҳосил қилади. Бошоқлари тухумсимон ёки наштарсимон, узунлиги 4-6 мм. Ёнғоқчаси (меваси) тухумсимон, узунлиги 4 мм, ялтироқ, қорамтир. Июнь-август ойларида гуллаб, мевалайди.



**Тарқалиш ареали.** Амударё ҳавзаларида ва Термиз шаҳри атрофидаги дарё ва кўлларнинг ботқоқлашган қирғоқларида, шолиторларда ўсади.


#### 41. Оила: *Poaceae* - Буғдойдошлар

#### 78. Туркум: *Stipa* L.- Чалов

#### 150. Тур: *Stipa gnezdilloi* Razij.-Гнездилло чалови- Ковыль

#### Гнездилло

**Ботаник тавсифи.** Кўҳитанг тизмасининг камёб петрофит ўсимлиги бўлиб, поялари тукланган, кўп йиллик ўт. Баландлиги 50-60 см, барглари туксиз. Тилчаси 1-2 мм, киприкчали. Гултўпи 11-17 см узунликда. Бошоқлари деярли бир хил, 3-4 см узунликда. Пастки гул қобиқи 11-13 мм. Қилтаноғи 12-13 см узунликда, 2 марта тирсакли, туклари 0,2-0,3 мм. Май-июн ойларида гуллаб, мева беради.



**Тарқалиш ареали.** Кўҳитанг тоғ тизмасининг тоғ олди текисликларида яъни Майдон қишлоғи атрофидаги паст тоғларнинг тош-шағалли ёнбағирликларида ўсади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бабушкин Л.Н, Когай Н.А. Физико-географическое районирование Сурхандарьинской области // Тр. ТашГУ, вып. 185. – Ташкент, 1961. – С. 3–125.
2. Балашева Е.Н. Климатическое описание Сурхандарьинской области. – Л.: Гидрометеиздат, 1960. – 128 с.
3. Блиновский К. В. Роща жужуба в Кугитанг-тау // Изв. АН Туркм. ССР, 1954. – № 2. – С. 67-69.
4. Генусов А.З. Почвенный очерк // Тр. ТашГУ, нов. сер. географ. наук., 1961. Вып. 185. – С. 175-187.
5. Говорухина В.А., Мурадов К.М. Из истории изучения флоры и растительности Туркменистана. – Ашхабад: Илим, 1990. – 207 с.
6. Закиров К.З. К проблеме зональности и терминологии ботанической географии в Средней Азии. Высотные пояса долины Зеравшана – Ташкент, Бюлетень САГУ, 1947. Вып 25. – С. 25-30.
7. Запрягаева В.И. Дикорастущие плодовые Таджикистана. – М., Л.: Наука Лен. отд., 1964. – 695 с.
8. Запрягаева В.И. Лесные ресурсы Памиро-Алая. – Л.: Наука, 1976.– 75 с.
9. Ибрагимов А.Ж., Тожибаев К.Ш. Тюльпаны (*Tulipa L.*) Сурханского заповедника (хребет Кугитанг) // Узб. биол. журн. – Ташкент, 2008. – № 2. – С. 31-36.
10. Ибрагимов А.Ж. Эндемизм флоры хребта Кугитанг // Биоразнообразие: проблемы и перспективы сохранения: Материалы межд. науч. конф. 13-16 мая 2008. – Пенза, 2008. – С. 217-219.
11. Ибрагимов А. Ж. Сурхон давлат қўриқхонаси флорасининг дарахт ва буталари // Ўзбекистонда чўлланишнинг экологик муаммолари: Халқаро илмий конференция материаллари. 25-26 сентябр 2008. – Ташкент, 2008. – Б. 53-55.



12. Ибрагимов А.Ж. Сурхон давлат кўрикхонаси флорасининг бирпаллали ўсимликлари // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2008. – №4. –Б. 45-46.
13. Иваницын М.М. Сурхандарьинский артезианский бассейн. //Гидрогеология СССР // Узбекская ССР, – М.: Недра, 1971. Т.39. – 132 с.
14. Камелин Р.В. Флорогенетический анализ естественной флоры горной Средней Азии. – Л.: Наука, 1973. – 353 с.
15. Камелин Р.В. Кухиستانский округ горной Средней Азии. – Л.: Наука, 1979. – 117 с.
16. Камелин Р.В., Хасанов Ф.О. Вертикальная поясность растительного покрова хребта Кугитанг (юго-западный Памиро-Алая) // Бот. журн., 1987. – № 1 (72). –С. 49-58.
17. Камелин Р.В. Флора Сырдарьинского Каратау.–Л.: Наука, 1990. – 145 с.
18. Коровин Е.П. Растительность Средней Азии и Южного Казахстана. 2-е изд. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1962. Т.2. – 547 с.
19. Культиасов И.М. Экология растений. – М.: Изд. Моск. ун-та, 1982. – 384 с.
20. Махмедов А.М. Шалфеи Средней Азии и Казахстана (систематика, география и рациональное использование).–Ташкент: Фан, 1984.–108 с.
21. Меркулович Н.А. Растительность Ширабадского и Байсунского районов. УзССР (бот-географ. очерк). // Тр. Узб. гос. ун-та, 1936. Т.3. – С. 9-59.
22. Невский С.А. Материалы к флоре Кугитангтау и его предгорий. В кн. Флора и систематика высших растений – М., Л.: Изд. АН СССР, 1937. – С. 199-346.
23. Никитин В.В., Гельдиханов А.М. Определитель растений Туркменистана. – Л.: Наука, 1988. – 678 с.

24. Определитель растений Средней Азии. В 10-ти т. – Ташкент: ФАН, 1968–1993.
25. Пименов М.Г., Сдобнина Л.И. К систематике рода *Seseli* L. I. Ревизия рода *Libanotis* Hill (*Umbelliferae*) // Бот. журн., 1975. – № 8 (60). – С. 1108-1122.
26. Попов М.Г. Растительные высотные пояса в горах Средней Азии. Дневн. всес. съезда бот. // Тр. по прикл. бот., генет. и селекции, 1928. – С. 92-93.
27. Пославская О.Ю. Геоморфологическая характеристика Сурхандарьинской области. // Тр. ТашГУ, вып. 185.–Ташкент, 1961.–С. 3-30.
28. Пославская О.Ю. В горах южного Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 1967. – 103 с.
29. Проскуракова Г.М. Новый эспарцет с Кугитанга. // Бюлл. Московского о-ва испыт. прир. отд. биол. наук, 1977. Т 82. вып. 3. – С. 135-138.
30. Проскуракова Г.М., Беянина Н.Б. Дополнение к флоре Кугитанга. // Науч. докл. высш. школы биол. науки, 1977. – № 6. – С. 57-60.
31. Prator O'P., Nabiyeu M.M. O'zbekiston yuksak o'simliklarining zamonaviy tizimi. – Toshkent: O'qituvchi, 2007. – 64 b.
32. Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти. – Тошкент: Жайхун, 1996. – 30 б.
33. Тахтаджян А.Л. Система магнолиофитов. – Л.: Наука, 1962. – 439 с.
34. Тахтаджян А.Л. Флористические области Земли. – Л.: Наука, 1987. – 247 с.
35. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Попов В.А. О проекте ботанико-географического районирования Узбекистана // Матер. конф. Проблемы сохранения биоразнообразия. Сборник статей. – Гулистан, 2012. – Б. 6-10.
36. Тожибаев К.Ш., Кадыров Р.У. Тюльпаны Узбекистана – *Tulips of Uzbekistan*. – Ташкент, Шарк, 2010. – 224 с.

37. Тожибаев К.Ш., Тургинов О.Т. Новый вид рода *Jurinea* Cass. (Asteraceae) из Гиссарского хребта (Памиро-Алай) // Ботан. журн. – Санкт-Петербург, Наука, 2013. – №12 (98). Б. 1563-1566.
38. Тожибаев К.Ш., Тургинов О.Т. Новые и редкие виды флоры Узбекистана из Байсунтау (Гиссарский хребет) // Ботан. журн. – Санкт-Петербург, Наука, 2012. – №7 (97). Б. 966-971.
39. Тожибаев К.Ш. Флора юго-западного Тянь-Шаня (в пределах республики Узбекистан). Диссертация док.биол.наук. Ташкент, 2010. 271. б.
40. Тожибаев К.Ш. Род *Eremurus* M. Vieb. во флоре Западного Тянь-Шаня// Биоразнообразии Угам-Чаткальского Национального парка. – Ташкент: Газалкент, – 2008. С. 58-61.
41. Тожибаев К.Ш. Бухоро отостегияси-Отостегия бухарская-*Otostegia bucharica* V. Fedtsch. Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби. – Тошкент: Chinor ENK, 2009. – Б. 276.
42. Толмачев А.И. Введение в географию растений. – Л.: Изд. ЛГУ, 1974. – 244 с.
43. Тургинов О.Т. Бойсун флористик районидаги *Eremurus* M.Vieb. туркумининг турлари ҳақида // Матер. конф. Проблемы сохранения биоразнообразия. – Гулистан. 2012. – Б. 37-39.
44. Тургинов О.Т. Бойсун ботаник-географик районининг флораси... автореф. диссертация PhD. док.биол.наук. Ташкент, 2016. 28 с.
45. Флора СССР. В 30-и т. – М., Л.: Изд. АН СССР, 1934-1964.
46. Флора Таджикской ССР. В 10-и т. – М., Л.: Изд. АН СССР, 1957-1991.
47. Флора Туркмении. В 7-и т. – Ашхабад: Изд. АН Туркм. ССР, 1932-1960.
48. Флора Узбекистана. В 6-и т. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1941-1962.

49. Хасанов Ф.О. Краткий очерк растительности Кугитанга // Тез. докл. юбил. науч. конф. молодых ученых и спец-тов посев 60-летию ЛКСМ Узб-на, 1985. – С. 167-168.
50. Хасанов Ф.О. Клен пушистый в растительном покрове Кугитанга // ДАН. УзССР, 1985. – № 7. – С. 50-51.
51. Хасанов Ф.О. Формация *Sageretieta laetivirens* на Кугитанге // ДАН. УзССР, 1986. – № 4. – С. 47-48.
52. Хасанов Ф.О. Ксерофильная древесно-кустарниковая растительность Кугитанг-тау: Автореф. дис... канд. биол. наук. – Ташкент, 1987.– 20 с.
53. Хасанов Ф.О., И.И. Мальцев. Новый вид рода *Allium* L. из Кугитанга // Узб. биол. журн. – Ташкент, 1988. – № 4. – С. 42-43.
54. Хасанов Ф.О., И.И. Мальцев. Новый вид рода *Silene* L. из Кугитанга // Узб. биол. журн. – Ташкент, 1991. – № 3. – С. 66-67.
55. Хасанов Ф.О. Эндемичные растения юго-западных отрогов Гиссарского хребта // Узб. биол. журн. – Ташкент, 1991. – № 2. – С. 41-45.
56. Хасанов Ф.О. Род *Allium* L. во флоре Средней Азии: Автореф. дис... докт. биол. наук. – Ташкент, 2008. – 35 с.
57. Хасанов Ф.О. Род *Allium* L. во флоре Узбекистана // Ўзбекистонда чўлланишнинг экологик муаммолари: Халқаро илмий конференция материаллари. 25-26 сентябр 2008.–Ташкент, 2008.–Б. 53-55.
58. Холмуродов М.А. Бойсун-Чўлбаир тоғларининг ўсимликлар коплами: Автореф. дис.... канд. биол. наук. –Тошкент, 2007. – 18 б.
59. Черепанов С.К. Сосудистые растения России и сопредельных государств (в пред. бывшего СССР). – Санкт-Петербург: Мир и семья-95, 1995. – 588 с.
60. Эргешев Ш.Э. Ландшафты Сурхандарьинской области. – Ташкент: ФАН, 1974. – 155 с.
61. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби. – Тошкент: Chinor ENK, 2009. Т.1.

62. Brummitt R.K., Powel C.E. Authors of plants names. Royal Botanic Gardens. – Kew, 1992. – 732 p.
63. Raunkier C. On biologiske Typer, med Hensyn til Planternes Tilpasning til at overleve ugunstige Aarstider // Bot. Tidsskrift. – London, 1904. – 26 p.
64. Raunkier C. Planteriget's Livsformer og deres Betydning for Geografien. Koebenhavn og Kristiania, 1907. – 132 p.
65. Raunkier C. The life form of plants and statisticae plant geography. – Oxford, 1934. – 632 p.
66. Takhtajan A.L. Diversity and classification of Flowering Plants. Columbia University Press, 1997. – 643 p.
67. Tojibaev K.Sh., Turginov O.T. A new species and a new combination of *Iris* subgenus *Scorpiris* (Iridaceae) from Central Asia (Hissar Range, Pamir-Alai) // Phytotaxa – 2014. – №158 (3): P. 224-228.
68. Tojibaev K., Beshko N., Turginov O., Mirzalieva D. New records for Fabaceae in the flora of Uzbekistan // Flora of Meditte. – 2014. – № 24. P.25-35.
69. Walter M. Einführung in die allgemeine Pflanzengeographie Deutschlands. – Berlin, 1927. – 458 p.
70. [www.ipni.com](http://www.ipni.com) (International plants Name Index).

**МОНОГРАФИЯ**

**ИБРАГИМОВ Акрам Жавлиевич**  
**ЭШБОЕВ Музаффар Бахтиёр ўғли**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФЛОРАСИНИНГ ЭНДЕМ ВА  
КАМЁБ ТУРЛАРИ**

Мухаррир: Ю.Зиёдов

Техник муҳаррир: Ш.Раҳмонов

Мусахҳиҳ: Ю.Зиёдов

Муқова безакчиси: Т.Эргашев

Саҳифаловчи: К.Темирова

Нашриёт лицензия № АИ 139,27.04.2009 йил. Теришга 05.11.2019 йилда берилди. Босишга 06.12.2019 йилда рухсат этилди. Бичимли 60x84<sub>1/16</sub> Baltica UZ гарнитураси. Офсет усулда чоп этилди. Шартли босма тобоғи 6,52. Нашр босма тобоғи 6,02. 2019-шартнома. 158-буюртма. 112 бет. Экрин нарҳда.

«Насаф»- нашриёти, 180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик  
шоҳкўчаси, 22-уй

« Қаршиполиграфнашр »- МЧЖда чоп этилди.  
180100, Қарши шаҳри, « Ўзбекистон овози»- кўчаси, 33-уй